

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Т.Ж.ЖУМАЕВ

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талаabalари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

DJUMAYEV T.J.

ECOLOGIC EXPERTISE

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

Жумаев Т.Ж. Экологик экспертиза (Ўкув қўлланма). –
Т.: ТДИУ, 2004 – 128 бет.

Ўкув қўлланмада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш амалийтида аҳолининг яшаши учун соғлом шарт-шароит вужудга келтириш ва табиатдан фойдаланиш самарадорлитини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш асосида ижтимоий-иктисодий ривожланишининг экологик хавфсизлигига эришишининг ғоят муҳим ва долзарб муаммолари баён қилинган. Ушбу муаммоларнинг ечимига алоҳида эътибор берилган.

«Экологик экспертиза» ўкув қўлланмаси «иктисодиёт (экология)» таълим йўналиши бакалавр ва магистр талабалари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д. проф.

Ш.Р. Холмўминов

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Қ.Н. Абирқулов,
б.ф.д., проф. Н.Н. Норбоев

Djumayev T.J. Ecologic expertise (manual) – T.: TSEU, 2004
– 128 pages.

The manual is about preparing clean environment for population, increasing the efficiency of nature civilization, protecting environment, and ecologic problems of social-economic development. Possible solutions are given.

The manual is designed for bachelor and masters students majoring “economics” (ecology).

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh. R.

References: doctor of economic science,
prof. Abirkulov.K.N.;
doctor of biologic science,
prof. Norboyev N.N.

КИРИШ

Экологик экспертиза фан ва ўқув предмети сифатида шаклланиш ва ривожланишнинг дастлабки босқичида турибди. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистонга ечимини кутаётгац қатор муаммолар ўтмиш тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган. Республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш амалиётида аҳолининг яшаши учун соғлом шарт-шароит вужудга келтириш ва табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш асосида ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг экологик хавфсизлигига эришиш фоят муҳим ва долзарб муаммодир. Бу муаммо ечимини топишда экологик экспертиза жуда катта роль ўйнайди. У амалиётда фақат экологик асосланган хўжалик қарорларини амалга оширишни таъминлайди. Иктиносидиётни ривожлантиришда экологик хавфсизлик ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш талабларини бажариш мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясининг устувор йўналишидир. Бу мураккаб муаммоларни ечимини топишда илмий асосланган экологик экспертиза ёндашувларига асосланиши ва улардан амалиётда фойдаланиш малакаларига эга бўлиши замонавий иктиносидиларга экологик оқибатларни ҳисобга олган ҳолда тўғри қарор қабул қилишларига имкон беради.

Экологик экспертиза фани иктиносидиларнинг экологик саводхонлигини оширишга, жамиятнинг иктиносидий ривожланишида сабаб-оқибат алоқаларини тўғри тушунишга хизмат қилади. Ушбу фан экологик экспертизанинг илмий асосларини яратишга, улардан амалиётда фойдаланишга, «жамият-табиат» тизимида янги экологик экспертиза муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган.

«Экологик экспертиза» ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат таълим стандартлари талабларига амал қилиб ёзилган. Унга Тошкент Давлат иктиносидёт универсиитети «Иктиносидёт ва статистика» факультетининг В 340200-«Иктиносидёт (экологик)» таълим ўйналиши (бакалаврият) «Экологик экспертиза» намунавий ўқув дастури асос қилиб олинган. Ушбу фанни ўрганиш жараёнида олинадиган билимлар мажмуси иктиносидчи-экологларни фундаментал тайёрлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Ўқув қўлланма 9 бобдан иборат. Биринчи бобда экологик экспертизанинг предмети, методи ва вазифалари асослаб берилиган. Иккинчи бобда экологик экспертизанинг илмий-методологик асослари баён қилинган. Учинчи боб Ўзбекистондаги эколо-

гик вазият ва уни эксперт баҳолашга бағишлиланган. Бу бобда республикада экологик вазиятнинг умумий таърифи, табиат имкониятлари ва вилоятлар ва туманлардаги экологик ҳолат, экологик вазиятни баҳолаш ва районлаштириш, экологик вазиятнинг ҳудудий фарқлари, Орол дengизининг қуриши ва экологик экспертиза сабоқлари, тог ва текислик геотизимларидан фойдаланиш, ҳалқаро экологик экспертиза тажрибалари ва улардан фойдаланиш муаммолари таърифланган. Тўртинчи бобда экологик экспертизанинг асосий принциплари, бешинчи бобда экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари, олтингчи бобда экологик экспертиза турлари баён қилинган. Етгинчи бобда экологик экспертизага қўйиладиган талаблар ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, экспертиза объектларининг табиатта таъсири фарқлари ва уларнинг классификацияси кўрсатилган. Саккизинчи бобда экологик экспертизанинг асосий йўналишлари, технологик (техника), корхоналар, шаҳарсозлик, табиатни ўзgartириш лойиҳаларининг экологик экспертизаси таърифланган. Тўққизинчи бобда экологик экспертиза хизматини ташкил этиш ва давлат экологик экспертизасининг хulosасига қўйиладиган талаблар баён қилинган. Бу бобда давлат экологик экспертизаси хulosасининг структура ва мазмунига қўйиладиган талаблар, унинг мазмуни ва матни нусхаси берилган.⁷

Муаллиф иқтисод фанлари докторлари, профессорлар Қ.Н. Абиркулов ва Ш.Р. Холмўминовга танқидий муроҳазалари ва қимматли маслаҳатлари, китобни нашрга тайёрлашдаги хизматлари учун чуқур миннатдорчилик билдиради.

I боб

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА·ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Экологик экспертизанинг янги фан ва ўқув предмети сифатида шаклланиши ва ривожланиши

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва атроф табиий мухит ҳолатининг ўзариши ўртасида ўзаро чамбарчас алоқалар мавжуд. Ижтимоий ишлаб чиқаришининг ривожланишига боғлиқ ҳолда инсон фаолиятининг табиатга таъсири ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси узлуксиз ошиб, уларнинг салбий оқибатлари миқёси тобора хавфли тус олмокда. Шу муносабат билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишда экологик омилларни табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусиятларини ва уларни тартибга соладиган йўналишлар ва қонуниятларни ҳисобга олмаслик ёки уларнинг аҳамиятини зўлалигича баҳоламаслик кутилмаган экологик-иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу шароитда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча табиий-экологик омилларни, табиат-жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларининг сабаб-оқибатлари занжирини тўғри тушунилиши ва шу асосда инсон хўжалик фаолиятининг экологик-иқтисодий қонуниятлари талабларга мос келишини белгилаш мухим аҳамиятга эга. Бунда табиат ва жамият ўртасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни маъмурий бошқариш методларини кўллаш мухим ўринни эгаллайди. Ушбу назорат йўналиши таркибида экологик экспертиза кенг кўлланиладиган фаолият тармоғи ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу соҳани комплекс ўрганадиган экологик экспертиза фанини ҳам илмий, ҳам ўқув йўналишларида бозор иқтисодиёти талабларига мос йўналишда шакллантириш ва ривожлантимириш ҳаётий заруратга айланди.

Экологик экспертиза фан сифатида шаклланишининг обьектив шарт-шароитлари инсоннинг хўжалик ва бошқа фаолиятлари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг табиатга таъсириининг миқёслари ва салбий таъсириининг ошиб бораётганлиги билан изохланади. Ушбу фаннинг Ўзбекистонда шаклланиши ва ривожланиши зарурати кўп жиҳатдан мамлакат экологик сиёсатини самарали амалга ошириш билан узвий боғлиқдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қўйидағи сўзларини келтириш ўринлидир: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз ахолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, кўл қовушириб ўтириш ўзини-ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, кўп лар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муно-

сабатда бўлмоқдалар ... Экология ҳозирги замоннинг кенг миёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал килинишига боғликдир...»¹.

Экологик экспертиза фани табиатдан фойдаланиш, экология иқтисодиёт ва ижтимоий экология фанлари туташган чегараларда ва экологик ҳуқуқ фани билан узвий боғлик ҳолда, уларнинг асосий тушунчалари, янги қонуниятлари, категориялари, концепцияларига асосланган ҳолда шаклланётган ва ривожланиб берадётган фаннинг янги йўналиши ва соҳаси ҳисобланади. Экологик экспертиза ушбу фанларнинг назарий-амалий тадқиқотлари натижаларининг энг сўнгти ва янги ютуқларини амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган назарий-амалий фандир. У табиатдан фойдаланиш, табиатни асрарша мухофаза қилишини бошқаришнинг экологик экспертиза бўйича маъмурӣ-назарот тармоқ йўналишининг назарияси ва амалиёти йўналишини мамлакатнинг барқарор, хавф-хатарсиз ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан асослаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг суворен давлат сифатида мустақил тараққиёт йўлига ўтиши жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларини уйғунлаштириш учун янги имкониятлар яратиб берди. Мустакиллик йилларида ҳўжаликни ривожлантириш бўйича қарорларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш тадбирлари амалга оширила бошланди. 2000 йилда «Экологик экспертиза тўғрисида» маҳсус қонун қабул қилинди, 2002 йил январ ойида «Экологик экспертизани ташкил этиши ва ўтказиш бўйича низом» тасдиқланди. Шу муносабат билан экологик экспертиза бўйича тизимли, комплекс ёндашувларга асосланган илмий тадқиқотларни ривожлантиришга талааб кучайди. 2000-2001 ўқув йилида Ўзбекистонда биринчи марта Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт ва статистика» факультетига қарашли «Минтақавий иқтисодиёт ва экология» кафедраси базасида «Иқтисодчи-эколог» мутахассислигига бакалаврият бўйича талабалар қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида экологик экспертизанинг ўқув фани сифатидаги йўналишини шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади. Ушбу ўқув кўлланма ГДИУда иқтисодчи-экологларни тайёрлаш мақсадлари учун ёзилган биринчи ўқув кўлланма ҳисобланади.

»«Экспертиза» тушунчаси (термини) лотинча «expertus»-«тажриба» сўзидан келиб чиққан. Экспертиза тушунчаси фан, техника, санъат соҳаларида маҳсус билимга эга бўлган мутахассис (эксперт) томонидан турли масалалар бўйича тадқиқотлар олиб бориб, уларни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997; 112 ва 115 бетлар.

баҳолашни билдиради. Эксперт баҳолари бевосита ўлчовга тушмайдиган, шу сабабдан мутахассис мулоҳазалари ва хulosасига асосланган жараёнлар, ҳодиса, воқеалар, объектларни мидорий ёки тартибий баҳолашдан иборат бўлади. Экологик экспертиза фанига нисбатан бу тушунча режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган инсон хўжалик ва бошқа фаолиятларининг табиат муҳофазаси ва экологик талабларга, экологик ва табиат муҳофазаси қонунчилигига мувофиқлиги ва мос тушишини ҳамда экологик экспертиза объектларини ишга тушириш, рӯбога чиқариш, куриш мумкинлигини аниқлаш ва уларни эксперт баҳолаш, улар бўйича маълум экологик экспертиза хulosаларини чиқаришни билдиради. Бунда «табиат-жамият» тизими ўртасидаги ўзаро алоқаларда меъёрий мувозанат ва ўйғулликка эришишни таъминлаш асосий ўрнини эгаллаиди, яъни экспертиза объектлари экологик талаблар ва жамиятнинг экологик-иктисодий манфатларига мос келиши ёки зид бўлиши тўғрисида хulosа чиқарилади.

1.2. Экологик экспертиза фанининг предмети, обьекти, тадқиқот методлари

Экологик экспертиза фани мўлжалданаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ёки ўзга фаолият (объект)нинг табиатга ва инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш, уларнинг экологик иқтисодий асосланганлигини аниқлаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадларида ўтказиладиган экологик экспертиза фаолиятининг хусусиятларини ўрганадиган ва уни ташкил этишининг илмий асосларини ишлаб чиқадиган фандир.

Экологик экспертиза фани бир томондан табиий-экологик қонунлар, қоида, принципларга, бошқа томондан эса табиат муҳофазаси ва экологик экспертиза тўғрисидаги қонун хужжатларига, экологик нормативларга асосланади.

Экологик экспертиза фани экология иқтисодиёти фанининг амалий экология иқтисодиёти таркибига киради ва унинг табиат ва жамият ўртасидаги иқтисодий экологик муносабатларни тадқиқ этиш соҳасида эришган назарий ва амалий ютуқларидан ўзи ning муаммолари ечимини топишда кенг фойдаланади. Экологик экспертиза фани билан bogлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг илмий-амалий муаммолари учта асосий йўналишда - назарий, методик, экспрементал-намоён бўлади.

Экологик экспертиза фанининг предмети – экологик экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида юзага келадиган экологик-иктисодий муносабатлар хисобланади. Бунда асосий мақсад табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларда айни бир вақтда мақбул мувозанатни сақлаб қолган холда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва табиий муҳит ҳолатини яхшилашга эришиш муаммоларининг оптимал ечимини топишдан иборат.

✓ Экологик экспертизологияк экспертизисодий муносабатлар давлат (ихтисослашган эксперт бўлинмалари) билан экологик экспертиза буюртмачиси ўртасида табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, чиқитларни утилизация (цайта ишлаш), ишлаб чиқариш фаолиятини экологизациялаш соҳаларида содир бўлади. Давлат экологик экспертизасининг субъекти сифатида учта томон иштирок этади: буюртмачи, пурдатчи, истеъмолчи.

Экологик экспертизани тайинлаш хуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти тизимлари (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари, Хукумат органлари) экологик экспертизанинг буюртмачилари ҳисобланади. Пурдатчи сифатида эса экологик экспертиза топшириқларининг ижрочилари (айрим эксперт мутахассислар, илмий-тадқиқот институтлари, ваколатли комиссиялар) иштирок этади. Ушбу экологик-иқтисодий муносабатларда истеъмолчи сифатида эксперт таҳлилининг предмети бўлган обьектларнинг мулқорлари, эгалари ҳисобланган корхоналар ёки ташкилотлар қатнашади. Бу муносабатларда асосий экологик-иқтисодий зиддиятлар содир бўлади. Улар томонлар манфаатларининг фарқ қилиши билан узвий боғлиқдир. Ресурсларнинг чекланганлиги ва одамларнинг табиий ресурсларга эҳтиёжи нинг ошиб бориши ва уларни таъминлашнинг қийинлиги, табиат ҳолати ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги, ресурсларга харажатлар ва тўловлар зиддиятлар келиб чиқишининг асосий манбаларидир. *Масалан: мақсадга мувофиқ экологик сиёсатни амалга оширмасдан ва табиат муҳофазаси талабларига етарли амал қилмасдан иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига эришиш табиат емирилишига (деградация) ва ифлосланишига сабаб бўлади. Зиддиятларнинг моҳиятини ва уларни мақсадга мувофиқ бартараф этиш заруратини жамиятнинг обьектив экологик ва иқтисодий манфаатларининг диалектик бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги белгилаб беради. Бу соҳада экологик экспертиза фани тавсиялари (муносабатларни такомиллаштириш, яхшилаш методларини ишлаб чиқиш) мухим аҳамиятта эга.*

Экологик экспертиза фанининг обьекти ғоят хилма-хил бўлиб, улар турли миёс ва даражадаги экологик-иқтисодий тизимларни ўз ичига олади. Улар қаторига қўйидагилар киради: давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг (тархлари) лойиҳалари; қурилиш учун ер ажратиши материаллари; лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатлари; норматив-техник ва йўриқнома-услубий хужжатларининг лойиҳалари; техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир хужжатлар; турли ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектлар; алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудлар, фавқулотда экологик вазият ва

экологик офат зоналари материаллари; шаҳарсозлик хужжатла-ри; маҳсус ҳуқуқий режимли обьектлар ва бошқалар.

Экологик экспертиза фанининг асосий илмий-тадқиқот ме-тодлари қаторига тизимли таҳдил, гурухлаш, экологик-иқтисодий баҳолаш ва қиёсий таҳдил, ҳисоб-аналитик (таҳдил), синтез, ба-ланс, норматив, эксперт баҳолаш ва бошқа методлар киради. Ай-ниқса норматив тадқиқот методлари, шу жумладан экологик нор-матив методлари (йўл қўйиш мумкин бўлган концентрациянинг энг юқори даражаси, яшил зоналар нормалари ва бош.) табиятга антропоген таъсирининг йўл қўйиш мумкин бўлган обьектив чега-раларини аниқлашга имкон беради.

1.3. Экологик экспертиза фанининг бошқа фанлар билан боғ-лиқлиги ва ўзаро алоқалари

Экологик экспертиза муаммоларининг комплекс характери, обьектининг мураккаб ва фанлараро хусусиятлари ушбу фанининг кўплаб иқтисодий, табиий, техника, ҳуқуқий, ижтимоий, географик, тиббий ва бошқа фанлар билан боғлиқ бўлишини ва улар билан ҳар томонлама ўзаро алоқаларни ривожлантиришни тақозо этади.

Табият билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни эколо-гик экспертиза фани нуқтаи назаридан ўрганиш ушбу муаммо-нинг экологик, иқтисодий, ижтимоий-демографик, худудий-геогра-фик, тиббий, шаҳарсозлик, ҳуқуқий, технологик ва бошқа кўплаб йўналишларини ҳар томонлама комплекс ҳисобга олишини тақозо этади. Экологик экспертиза фани табиий ва ижтимоий фанлар туташган чегараларда туради. Шу сабабдан турли фанлар соҳала-рининг маълумотларидан, материалларидан кенг миқёсда фойдала-ниш экологик экспертизанинг гоят мураккаб муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

Экологик экспертиза фанини ўрганишда Б.Коммонер томонидан тавсия этилган қўйидаги табият иқтисодиёти қонунлари ёки прин-ципларидан кенг фойдаланиш мухим аҳамиятга эга: ҳаммаси ҳаммаси билан боғланган; ҳаммаси қаёққадир ғойиб бўлиши керак; ҳеч нарса бекорга (текин) берилмайди; табият яхши билади.

Экологик экспертиза тадқиқотларида ва амалиётида табият-га кўп даражада салбий таъсири кўрсатадиган хўжалик, бошқарув ва бошқа фаолият (объект) йўналишлари экспертизада қўйидаги умумий ва фанлараро принципларни ҳар томонлама ҳисобга олиш мухим илмий-амалий аҳамиятга эга:

- инсоннинг ҳаёти ва сихат-саломатлигининг устуворлиги, аҳоли-нинг ҳаёти, меҳнати, дам олиши учун қулай экологик шароит яратиш;
- жамиятнинг экологик ва иқтисодий манфаатларини айнан бирга қўшишни илмий асослаб амалга ошириш орқали аҳолининг яшаши учун соғлом ва қулай атроф табиий мухитга эга бўлиши тўғрисидағи ҳуқуқларининг реал кафолатларини таъминлаш;

- табиат ресурсларидан табиат қонунлари, табиатнинг потенциал имкониятлари, табиий ресурсларни тақрор ишлаб чиқариш зарурати ва атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги учун асил ҳолига қайта олмайдиган оқибатларга йўл қўймасликни ҳисобга олган ҳолда рационал фойдаланиш;
- табиат муҳофазаси ва экологик экспертизада қонун хужжатлари талабларига қатъий амал қилиш ва экологик хуқуқбузарлик учун жавобгарлик;
- экологик муммомларни ҳал этишда ошкораликка амал қилиш, жамоат ташкилотлари ва аҳоли билан яқин алоқаларни ўрнатиш:

1.4. Экологик экспертиза фанининг мақсади ва вазифалари

Экологик экспертиза фани ўкув предмети сифатида қуидаги мақсадларни кўзда тутади:

- табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг асосий қонуниятларини билиш асосида экологик экспертизани ўтказишнинг муҳим эканлигини тушунтириш;
- экологик экспертизада табиат муҳофазаси тўғрисидаги ва экологик экспертиза тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига қатъий амал қилиш зарурлигини доимо ҳисобга олишга ўргатиш;
- мўлжалланәтган хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинмасдан олдин бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини экологик экспертизадан ўтказганда табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишининг муракқаблиги, кўп омиллиги, тармоқлароро ва фанлараро муаммо эканлигини ҳар томонлама ҳисобга олган тадқиқ этиш малакаларини эгаллашга эришиши;
- режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳит ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатишини, уларнинг хавфлилик даражасини аниқлаш бўйича экологик экспертиза ўтказганда масалан экологик хавфсизликни ва экологизациялашни таъминлаш зарурати нуқтаи назаридан ҳал этиш лозимлигини тушунтириш;
- экологик экспертиза ўтказишида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарли ва асослигини аниқлаш принциплари, методлари ва йўлларини билишга ва уларни амалиётда қўллашга ўргатиш;
- экологик экспертиза эндилиқда шаклланиб бораётган ва тез ривожланаётган фанлар жумласига киради. Унинг асосий қоидалари ва концепциялари табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишга йўналтирилган. Ушбу фан тадқиқотларида экологик экспертиза механизми орқали қуидаги экологик-иқтисодий муаммолари ечимига асосий эътибор берилади: инсон саломатлиги, эко-

логик мувозанатни сақлаш, экологизациялаш, табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдыган қилиб фойдаланиш учун қуай шартшароитлар яратыш, экологик хавфсизлик ва бошқалар.

Экологик экспертиза фанининг назарий ва амалий билимлари иқтисодчи-экологлар, эколог-экспертлар, иқтисодчиларни профессионал тайёрлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Экологик экспертиза фани ҳозирги экологик сиёсатни түғри тушунишга ва амалга оширишга, мамлакатни барқарор ривожлантиришда табиат муҳофазасининг экологик-эксперт йўналишининг моҳиятини билиб олишга илмий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу фаннинг вазифалари мамлакатнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган объектив эҳтиёжларига мувофиқ бошқарувининг барча бўгинларида экологик экспертиза хизматларига талабнинг ошиб бораётгандиги билан белгиланади. Иқтисодиётни экологизациялаш, экологик барқарор ривожланишга ўтиш зарурати экологик экспертизанинг аҳамиятини янада оширади. Шу муносабат билан экологик экспертиза фани олдида турган асосий вазифаларга қўйицагилар киради:

- табиат билан жамият ўзаро алоқаларининг экологик экспертиза йўналишини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш;

- экологик экспертизанинг Узбекистоннинг барқарор ривожланиш ва иқтисодиётни экологизациялаши йўналишларига ўтиши билан боғлик бўлган назарий ва амалий масалаларининг ечимини топиш;

- экологик экспертиза объектларининг табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитга таъсирини ва экологик хавфлилик даражасини комплекс таҳдил этиш;

- экологик экспертиза учун тақдим этилаётган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш;

- экологик экспертизани истиқболда ривожлантиришнинг экологик-иктисодий устуворлик ва иқтисодиётни экологизациялашга асосланган йўналишларини аниқлаш, уларни илмий асослаш ва ривожлантириш;

- экологик экспертиза ўтказиш орқали табиатдан рационал фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш имкониятларини давлат бошқаруви ва бозор инструментлари орқали тартибга солишнинг самарадорлигини ўрганиш;

- экологик экспертизанинг долзарб ва устувор йўналишларини аниқлаш ва эксперт тадқиқотларининг самарадорлигини ошириш методларини ишлаб чиқиши.

Ушбу курсни ўрганиш табиатни муҳофаза қилишни бошқарувининг тармоқ маъмурий методлари қаторига кирадиган экологик экспертизанинг аҳамияти, моҳияти, мазмуни ва асосий йўналишлари ва ривожланиши истиқболларини чуқур ўрганиш ва асосий қоидаларини билиб олишга ва экологик-экспертиза билимларини амалиётда қўллашга хизмат қиласди.

Қисқача хуросалар

Экологик экспертиза янги фан ва ўкув предмети сифатида экология иқтисодиёти ва ижтимоий экология фанлари туташган чегараларда ва экологик ҳукуқ фани билан узвий боғлиқ ҳамда эндиликда шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Бунда 2000 йилда «Экологик экспертиза тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Экологик экспертиза фани мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган ҳўйалик ёки ўзга фаолият (объект)нинг табиатта ва инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш, уларнинг экологик-иқтисодий асосланганлигини аниқлаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўтказиладиган экологик экспертиза фаолиятининг хусусиятларини ўрганадиган ва уни ташкил этишининг илмий асосларини ишлаб чиқадиган фандир.

Экологик экспертиза фанининг предмети экологик экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида юзага келадиган экологик-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Унинг обьекти бўлиб турли миқёс ва даражадаги экологик-иқтисодий – тизимлар хизмат қиласи.

Давлат экологик экспертизанинг субъекти сифатида уч томон иштирок этади: буюртмачи, пудратчи, истеъмолчи.

Ушбу фаннинг асосий илмий-тадқиқот методлари қаторига тизимли таҳдил, гуруҳлаш, экологик-иқтисодий баҳолаш ва қиёсий таҳдил, синтез, баланс, норматив, эксперт баҳолаш ва бошқалар киради.

Экологик экспертиза кўплаб ижтимоий-иқтисодий, табиий, техника, ҳукуқий, география, тиббиёт ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг назарий-амалий ютуқларидан кенг фойдаланади.

Экологик экспертиза фани предмети сифатида ўзига хос мақсад ва вазифаларга эгадир. Унинг асосий қоидалари ва концепциялари табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишга йўналтирилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Экспертиза» ибораси нима ва у экологик экспертиза нуқтаи назаридан қандай мазмунга эга?
2. Экологик экспертиза фан ва ўкув предмети сифатида қандай шаклланган?
3. Экологик экспертиза фани нимани ўрганади?
4. Экологик экспертизанинг предмети ва объектини таърифланг.
5. Экологик экспертиза муносабатларининг иштирокчилари – буюртмачи, пудратчи, истеъмолчи қандай вазифаларни бажаришини ва улар ўргасидаги муносабатларнинг моҳиятини тушунтиринг.
6. Экологик экспертизанинг асосий илмий тадқиқот методларини айтинг.
7. Экологик экспертизанинг бошқа фанлар билан алоқалари ва боғлиқлигини ва уларнинг аҳамиятини тушунтиринг.
8. Экологик экспертиза фанининг мақсади ва вазифаларини таърифланг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон 1997.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий режаси. Т., 1998.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
4. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши. Қоидалар ва норматив ҳужжатлар. –Т.: Адолат, 2002.
5. Экологик экспертиза тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2000).

II боб

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

2.1. Экологик экспертиза тўғрисида тушунча

«Экологик экспертиза» тушунчаси асосан қуидаги уч хил йўналишда талқин этилади. 1) экологик экспертиза давлат бошқарув тизимида махсус фаолият тармоғи; 2) экологик экспертиза-фан йўналиши; 3) экологик экспертиза – ўқув фани.

Экологик экспертизанинг мамлакат бошқарув тизимида тармоқ сифатида шаклланниши учун энг камидаги учта шароит бўлиши керак: 1) бундай тармоқни шакллантириш учун давлат манфаатининг мавжудлиги; 2) мустақил тартибга солиши (бошқариш) предметини ташкил этувчи тартибга солинадиган экологик-иқтисодий ижтимоий муносабатларнинг яққол намоён бўлиши; 3) алоҳида методларда тартибга солишга эҳтиёжнинг борлиги:

Бундай шароит Узбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда пайдо бўлди: мамлакатда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида ягона Давлат экологик экспертиза тизими ва уларнинг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахридаги эксперт органлари ташкил этилди ва улар фаолият кўрсатмоқда 1996 йилда ушбу тизимда 63 ҳодим ишлаган, мурракаб муаммоларни кўриб чиқиш учун 300 дан кўпроқ таникли олимлар эксперт сифатида қатнашганлар. Экологик экспертиза қилинган обьектлар сони 1993 йилда 1860, 1994 йилда-2640, 1995 йилда-3712, 1996 йилда-4384 та бўлган. 1997 йилда «Давлат экологик экспертизасини ташкил этиши ва ўтказиш тартиби» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган¹. 2002 йил январ ойида «Экологик экспертизани ташкил этиши ва ўтказиш бўйича низом тасдиқланган.

Экологик экспертиза бошқарув тизимида махсус тармоқ фаолияти бўлиб, у табиат ва жамият ўртасидаги алоқаларни уйғулаштириш, экологик-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, халқнинг экологик манфаатларини амалга ошириш бўйича экологик экспертиза усулини қўллаш асосида табиатдан фойдаланишининг экологик талабларга мувофиқ келишини аниқлайдиган ва уларни назорат қиласидаган махсус давлат бошқарув тизимидир. Ҳар қандай тизим каби экологик экспертиза ҳам уни шакллантирувчи омиллар орқали бирлашган (интеграциялашган) кўплаб элементлардан ташкил топган.

¹ О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Национальный доклад. – Т., 1998.

Экологик экспертиза бошқарув тизимида тармоқ сифатида асосан экологизациялаш методларидан кенг фойдаланган ҳолда ўз функциясини бажаради. Ушбу тармоқ обьектлари ғоят хилма-хил бўлиб, улар таркибиغا қўйидагилар киради: Ўзбекистоннинг миллий экологик тизими таркибига кирадиган табиий обьектлар-ер, фойдали қазилмалар, сув, ўсимлик ва ўрмон, ҳайвонот олами; экологик тизимнинг айрим компонентлари (қисмлари) - атмосфера ҳавоси, қўриқхоналар, буюртмалар; ишлаб чиқариш фаолияти ва антропоген таъсирда бўлган экологик тизимлар-қишлоқ ҳўжалиги соҳасида, қишлоқ ҳўжалигидан ташқаридаги соҳаларда, аҳоли яшаш манзиллари, рекреация (дам олиш) даволаш-соғломлаштириш зоналари, Куролли кучлар ихтиёридаги ерлар, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқитларини қайта ишлаш ва утилизациялашни тартибга солиш ва бошқалар. Ўз навбатида бу хилма-хил обьектлар йирик ва мураккаб макро экотизимлар-текислик чўл (саҳро), сугориладиган (антропоген) текислик, тоғолди-тоғ зоналари таркибига киради. Шу сабабдан тармоқ экологик экспертизаси таркибида чўл, антропоген текислик, тоғ йўналишлари ҳам ажратилиши керак.

Кўрсатилган обьектлардан фойдаланишни тармоқ йўналишида экологик экспертиза ўтказишда табиат муҳофазаси бўйича қонун ҳужжатлари билан бир қаторда, табиат ва жамиятта хос қонуниятлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Экологик экспертиза фан сифатида эндилиқда шаклланади. Ҳозирги кунда унинг илмий асосланган концепциялари ишлаб чиқилмаган. Лекин экологик экспертизанинг фан сифатида шаклланишини учун барча шароит мавжуд. Шу муносабат билан унинг фан сифатида ривожланишининг қўйидаги йўналишларини кўрсатиш мумкин: а) экологик экспертиза муаммолари йўналишини тадқиқ этишга тарихий ёндашиш; б) дастлаб умумий қоидалар ва қонуниятларни, сўнгра хусусий йўналишларни тадқиқ этишга асосланган мантиқий ёндашувга амал қилиш; в) тадқиқ этилаётган йўналишларнинг ҳамма томонларини ва алокаларини экологик-иктисодий ёндашувга асосланиб текшириш ва ўрганиш.

Экологик экспертиза фан сифатида экологик экспертизанинг тармоқ сифатидаги хусусиятлари, назарияси ва амалиёти тўғрисидаги билимлар тизимидан иборатadir. Ушбу фаннинг предметига экологик экспертизанинг юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқ сифатидаги ахборотларига қўшимча, яна қўйидаги мустақил мавзулар ҳам киради:

- 1) экологик экспертизанинг илмий тадқиқот методлари;
- 2) экологик экспертиза амалиёти;

- 3) экологик экспертизанинг ривожланиш тарихи;
- 4) экологик экспертиза маңбалари (ахборотлар ва бошқалар);
- 5) экологик экспертизанинг регионал-зонал, ҳудудий хусусиятлари ва уларни тартибга солиш экспертизаси;
- 6) экологик экспертиза фанида кўлланиладиган маҳсус терминалогияни баён этувчи терминлар (тушунчалар) аппарати;
- 7) экологик экспертиза талабларини бажариш амалиёти ва тажрибалари.

Экологик экспертиза фан сифатида экологик экспертизанинг бошқарув тизимидағи тармоқ сифатидаги хусусиятлари тўғрисида билимлар тизимидан, шунингдек экологик экспертизанинг экологик экспертиза тўғрисидаги ўқув фанидан ташкил топган.

Экологик экспертиза ўқув фани сифатида қуидаги хусусиятларга эга. Эколог-эксперт ихтисослиги бўйича мутахассис ёки экологик экспертиза соҳасида ишловчилар, экологик экспертиза хизматидан фойдаланувчилар ушбу соҳа бўйича ўқув дастурларида белгиланган маълум ҳажмдаги маҳсус билимларга эга бўлиши керак. Уқув юртларини битирувчиларнинг минимум билимлари уларнинг келгусидаги иш фаолияти хусусиятига боғлиқ ҳолда белгиланади. Ушбу курс бўйича дастурлар ҳам шуларни ҳисобга олиб тузилади. Экологик экспертизанинг ўқув фани сифатида мазмуни амалда экологик экспертизанинг фан сифатидаги хусусиятларига асосан мос тушади ва улар билан деярли бир хил бўлади.

Шундай қилиб «Экологик экспертиза» тушунчаси уч хил – тармоқ, фан ёки ўқув фани сифатида талқин этилади.

2.2. Экологик экспертиза табиатда ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир йўналишларини назорат қилиш

Экологик муаммолар-жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, атроф табиий мухитни сақлаш ва асрарш муаммоларидир. Инсон минг йиллар мобайнида ўзининг техник имкониятларини доимий равишда ошириб борди, табиатга ундаги биологик мувозанатни қўллаб кувватлашни унугтан ҳолда аралашишни кучайтириди.

Айниқса XX асрнинг иккинчи ярмида табиатга таъсир кўрсатиш юки кескин кўпайди. Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларда кескин сифат ўзгаришлари юз берди ва бунда аҳолининг тез кўпайиши, (индустриализация) саноатлашиш ва урбанизация (шахарлашув) жараёнларининг зўр бериб ва жадал ривожланиши оқибатида хўжалик юклари босими ҳамма жойда экологик тизимнинг ўз-ӯзини тозалаш ва реге-

нерация (тиклаш) қобилятидан ошиб кетди. Шу сабабдан биосферада табиий модда айланиши бузилди, ахолининг ҳозирги ва келажак авлодининг сихат-саломатлиги хавф остида қолди. Табиатни экологик хавф-хатар ва ҳалокатдан асрар қолиш жамиятнинг биринчи даражали вазифасига айланди. Акс ҳолда агар ҳозирдан бошлаб шошилинч чоралар кўрилмаса яқин келажакда инсоният глобал миқёсда экологик ҳалокатта дучор бўлиши мумкин. Ҳозирги шароитда, экологик тизимлар тобора кучайиб бораётган ҳўжалик босими юки ва оғирлигига бардош бера оладими, экологик муаммолар комплексида энг хавфли бўғин (звено) қаерда пайдо бўлади, инсон ўзи яратган қийин экологик ахволни тузата оладими деган саволларга жавоб топиш экологик экспертиза муносабатлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Экологик муаммолар фоят мураккаблиги ва кўп қирралиги, ечимининг қийинлиги, айни пайтда моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари ва ҳамма мамлакатлар ва регионларда ўзига хос йўналишларда намоён бўлаётганилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бир каторда табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларга хос бўлган ва замонавий фан томонидан ишлаб чиқилган умумий таълимот ҳам борки, улар экологик экспертизанинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиши ва экологик назоратни амалга оширишда муҳим стратегик аҳамиятга эгадир.

Ушбу таълимотнинг асосий мазмуни қуйидагича:

1. инсоннинг ҳаёти, яшаши, фаолияти, фаровонлиги оптималь (энг қулай, энг мақбул) табиий шароитни таъминламасдан амалга ошмайди.

2. Инсон фаолияти атроф табиий муҳитга ҳар хил йўналишда муқаррар таъсири кўрсатади.

3. Табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири тарихан ўзаро боғлиқдир.

4. Табиат ва жамият ўзаро таъсири иқтисодий-экологик жиҳатдан узвий боғлиқдир.

5. Табиат ягона (яхлит) тизимдан ташкил топган, ишлаб чиқарish соҳаси учун зарур бўлган, айни пайтда табиат қонунларига зид келадиган идоравий меҳнат тақсимоти шаритида табиатдан фойдаланиш экологик жиҳатдан мақбул йўналишларда режалаштириб амалга оширилмаса, ва экологик экспертиза орқали назорат қилинмаса, у муқаррар равишда ягона ва яхлит табиат тизимига заарли таъсири кўрсатади.

6. Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни оптималлаштириш ва зиддиятларни баратараф этишининг энг

мақбул ва илғор фан исботлаган йұналиши ривожланишнинг ноосфера йўлига ўтиш билан узвий боғлиқдир. Ўшбу йўл ҳозирги пайтда мавжуд бўлган экологик ва иқтисодий манфаатлар ўтасидаги зиддиятларнинг кескин тус олаётган давридан инсон, жамият ва табиат ривожланишини оқилона бошқаруви даврига – ривожланишнинг ноосфера йўлига ўтишни билдиради. Бу гоя биринчи марта академик В.И.Вернадский томонидан башорат қилинган эди. Ноосфера ривожланишини тўғри тушунишнинг пойдевори шундан иборатки, инсон табиатнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у табиат қонунларига бўйсунишга мажбурдир. Ноосфера ривожланишига ўтиш замонавий цивилизацияни ҳалокатдан сақлаб қоладиган ягона нажот йўлидир.

1) Ноосфера-ноос-ақл, (грек тилида) сфера-қобиқ, яъни «ақл қобиги» маъносини билдиради. Ноосфера-биосфера ривожланишининг олий босқичи-цивилизацияларига инсониятнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бу даврда инсоннинг ақлли фаолияти Ер шари ривожланишининг асосий, ҳал қилувчи омилига айланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) атроф-мухит ва ривожланишга бағи планган Конференциясида (Риоде-Жанейро, 1992) ривожланишган мамлакатларга хос бўлган ҳозирги бозор-истеъмол модёли инсониятни ҳалокатга олиб бориши түғрисида хuloscha чиқарди. Бу берқарор ривожланиш модели бўлиб, биосферанинг ва хомашё ресурсларини ўйламай ишлатиш ва истеъмол қилиш билан характерланади. Шу сабабдан Конференция Декларацияларида барча мамлакатларга бугунги ва келажак авлодларининг эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида атроф-мухитни сақлаб қолиш асосида барқарор (қўллаб қувватловчи) ривожланишга ўтиш тавсия қилинган. Бунда иқтисодий ривожланишини инсон фаолиятининг табиатга таъсирининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан барча қўшиб олиб боришига эришиш лозим. Шундай қилиб барқарор ривожланиш тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инсон эттиборнинг марказида туради ва у табиат билан уйғунликни сақлаган ҳолда соғлом ва самараали яшаш ҳуқуқига эгадир;

- атроф-мухит муҳофазаси ривожланишнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ундан ажратилган ҳолда кўрилиши мумкин эмас;

- ривожланиш ҳуқуқи шундай амалга оширилиши кераки, унда ривожланишга талабни қондириш ва атроф-мухитни сақлаб қолиш бир хил даражада таъминланишига бир вақтда эришиш мумкин бўлсин;

- мамлакат аҳолисининг дунё ҳалқларининг яшаш дара-жасидаги худудий фарқлар камайиб бориши керак;

Шу муносабат билан мустақил Ўзбекистон Республикаси ўтмиш тотолитар социалистик тизимдан қолган оғир экологик мерос оғирликларини бартараф этиши ва барқарор ривожла-нишга эришиши учун экологик экспертиза муносабатларида қўйидаги йўналишларга асосий ёътиборни қаратиши керак;

- истеъмол буюмлари сонини кўпайтирмаслик ва моддий истеъмолнинг тўхтовсиз ва чекланмаган ўсишига йўл қўймас-лик, инсоннинг амалий ва ижодий эҳтиёжларини товарнинг си-фати ва вазифасини яхшилаш асосида таъминлаш;

- мамлакат миқёсида ресурсларни тежаш, табиатни тик-лаш технологиясига ўтишни амалга ошириш ва уни назорат қилиш;

- мамлакат ва унинг регионларида хўжалик-ахборот ва ижтимоий-демографик ривожланишнинг илмий асосланган да-стурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни табиатни асрари ва унинг бойликларини кўпайтириш ва муҳофаза қилиш вазифаларига, инсоннинг жисмоний ва маънавий ривожланиши манфаатларига бўйсундириш;

- ижтимоий жараёнларни бошқариш ва тартибга солиши-нинг янги типига ўтиш ва бунда ҳар томонлама илмий таҳлил ва башпоратлашга экологик экспертиза хулосаларига асосланиш;

- ўзбек ҳалқи ва бошқа миллатларнинг миллий қадрият-лари, анъаналари, маданиятларининг ўзаро алоқалари ва бир-бирини бойитиш жараёнларини ривожлантириш ва улардан табиат муҳофазаси ва экологик экспертиза амалиётида фойда-ланиш.

Барқарор ривожланиш стратегияси экологик экспертиза-да табиат ва жамият ривожланишнинг уйғунлигини таъмин-лашга қаратилган қўйидаги принципларга асосланади.

- экологик вазиятни билиш;
- табиатнинг ифлосланиши ва табиий-ресурс салоҳияти-дан фойдаланишининг чегара параметрларини асослаш;
- ушбу параметрларга эришишни таъминловчи иқтисодий-экологик ва экологик экспертиза механизmlарни ишлаб чиқиши.

2.3. Экологик экспертиза муносабатларида экологик қонунлар, қоидалар, принципларга асосланishi

Экологик экспертиза бошқариш тизимининг тармоқ йў-налиши сифатида мамлакат ва унинг регионлари ва худудла-рида хўжалик комплекси янгиликларининг (шу жумладан та-

биатни ўзгартериш лойиҳаларининг ҳам) инсон яшаш мухити, табиий ресурслар ва одамлар саломатлигига таъсири баҳолаш билан шуғулланади. Бунда экологик экспертиза экологиянинг қонунлари, қоидалари ва принципларига асосланади, уларнинг амалга оширилаётган лойиҳаларга таъсири эҳтимолини текширади ва хўжалик тадбирларининг ушбу фундаментал қоидаларга мос келишини аниқлайди.

Экологик экспертиза муносабатларида таъсири ҳар томонлама ҳисобга олиниши зарур бўлган экология қонунлари, қоидалари, принциплари кўп сонли бўлиб, уларни тузилмаси, функцияси, эволюцияси, тизимлараро ўрни, эмпирик оқибатига кўра турухларга бўлиш мумкин. Масалан, тузилмасига кўра 10 та экологик қонун, 4та қоида, 2 та принцип, функциясига кўра 14 та экологик қонун, 7та қоида, 5 та принцип, эволюцияси бўйича 9 та экологик қонун, 2 та қоида, 5 та принцип, тизимлараро ўрнига кўра 8 та қонун, 5 та қоида, эмпирик оқибатига кўра 1 та экологик қонун, 7 та қоида, 6 та принцип борлиги аниқланган (Реймерс Н.Ф., 1990) Уларнинг умумий сони қўйидагича: қонунлар-42, қоидалар-25, принциплар-13. Уларнинг таърифи, таъсири хусусиятлари, улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари маҳсус экология энциклопедиялари, лугат ва маълумотномалар, ўқув адабиётларида ва илмий асарларда батафсил баён қилинган. Шу сабабдан биз энг мухим экология қонунлари, қоидалари, принципларининг айримларига намунавий мисол тариқасида қисқача таъриф бериш билан чекланамиз. Бундай ёндашув ўқувчиларда маълум тушунча ва тасаввур пайдо бўлишга ёрдам беради.

Экологик қонунлар орасида функционал қонунлар қаторига кирадиган ички динамик мувозанат қонуни мухим ўринни эгаллайди.

Ички динамик мувозанат қонунига кўра айрим табиий тизимлар ва уларнинг иерархиясининг (босқичлари) моддалари, энергияси, ахбороти, динамик сифати шундай ўзаро боғланганки, уларнинг бирортасида содир бўладиган ҳар қандай ўзгариш тизимнинг ички мувозанатига таъсир қиласи, унинг модда-энергетик, ахборот, динамик сифатининг йигиндисида ва функционал тузилмасида микдор ва сифат ўзгаришларининг содир бўлишига олиб келади. Бундай ўзгаришлар эса ушбу жараёнлар содир бўлаётган худудлар ва уларнинг иерархиясига ҳам деярли бир хил ва баробар даражада таъсир кўрсатади.

Ушбу экологик қонун таъсирининг экологик экспертиза фаолиятида ҳисобга олиниши зарур бўлган эмпирик (амалий) оқибатлари қўйидагилар билан характерланади:

1. Табиий мұхиттің ҳар қандай ұзғарышы (экотизимлар-нинг модда, энергия, информация, динамик сифаты) мұқаррар табиий занжир реакцияларининг ривожланишига олиб келади, улар эса үз навбатида амалға оширилған ұзғаришларни нейтрализациялаш (тәсірсизлантириш) ёки янги табиий тизимларни шакллантириш томонига йўналади ва табиий мұхиттің сезилярли қайтмас характеристдаги ұзғарышыга олиб қелади.

2. Экологик компонентлар (энергия, газ, суюқликтар, субстратлар (озиқлантирувчи мұхит), продуцент (ұсимликлар), консумент (хайвонлар), редуцентлар (микроорганизмлар), табиий тизимларнинг ахборот ва динамик сифатлари миқдорий жиҳатдан түғри чизиқли әмас, яъни бир күрсаткичнинг ұзғарышы ёки кучсиз таъсир күрсатиши оқибатида бошқаларидა (ва бутун тизимда) кучли четта чиқыши, оғищ юз бериши мүмкін.

3. Йирик экотизимларда амалға оширилған ұзғарышлар нисбатан қайтмасдир. Улар иерархия бўйлаб пастдан баландга ўтиб, - таъсир күрсатиши жойидан бутун биосферагача - глобал жараёнларни ұзгартиради ва шу асосда уларни янги эволюция даражасига кўтариади.

4. Табиатни ҳар қандай маҳаллий ұзгартиришнинг глобал биосфера миқёсидаги йиғиндицида ва унинг энг йирик қисмларидан (регионларида) жавоб реакциясини қўзгайди ва экологик-иктисодий салоҳияттің нисбатан ұзгармаслигига олиб келади ва унинг қўпайиши табиий тизимларнинг термодинамик барқарорлиги билан чекланади.

Кўпраб экологик қоидалар орасида «Табиатни қаттиқ» («қўйпол»; «дағал») бошқаришнинг занжирли (мұқаррар) реакцияси қоидаси алоҳида үринни эгаллади. «Қаттиқ», қоида тарикасида, табиий реакцияни келтириб чиқаради ва узоқ вақт оралигига экологик, ижтимоий ва иктисолий жиҳатдан йўл қўйиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Бу қоиданинг ҳаракати шу билан боғлиқки, унда табиий тизимлардаги ҳаётга қўйол, «жарроҳлик» аралашуви ички динамик мувозанат қонунини ҳаракатга келтиради ва табиий жараёнларни қўллаб кувватлаш учун энергетика харажатларини кескин қўпайтиради. Бунда экологиянинг оптималлик қонуни бузилади. Шу муносабат билан «қаттиқ» бошқаришга асосланган тадбирлар мажмуаси, масалан, чўлларни үзлаптириш, сув ресурсларини қайта тақсимлаш ва бошқалар зарарни қоплаш (компенсация) учун кўп миқдорда харажат қилиши (шўр ювиш, мелиорация, эрозияга қарши кураш) талаб қиласиди ёки тадбирларни ғоят эҳтиёткорона ва кетини үйлаб амалға оширишни тақозо этади.

Табиийлик принципи («ески автомобиль» принципи) шунга

асосланадиқи, табиатни техник тизимлар орқали бошқариш вақт үтишига боғлиқ равищда тобора күпроқ маблағ қўйишини талаб қилади ва охир оқибатда уларни кўллаб кувватлаш норационал (зарар келтирувчи) аҳволга ўтади. Шу сабабдан бошқаришнинг табиий («юмшоқ») шакли техник («қаттиқ») бошқаришдан са-маралироқ бўлади. Табиий («юмшоқ») бошқариш (экологик ба-ланси) билвосита йўналтирувчи, тикловчи бошқариш), қоида тараққасида, мақбул, мақсадга мувофиқ табиий занжир ре-акциясини қўзғашта олиб келади. Шу сабабдан у ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан «қаттиқ» (техноген) бошқаришдан афзал-дир. Мисол тариқасида мақсадга мувофиқ мелиорация тадбир-лари тизимини табиатга мос йўналишларда амалга ошириши кўрсатиш мумкин. Эски автомобилни таъмирлаш учун кўп маб-лағ сарфлаш кераклиги каби техноген («қаттиқ») бошқарувдан ушбу ҳолат бошқа кўринишларда намоён бўлади.

2.4. Экологик экспертизанинг асосий тушунчалари ва баҳолаш мезонлари

Экологик экспертизанинг терминология (тушунчалари) бойликлари эндиликда шаклланмоқда. Унинг кенг тарқалган фундаментал тушунчалари қаторига «экологик ҳолат» (вазият, аҳвол), «экологизациялаш», «экологик зарар» ва улар билан боғ-лиқ бўлган иборалар тизими киради.

Табиий муҳитнинг «экологик ҳолати» (аҳволи, вазият) тушунчаси инсон хаёти, яшаши, фаолиятининг шарт-шароитла-рини таъминловчи (ва белгиловчи) конкрет геотизимлар (эко-тизимлар) функцияси, ҳаракатининг табиий механизми ҳолати-ни билдиради. Табиий муҳитга антропоген таъсир кўрсатиш нуқтai назаридан экологик ҳолатни баҳолашда экологик ва мантиқан боғлиқ бўлган қўйидаги тартиб занжирига асосла-ниш зарур: табиий ҳолат-мувозанатли ҳолат-бухронли (кризис-ли) ҳолат-огир (критик) ҳолат-ҳалокатли (катастрофа) ҳолат-ҳалокат (коллапс) ҳолати. Ушбу занжир асосий халқалари-нинг моҳияти қуидагилар билан ифодаланади.

Табиий ҳолатда табиат бевосита инсон фаолияти орқали ўзгартирилмаган бўлади. Табиат маҳаллий миқёслардагина инсон фаолиятининг ғоят кам даражада, сезиларли ва билвоси-та таъсирида бўлади.

Мувозанатли ҳолатда табиий муҳитдаги тикланиш жара-ёнлари суръатлари антропоген бузилишларга тенг ёки юқори-роқ бўлади.

Бухронли (кризисли) ҳолатда табиий тизимларда антро-

поген бузилишлар тезлиги табиатнинг ўз-ўзини тиклаш суръатларидан юқори бўлади, лекин бунда табиий тизимларда туб ўзгаришлар содир бўлмайди.

Оғир (критик) ҳолатда илгари мавжуд бўлган экотизимлар улардан камроқ маҳсулдорликка эга бўлганлари билан алмашинади, лекин бу жараённи ҳозирги асл ҳолига қайта тиклаш имкониятлари мавжуд бўлади.

Ҳалокатли (катастрофа) ҳолатда кам маҳсулдор экотизимларни мустаҳкамлашнинг қийин тикланувчи жараёнлари содир бўлади.

Ҳалокат (коллапс) ҳолатда экотизимлар биологик маҳсулдорлигини тиклаб бўлмайдиган йўқотиш содир бўлади.

Экологик экспертиза муносабатларида «экологизациялаш» тушунчаси марказий ўриннни эгаллади. Экологизациялаш тушунчаси маҳаллий (локал), регионал ва глобал даражада (айрим корхоналардан техносферагача) табиий ресурслар ва шароитлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологик, бошқарув ва бошқа қарорлар тизимини узлуксиз ва изчиллик билан жорий қилиш ва қўллашни билдиради. Экологизациялаш ҳозирги замоннинг энг муҳим талабидир. У табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга йўналтирилган. Табиатдан фойдаланишининг ҳар қандай тури табиат қонунларини билиш ва улардан самарали фойдаланиш билан узвий боғланган. Булар эса барча тадбирларни амалга оширишда ушбу қонунлар талабларига бўйсунишни тақозо этади, яъни табиий муҳитга таъсири ва унинг ичига кириб боришга боғлиқ бўлган ҳар қандай тадбир ҳаракат ва фаолият экологизациялашуви лозим.

Шу муносабат билан экологизациялаш жараёнида юзага келадиган экологик экспертиза муносабатлари қуйидаги мақсадларни кўзда тутади:

1) табиат объектларидан фойдаланиш давомида уларни сақлаб қолишини (асраси) таъминлаш ва табиат объектларининг қайтариб бўлмайдиган салбий ўзгаришларига учрашига йўл қўймаслик.

2) фойдаланиш жараёнида табиат объектларини яхшилаш ва унинг фойдали табиий функцияларини фаоллаштириш, зарарларини нейтраллаштириш (таъсирини ўтмайдиган қилиши). Масалан, тупроқ унумдорлитини ошириш ва эрозия жараёнларини нейтраллаш (йўқотиш)

3) бузилган, издан чиққан табиат объектларини тиклаш (рекультивация ва бошқалар)

Табиат объектларини бир вақтнинг ўзида саклаш, яхшилаш, тиклаш орқали улардан самарали фойдаланиш икки асосий йўналишда амалга оширилади:

1) бевосита эксплуатация қилинаётган табиат объектларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофазалаш;

2) эксплуатация қилинаётган табиат объектларининг фойдалли хоссаларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофазалаш.

Экологик экспертиза муносабатларининг ушбу мақсадлари табиат объектларидан бевосита фойланувчиларнинг (истеъмолчиларнинг), асосан «эксплуатация»га қаратилган, йўналтирилган мақсадларидан тубдан фарқ қиласи. Шу сабабдан уларни юқорида таърифланган экологик ижтимоий муносабатларнинг мақсадларига бўйсунишга йўналтириш лозим.

«Экологик зарар» тушунчаси жамиятнинг иқтисодий ва пул билан ўлчанадиган иқтисодиётга боғлиқ бўлмаган йўқотишлари бўлиб, уларни табиий мухитнинг оптимал шароитларида (шартли идеал шароитда) бартараф этиш, антропоген ва айниқса техноген таъсирдан холос этиш мумкин бўлар эди. Экологик зарарни ҳисоблаш инсоннинг табиат билан ўзаро таъсири жараёнларининг қуидаги занжири халқаларини қамраб олади: ўзаро таъсир манбалари-таъсир этиш-табиатдаги ўзгаришлар-табиат асосий функциялар ўзгариши-ижтимоий ва хўжалик соҳаларидағи оқибатларини баҳолани.

Экологик экспертизанинг асосий тушунчалари қаторига антропоген юқ (нагрузка), геотизимлар барқарорлиги, ландшафтларнинг экологик потенциали ва бошқалар киради. Уларнинг таърифини маҳсус экологик лугатлардан билиб олиш мумкин.

Экологик вазиятни баҳолашнинг умумий қабул қилинган кўрсаткичлари ва турли таърифдаги вазиятни яхлит бир «маҳраж»га (бир хилликка) келтириш методлари ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Амалиётда экологик вазиятни баҳолашнинг турли методлари қўлланилади. Экологик хавф-хатар турларига боғлиқ, равишда экологик вазиятни баҳолашнинг қуидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) табиат компонентларининг экологик вазияти;


2) «ижтимоий-экологик» вазият (инсон яшапи ва ҳаёти, соглиғига бевосита таъсир кўрсатадиган одамлар яшапи мухитнинг ёмонлашуви кўрсаткичлари);

3) биосфера-экологик вазият (геотизимларнинг ҳолати, регионал ва глобал табиий мувозанатнинг бузилиши);

4) ресурс-экологик вазият (регионларнинг табиий-ресурс салоҳиятининг камайиши ва тугаси).

Экологик-экспертиза вазияти тушунчаси яхлитлаштирувчи тушунча бўлиб, одатда маълум худудларда барча экологик ингредиентлар (мураккаб бирикмалар) ҳолатини билдиради. У конкрет экологик хавфнинг турига ва тадқиқот мақсадига кўра

қүйидаги хусусиятларга эга бұлади: табиат компонентлари экологик вазияти, ландшафт-экологик, экологик-иктисодий, ижтимаий-экологик, экологик-сиёсий вазиятлар (1-чизмага қаранг).



1-чизма.

Экологик экспертиза вазиятининг кўрсатилган турларида экологик экспертиза муносабатларининг уларга мос йўналишлари белгиланади ва танланади ва шунга мос баҳолаш амалга оширилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Шу муносабат билан экологик ҳавфхатарнинг хусусий кўриниши билан умумий экологик бўхрон (кризис) ўртасидаги узвий боғлиқлик борлигини алоҳида ҳисобга олиш зарур. Бундай экологик ҳолатни баҳолашнинг антропоген таъсирига боғлиқ тартиб занжири халқаларининг бирин-кетинлиги, микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши ва унинг оқибатида оғир экологик ҳолат ҳалокатли (катастрофа) ҳолатга айланиши жараёнлари яъни оғир (критик) масса силжиши содир бўлади.

Лекин шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳалокатли вазият ва ҳолатлар инсон яшаши мухити ва унга жамият муносабатларининг бўхронли (кризисли) аҳволининг фақат шуларга мос келадиган хусусий кўриниши тарзида намоён бўлаётгир. Шу сабабдан инсоният ҳозирги пайтда ушбу ҳақиқатни тоборо кўпроқ тушуниб, кўйидаги мухим умумий хулоса гелаётгир: инсоният яшаши мухитини дикқат билан кузатиши (мониторинг), табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни назорат қилиши ва ушбу алоқаларда ҳамма учун мажбурий бўлган умумий қоидаларни ишлаб чиқиб, уларга доимо амал қилиши зарур. Шу муносабат билан экологик экспертизанинг аҳамияти ҳам тоборо ошиб боради.

Экологик экспертиза муносабатларида экологик бўхрон ва ҳалокатли ҳолатнинг бир-биридан тубдан фарқ қиласидиган икки турини ҳисобга олиш мухим аҳамиятга эга: 1) табиий жараёнлар орқали пайдо бўладиган; 2) табиатдан норационал фойдаланиш ва бошқа салбий антропоген омиллар таъсири оқибатида пайдо бўладиган.

Музликларни бостириб келиши, вулқонлар отилиши, тоғ пайдо

бўлиши, зилзилалар ва улар билан боғлиқ бўлган цунамилар (дашшатли океан тўлкинлари ва довули), шунингдек, довул, қуон (гирдоб), сел, тошқин (сув босиш), кўчки, ўпирлиш ва бошқалар-буларнинг ҳаммаси Ёрдаги табиий омилларнинг таъсирида содир бўлади. Улар бизнинг ўзгарувчан Ер шаримизда қонуний кучга эга. Лекин XX-асрнинг 2-ярмида йирик табиий офатларнинг содир бўлиш тезлиги (даражаси) ошиди ва уларнинг таъсири оқибатида инсон ва иқтисодий талофтаглар бир неча марта кўпайди. Бу ҳолатда табиий офатларнинг пайдо бўлиши инсон фаолиятининг провокацион (сунъий) таъсири билан узвий боғлиқидир. Табиий офатларнинг оқибатида одамлар қурбон-бўлиши ва моддий зарар тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Гап шундаки, аҳолининг кўпайиб бориши билан бир қаторда унинг табиий катаклизималарга (фалокат) учраган ўлкаларда тоборо кўп тўшланиши ҳам кучайиб бораётганини ҳам табиий офатлар содир бўлишини тезлаштирувчи омилига айланган.

Шу билан бир қаторда тамомила бошқа экологик бўхронлар ҳам пайдо бўла бошлади. Улар инсоннинг юз йиллар мобайнида табиатдан назоратсиз фойдаланишига боғлиқ ҳолда юзага келган. Табиат инсоннинг ҳар бир ўйламай кўрсатган таъсирига ўзига хос «ў» олиш билан жавоб берадиган. Инсоннинг атроф мухитга таъсири миёслари ҳалокатни даражага етган. Атмосфера ифлосланган, оқибатда сув ҳаво-орқали, сўнгра саноат оқавалари орқали ифлосланган. Миллионлаб гектар унумдор ерлар вайрон бўлган, зарарли химикатлар, радиоактив чиқитлар билан ифлосланган. Чўллашиши, ўрмонларни кесиши жараёнлари катта майдонларга тарқалган. Биосфера тез суръатларда вайрон бўлаётir. Инсон ўз фаолияти орқали ўз-ўзини ҳало-катта олиб келиши хавф-хатарини кучайтироқда. Жамият ва табиат ўртасидаги зиддият табиат тизимларида қайтариб бўлмайдиган оқибатларнинг кучайиб бориши хавфини кўшайтираётir. Шу сабабдан табиат ва жамият ўртасидаги алоқаларни нормаллаштиришда экологик экспертизанинг аҳамияти ҳам тобора кучаймоқда.

2.5. Экологик экспертиза атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш

Экологик экспертиза табиатдан фойдаланиш соҳасида қарор қабул қилишда экологик талабларни ҳисобга олини низорат қилишнинг мажбурий процедураси (бажариладиган иш тартиби) ҳисобланади. Унинг асосий мақсади экспертизага тавсия қилинган объектнинг табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларига қанчалик даражада мос тушишини текшириш ва баҳолашдан иборат. Экспертизанинг асосий натижаси техник хатоларни аниқлаш, уларнинг оқибатларини илмий асосда баҳолаш, қарор қабул қилувчи органга (ташкилотга) тавсиялар бериш, экспертизага берилган лойиҳалар ва объектларни рӯёбга чиқаришнинг энг самарали шарт-шароитларини башорат қилишга қаратилган.

Экологик экспертиза атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ)

процедурасидан кейин ва унга асосланган ҳолда амалга оиширилади. АМТБ-табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қарорни тайёрлаш ва қабул қилишда экологик талабларни ҳисобга олиш процедурасидир. Шу нуқтадан назардан давлат экологик экспертизаси АМТБни ўтказиш қоидаларига амал қилишини назорат қилиши шаклидир.

Атроф-муҳитта таъсирни баҳолаш (АМТБ) хўжалик ва бошқа фаолиятнинг амалга оширишнинг жамият учун номақбул, қабул қилиб бўлмайдиган, эҳтимол тутилаётган салбий экологик ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа оқибатларини аниқлаш, улардан огоҳлантириш, уларни бартараф этишининг ишончили ва зарур тадбирларини амалга ошириш мақсадларида ташкил этилади ва ўтказилади.

Бир неча хил асословчи хўжжатларни ишлаб чиқишини ўз ичига оладиган хўжалик ва бошқа қарорларни тайёрлаща атроф-муҳитта таъсирини баҳолаш (АМТБ) босқичма-босқич тайёрланади ва уларда назарда тутилаёттан фаолиятнинг атроф-муҳитта таъсирининг турлари, манбалари, даражаси тафсилотлари аниқланади.

АМТБ бўйича фаолият мазмунига қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат. Эҳтимол тутилаётган ва йўл қўйиб бўлмайдиган оқибатларнинг олдини олиш бўйича зарур ва етарли чораларни аниқлаш ва уларни қўллаш учун назарда тутилаётган фаолиятнинг атроф-муҳитта таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида хўжжатларни асослаб берувчилар қўйидагиларни кўриб чиқишлиари керак:

- мўлжалланаётган лойиҳа ва режани амалга оширишнинг мақсади;
- мўжлалланаётган фаолиятнинг оқилона ва маъқул алътернативаси (муқобил йўналишлари);
- конкрет худудларда мавжуд экологик вазиятни илгари қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича қарорларни ҳисобга олиб лойиҳаларни ва бошқа тавсияларни таърифлаш;
- худудлар ва вақтта мос ҳолда назарда тутилаёттан фаолият амалга оширилаётган худудлар атроф-муҳити ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

- назарда тутилаётган фаолиятнинг эҳтимол тутилаётган оқибатлари ва унинг алътернативаси (муқобили);
- амалга оширилаётган қарорнинг жамият учун қабул қилиб бўлмайдиган оқибатларини бартараф этиш чоралари ва тадбирлари;
- мониторинг дастурини ишлаб чиқиши бўйича таклифлар, лойиҳадан кейинги иқтисодий таҳлил бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш.

АМТБни ўтказишда қуйидаги асосий принципларга амал қилиши лозим:

- 1) Интеграция (комплекслик). Хўжжатларни тайёрлаш жараёнининг барча босқичларida табиатга, аҳолига, хўжаликка таъсир кўрсатиш масалалари бир-биридан ажralган ҳолда кўриб чиқиши маслиги керак.

2) Альтернативалик (муқобиллик). Таъсирни баҳолаш лойиҳанинг фақат кўриб чиқилаётган варианти билангица чекланиши мумкин эмас.

3) Превентивлик (оддини олиш, огохлантириш). Лойиҳани ишлаб чиқишининг бирорта босқичи, унинг турли томонларини кўшиб, АМТБни тайёрламасдан тутгалланиши мумкин эмас.

4) Устуворлик. Лойиҳаларни рӯёбга чиқаришда ҳар қандай мулоҳаза ва фикр унинг экологик оқибатларини инкор этишга асос бўла олмайди.

5) Аниқлик (ишончлилик). АМТБни ўтказишининг деталлашиши (батафсил текшириш) даражаси табиат, аҳоли ва хўжалик ўзаро таъсирининг экологик аҳамиятини белгилаб берувчи даражадан кам бўлмаслиги керак.

6) Сақлаш(асраш). Режалаштирилаётган фаолият экологик хилма-хилликнинг камайишига, ҳудудлар ва акваторияларнинг биомахсулдорлиги ва биомассасининг пасайишига, шунингдек амалга оширилаётган лойиҳа таъсири соҳасида табиий биосфера комплексларининг муҳим ҳаётий хиссаларини ёмонлашувига олиб келмаслиги керак.

7) Мос келиш (мослик, тўғри келиш). Режалаштирилаётган фаолият аҳоли гурухлари яшаши сифатини ёмонлаштирувчи оқибатларга олиб келмаслиги ва бошقا фаолият турларига тиклаб бўлмайдиган зарар етказмаслиги керак.

8) Ўзгарувчанлик (мослашувчанлик) Режалаштирилаётган фаолиятга боғлиқ ҳолда АМТБ жараёнлари таҳлилиниң миёслари, тукурлиги, тури бўйича ўзгариши мумкин.

Атроф-муҳитта таъсири баҳолаш (АМТБ) бўйича ҳужжатлар икки босқичда тайёрланади: 1) таъсири дастлабки баҳолаш. Режалаштириётган фаолиятнинг зарурати ва мақсадга мувофиқлиги ва уни амалга ошириш усулларини танлашни асослашнинг дастлабки босқичларида ўтказилади ва АМТБ учун ахборот даражасини аниқлаш мақсадини кўзда тутади; 2) таъсири мукаммал (тўла) баҳолаш. Ҳужжатларни тайёрлаш билан бир вактда олиб борилади ва унинг натижалари ишланманинг барча варианtlарини шакллантириш ва танлашда иштирок этади. Ушбу босқичнинг натижаси: рӯёбга чиқариш ёки ишланмани давом эттириш учун танланган вариант; АМТБ бўйича ҳисобот; танланган вариантни асослаш; «Атроф-муҳитта таъсир ҳақида баёнот». 3) муҳокама қилиш. Муҳокама мутахассислар ва жамоатчилик иштироқида эҳтимол тутилаётган экологик оқибатлар, ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни аниқлаш мақсадида ҳужжатларни давлат органдари томонидан тасдиқлашдан олдин ўтказилади. Унда АМТБни кўриб чиқиши, манфаатдор томонлар ва жамоатчиликни хабардор қилиш, муҳокама натижаларини расмийлаштириш амалга оширилади.

АМТБ жараённада экологик шароит ва талабларни аниқлаш масалалари ҳал қилинади, экологик мезонлар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилади. АМТБ баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари қаторига куйидагилар

киради: 1) табиат компонентлари (атмосфера, иқлим, сув, тупрок, ўсимлик, ҳайвонот олами, табиий ресурслар, рельеф ва бошқалар) ҳолати кўрсаткичлари; 2) экотизимлар, ландшафтлар ҳолати кўрсаткичлари; 3) аҳоли ва тибобий-демографик ҳолати кўрсаткичлари; 4) регионлар ижтимоий-иқтисолий ҳолати кўрсаткичлари ва бошқалар. (Бу кўрсаткичлар маҳсус йўриқномалар, маълумотномаларга асосланади).

2.6. Экологик экспертизанинг таркибий қисми қисмлари ва тармоқлари

Экологик экспертиза бошқариш фаолиятининг таркибий қисми сифатида назорат қилинадиган обьектлар ва фаолиятлар хусусиятларига кўра умумий, тармоқ ва интеграл қисмлардан ташкил топган.

Умумий экологик экспертиза унинг бошқа қисмларига «хизмат» кўрсатадиган экологик экспертиза хизматидан ташкил топган. Унга давлат экологик экспертизасини тартибга солиш ва ташкил этишни бошқариш органлари киради. Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар эксперт органларидан иборат. Ягона Давлат экологик экспертизаси тизими умумий экологик экспертизага киради ва улар Узбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида қонуни» талабларига асосан фаолият кўрсатади. Шунингдек, бу тизимга жамоат экологик экспертизаси гурухларини ҳам кўшиш мумкин.

Экологик экспертизанинг тармоқ қисмига обьектларнинг ўзига хослигига кўра тор мақсадга йўлланган ва айрим компонентлардан ёки уларнинг гурухларидан фойдаланиш ва муҳофазалашни эксперт назорат қилиши йўналишлари киради:

I. Миллий экологик тизим таркибига кирадиган компонентлар экологик экспертизаси

1. Ердан фойдаланиш экологик экспертизаси.
2. Фойдали қазилмалардан фойдаланиш экологик экспертизаси.
3. Сувдан фойдаланиш экологик экспертизаси.
4. Ўрмондан фойдаланиш экологик экспертизаси.
5. Ўсимлик оламидан фойдаланиш экологик экспертизаси.
6. Ҳайвонот оламидан фойдаланиш экологик экспертизаси.
7. Атмосферани муҳофазалаш экологик экспертизаси.

II. Ишлаб чиқариш фаолияти соҳасида ва антропоген таъсирдаги экологик тизимлар экологик экспертизаси

8. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришидан ташқарида бўлган табиий обьектлардан фойдаланиш экологик экспертизаси.

9. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фойдаланиётган табиат обьектларининг экологик экспертизаси.

10. Аҳоли яшаш манзиллари (шу жумладан шаҳарсозлик хужатлари) рекреация ва даволаш-соғломлаштириш зоналарининг экологик тизимлари режими экологик экспертизаси.

11. Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини тъминлаш экотизимлари экологик экспертизаси.

12. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини экологик таъминлаш экологик экспертизаси.

13. Ишлаб чиқариши ва истеъмол чиқитларини қайта ишлаш ва утилизациялашнинг экологик экспертизаси.

III. Корхоналар экологик экспертизаси

14. Турли ихтисослик ва йўналишдаги корхоналар лойиҳала-ригининг экологик экспертизаси.

15. Корхоналар (ишлаб турган) экологик экспертизаси.

IV. Маҳсус экологик экспертиза

16. Технология (техника) экологик экспертизаси.

17. Препаратлар (кимёвий моддалар) экологик экспертизаси.

18. Материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир хужжатлар экологик экспертизаси.

Экологик экспертизанинг тармоқ қисмида табиатдан фойдаланишининг ҳар бир тури икки йўналишга (икки мақсадга) йўналтирилган: 1) у ёки бу табиий обьектдан фойдаланишда умуман муҳит сифатини яхшилашни таъминлаш; 2) фойдаланилаётган табиий обьектнинг фойдали хоссаларининг жамият ва табиат манфаатлари учун самарали ва рационал хизмат қилишига эришиш;

Интеграл (комплекс) экологик экспертиза табиатга, аҳолига, хўжаликка таъсирни ўзаро боғланган ҳолда бир бутун қилиб бирлаштириб экспертиза назоратидан ўтказишни билдиради. Улар қато-рига қуидагилар киради:

1. Рўёбга чиқаришда атроф-муҳитта таъсир кўрсатувчи комплекс ва мақсадли ижтимоий-иқтисодий, илмий техник дастурлар ва концепциялар лойиҳалари экологик экспертизаси.

2. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш бащоратлари лойиҳалари экологик экспертизаси.

3. Иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш лойиҳалари экологик экспертизаси.

4. Эркин иқтисодий зоналар ва табиатдан фойдаланиш ва хўжалик фаолиятини юритишида алоҳида режимга эга худудларнинг ривожланиши бош режаларининг лойиҳалари экологик экспертизаси.

5. Регионларнинг аҳоли яшаш манзиллари, табиатдан фойдаланиши ва ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этиш схемалари лойиҳалари экспертизаси.

6. Табиатни ўзгартириш лойиҳаларининг экологик экспертизаси.

7. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик оғат зоналарининг худудларини комплекс текшириш материаллари экологик экспертизаси.

8. Табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўрикнома-услубий хужжатларнинг лойиҳалари экологик экспертизаси.

Интеграл экологик экспертиза дастлаб компонентлар бўйича, сўнгра интеграл (экологик иерархиянинг ва регионларнинг барча даражалари ва бўғинлари учун) эксперт йўналишларида амалга оширилади.

Қисқача хуносалар

Экологик экспертиза түшүнчеси асосан қуйидаги уч хил йўла-нишда талқын қилинади: 1) экологик экспертиза давлат бошқарув тизими таркибидаги махсус фаолият тармоғи; 2) экологик экспертиза-фан йўналиши; 3) экологик экспертиза-ўқув фани.

Экологик экспертизада табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсири йўналишларини назорат қилиш энг асосий муаммодир. Бу муаммо ечими имкониятнинг ноосфера йўналишидаги барқарор йўналишидаги барқарор ривожланишга ўтиши билан узвий боғлиқдир.

Барқарор ривожланиш стратегияси экологик экспертизада қуйидаги принципларга асосланади: 1) экологик вазиятни билиш; 2) табиатнинг ифлосланиши ва табиий-ресурс салоҳиятидан фойдаланишининг чегара параметларини асослаш; 3) ушбу параметрларга эришишни таъминловчи иқтисодий-экологик ва экологик экспертиза механизмларини ишлаб чиқиши.

Экологик экспертиза ўз тадқиқотлари ва амалиёттада экологиянинг қонунлари ва принципларига асосланади, уларнинг амалга оширилаётган лойиҳаларга таъсири эҳтимолини текширади ва хўжалик тадбирларининг ушбу фундаментал қонунларга мос келишини аниклайди. Экология қонунлари, қоидлари, принциплари кўп сонли бўллаб, уларни билиш, улардан амалиётда фойдаланиш мухим аҳамиятта эга.

Экологик экспертиза учун энг мухим бўлган түшүнчалар қаторига қуйидагилар киради: «Экологик ҳаёт», «Экологизацияция», «Экологик зарар» ва улар билан боғлиқ иборалар тизими.

Амалиёттада экологик вазиятни баҳолашнинг турли методлари қўлланилади. Экологик хавф хатар турларига боғлиқ равишда экспертизада экологик вазиятни баҳолашнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) табиат компонентлари бўйича; 2) ижтимоий-экологик вазият бўйича; 3) биосфера-экологик вазият бўйича; 4) ресурс-экологик вазият бўйича.

Экологик экспертизада атроф табиий мұхитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) босқичма-босқич тайёрланади ва уларда назарда тутилаётган фаолиятнинг атроф-мұхитга таъсирининг турлари, манбалари, даражаси тафсилотлари аниқланади.

АМТБни ўтказишида қуйидаги асосий принципларга амал қилинади: интеграция, муқобиллик, превентивлик, устуворлик, аниклик, сақлаш, мос келиш, ўзгарувчанлик.

АМТБ бўйича хужжатлар икки босқичда тайёрланади: 1) дастлабки баҳолаш; 2) таъсирини тўла баҳолаш. Натижалар мутахассислар ва жамоатчилик иштирокида мұхомама қилинади.

Экологик экспертиза назорат қилинадиган объектлар ва фаолиятнинг хусусиятларига кўра умумий, тармоқ ва интеграл қисмлардан ташкил топади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экологик экспертизанинг фаолият тармоғи, фан, ўқув предмети сифатидаги фарқларини тушунтиринг.
2. Экологик экспертизада табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қайси жиҳатларини биринчи ўринда ҳисобга олиш керак?
3. Ноосфера ривожланиши нима ва у экологик экспертиза учун қандай аҳамиятга эга?
4. Барқарор ривожланиши нима? Уни экологик экспертиза амалиётида кўллаш йўлларини тушунтиринг.
5. Экологик экспертиза экологик қонуналар, қоидалар, принципларидан оқилона фойдаланиши заруратини мисоллар билан тушунтиринг.
6. Йчки динамик мувозанат қонуни, табиатни «қаттиқ» бошқаришнинг занжирли (муҳокама учунқаррар) реакцияси қоидаси, табиийлик принципи нима? Уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Экологик экспертизанинг фундаментал тушунчаларини айтинг ва уларни тушунтиринг. «Экологик ҳолат», «экологизацияциялаш», «экологик заарар» ва улар билан боғлиқ тушунчалар тизимининг мазмуни ва моҳиятини билиб олинг.
8. Экологик вазиятни баҳолашнинг қандай йўллари бор?
9. Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) нима ва ундан экологик экспертиза муносабатларида қандай фойдалиниади?
10. Экологик экспертизанинг таркибий қисмлари ва тармоқларини таърифлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хуҷжатлар. –Т.: Адолат, 2002.
3. «Экологик экспертиза тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (2000й).
4. 2005 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича давлат дастури. –Т., 2000.
5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. –Т., 1998.
6. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использования природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
7. Ли Н. «Экологическая экспертиза. Учебное руководство. М. 1995.
8. Реймерс Н.Ф. «Экология (теория, закона, правила, принципы и гипотезы)». –М., 1994.
9. Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

III боб

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ

3.1. Экологик вазиятнинг умумий таърифи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Рио-де-Жанейро-да 1992 йилда ўтказилган атроф-муҳит ва ривожланишга ба-гишланган Конференциясида жамиятнинг барқарор ривожла-ниши табиий муҳитни емириш ва табиий ресурсларнинг камай-иши ва тугаши ҳисобига амалга ошмаслиги, шунингдек кучли иқтисодиётсиз яшаш муҳитининг зарур сифатини таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги хulosаларга келди. Узаро боғлиқ бўл-ган иқтисодиёт, экология ва ижтимоий жараёнларни биргалик-да бошқариш барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий шартидир. Ушбу қоидалар Узбекистон Республикасига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Бу конференцияда глобал экологик муаммолар ечимини топишда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар-нинг алоҳида роль ўйнани тўғрисидаги foя биринчи марта кун тартибиغا қўйилди ва тўла қўллаб кувватланди. Бу мамлакатлар қаторига Узбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам киради. Улар катта табиий ресурс салоҳиятига эга бўлиб, регионал ва глобал миқёсда атроф-муҳитни согломлаштиришга салмоқди ҳисса қўшиш имкониятига эгадир. Шу муносабат билан Узбекистондаги ҳозирги экологик вазиятни экологик экспертиза муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан таҳдил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Узбекистонда экологик тадбирлар тизимини амалга оширишга катта аҳамият берилиб, бу тизим мамлакат халқ хўжалигини ислоҳ қилишининг таркибий қисмига айланди. Амалга оширилган энг муҳим тадбирлар қаторига қўйидагилар киради: атроф-муҳитни муҳофаза қилишини амалга оширишнинг кўп босқичли тузилмалари барпо этилди; атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг хуқуқий асоси яратилди ва у муттасил такомиллаштириб берилмоқда; 2005 йилгача даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан ра-ционал фойдаланиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган; биологик хилма-хил-ликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режаси ишлаб чиқилган; республикада атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган; алоҳида муҳофаза қили-

надиган ҳудудлар майдони сезиларли күпайтирилган. Кўрсатилган ҳужжатлар ва амалга оширилган тадбирлар мамлакатда экологик экспертиза муносабатларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабдан Республика фуқароларининг яшаши учун соғлом шартшароит вужудга келтириш ва табиатдан фойдаланиш самародорлигини ошириш, табиий ресурсларнинг озайишига йўл қўймаслик, табиатини асрари ва муҳофаза қилишда экологик экспертиза амалиёти бошқаришнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлари қаторига киради.

Экологик экспертиза нуқтаи назаридан табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида республикада узоқ давр мобайнида хукмонлик қилган ўтмиш totалитар тузумдан мерос бўлиб қолган экологик муаммолар ечими ни топиш, мамлакатда мавжуд бўлган бошқа экологик муаммоларнинг яхлит манзарасини аниқлаш, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва улардан кузатилаётган кўнгилсиз оқибатларнинг натижаси ҳисобланган мураккаб экологик вазиятнинг таъсирини таҳлил этиш мамлакатнинг антропоген омилларга боғлиқ бўлган экологик вазияти тўғрисида тўла тасаввур беради. Булар ўз навбатида экологик экспертиза амалиётида мақсадга мувофиқ лойиҳаларга афзаллик бериш ёки самарасиз лойиҳаларни рад этиш масалаларини тўғри ҳал этишга хизмат қиласди.

Республикадаги ҳозирги экологик вазият узоқ ўтмиш ва яқин даврларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда хукмонлик қилган бошқарувнинг юқори даражада марказлашуви, иқтисодиёт ва табиатдан фойдаланиш ўртасида мақсадга мувофиқ мувозанатнинг ўрнатилмаганлиги, ишлаб чиқариш, айниқса қишлоқ хўжалигига хаддан зиёд аҳамият берилгани, табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиат муҳофазасини бошқаришга етарли эътибор берилмаганлиги ва бошқа кўплаб омиллар билан узвий боғлиқдир. Булар эса ўз навбатида мамлакат табиатига катта зарар етказди, умумий экологик вазиятнинг кескинлашувига, экотизимлар ва ландшафтнинг бузилишига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келди, республикада умумий экологик барқарорликни жиддий хавф остига кўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўргина экологик муаммолар тўғрисида гапириб, Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги экологик вазиятни қўйидагича ҳаққоний баҳолайди: «Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнинда ушбу муммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятнинг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиқкандир. Табиатга кўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон-табиатининг ҳўжайини, деган сохта социалистик мағфуравий дъяво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллиатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди¹ И.А.Каримов Ўзбекистонда ҳам бу жараёнлар мавжудлигини ва бу ерда жуда мураккаб, ҳавфли вазият вужудга келганлигини алоҳида таъкидлайди. (Ўша асар 116 бет)

Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазиятнинг экологик экспертиза назоратида ҳисобга олиниши зарур бўлган асосий хусусиятларидан қўйидагиларни қўрсатиш мумкин:

– республикада атроф-муҳиттнинг экологик талабларга тўла жавоб берадиган (ҳаво, сув, тупроқнинг ифлосланиши белгиланган стандарт талаблари даражасида бўлган) худудлар мамлакат умумий майдонининг 27%ни (120минг кв.км) ташкил этади ва мазкур худудда Ўзбекистоннинг 45%га яқин аҳолиси (11млн. киши) яшайди. Қолган худудларда экологик вазият турли даражада бузилишларга учраган;

– иккисодиётнинг ҳомашё ва табиатни эксплуатация қилувчи ресурсларни кўп истеъмол қиласидан тармоқларнинг тез ривожланиши (айниқса анъанавий қишлоқ ҳўжалиги, фойдалари қазилмаларни қазиб олиш ва экспорт қилиш, энергия ва ҳомашёни кўп истеъмол қиласидан тармоқлар) табиий муҳитга салбий таъсир қилиш босимининг кучайиб боришига ва меъордан ошиб кетишига олиб келган;

– табиат компонентларининг барчасида экологик ҳолат сезиларли ўзгаришларга учраган. Булар қаторига ҳавонинг ифлосланиши, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши, тупроқнинг шўрланиши ва деградацияга учраши, биологик маҳсулдорлик ва хилма-хилликнинг камайиши, яйловларнинг дигрессияси, ўрмонларнинг кесиб юборилиши чўллашув жараёнларининг кучайиши ва бошқалар киради;

– аҳоли яшаш манзиллари-شاҳар ва қишлоқларда экологик вазиятнинг ёмонлашуви, ва унинг аҳоли саломатлиги ва

¹ Каримов, И.Л. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфензликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 116 б.

турмуш даражасига заарли таъсирининг кучайиб бориши ку-затилмоқда. Булар қаторига аҳолининг тоза ичимлик суви билан етарли даражада таъминланмаганлиги, коммунал хўжалиги ва саноат оқаваларининг, чиқиндиларнинг кўпайиши, санитария хизматининг паст даражаси ва бошқа нокулайликларнинг мавжудлиги киради;

– каттиқ чиқиндиларнинг (шу жумладан заҳарли саноат чиқиндилари) кўплаб тўйланиб қолиши, радиоактив ифлосланишининг катта хавфлари борлиги (Марказий Қизилқум, Тошкент вилояти ва бошқалар);

– табиий ва техноген ҳалокатлар (сел, кўчки, ўпирилиш, зилзилалар) хавфининг кучайиб бориши;

– Орол дengизининг қуриши ва Орол бўйидаги салбий экологик ўзгаришларга боғлиқ бўлган ҳалокат ва инқирозлар, ижтимоий оғат, экологик нокулайликларнинг мавжудлиги;

– алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдони ва тузилмасининг талабга жавоб бермаслиги;

– қўшни давлатларнинг чегараларидан ўтиб келаётган ифлослантирувчи таъсирининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган экологик вазиятнинг кўрсатилган хусусиятлари экологик экспертиза муносабатларида аҳолининг яшаши қулай шароитлар яратиш, табиий ресурслардан тугаб қолмайдиган тарзда фойдаланиш, табиатнинг маҳсулдорлиги, ўз-ўзини тиклаш имкониятларини сақлаб қолиш, атроф-муҳитни сақлаш ва муҳофаза қилиш соҳасида миллий манфатларнинг устуворлигини таъминлаш, халқ хўжалигида экологиялаштиришни кенг кўллаш йўналишларида эксперт назоратини кучайтиришни тақозо этади.

3.2. Табиат компонентларининг экологик ҳолати

3.2.1. Атмосфера ҳавоси

Атроф-муҳитнинг экологик ҳолати ва ҳудудларда экологик мувозанатнинг бузилиши кўп жиҳатдан атмосферага антропоген таъсирининг салбий хусусиятлари билан белгиланади. Ўзбекистонда 35 мингдан кўпроқ ҳавони булгаётган доимий манбалар бўлиб, уларнинг фақат ярмига яқини чанг ва заҳарли газларни ушлагичлар билан жиҳозланган, 1,5 мингта манба чанг ушлагич қурилмалар билан жиҳозланмаган. Мавжуд қурилмаларнинг ўртача самарадорлиги ҳам 60-70% ошмайди. Булардан ташқари атмосферанинг автомобиллар томонидан ифлосланиши айниқса шаҳарларда катта кўрсаткичларга эга.

Республикада ҳар йили атмосферага доимий ва ҳаракат-

ланувчи манбалардан чиқариладиган ифлослантирувчи чиқинди миқдори 1,8 млн тоннани ташкил этади. Атмосферага чиқарилган чиқиндилар умумий миқдорида саноат тармоқларининг улуши (% ҳисобида) қўйидагича тақсимланган: иситиш саноати 40, электр энергетика-28, метталургия-14, қурилиш индустрияси-5, кимё саноати-3.

Доимий манбалардан атмосферага 150 хилдан ортиқ ифлослантирувчи моддалар чиқарилади. Атмосфера ҳавосидаги энг кўп заҳарли моддалар саноат зоналарига яқин жойлашган (ёки ўша томондан шамол эсганда) туарар-жой районларида бўлиб, бу ерда стандартларда кўрсатилган миқдордан анча юқори бўлиши кузатилиган. Олмалиқ, Чирчик, Навоий, Самарқанд ва Фарғона шахарларида кимё ва металлургия саноати корхоналарининг кимёвий моддалари атмосфера ҳавосини энг кўп даражада ифлослади. Йирик шахарларда атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий омил шаҳар транспортидир. Масалан Тошкент шаҳри атмосферасининг ифлосланишида шаҳар транспортининг ҳиссаси 80% дан ортади. Умуман республика бўйича атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг 53% автомобил транспорти ҳиссасига тўғри келади (0,98 млн т). Республика доимий манбаларидан чиқадиган чиқиндиларнинг 84% Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Табиий ифлослантирувчи манбалар қаторига Қизилкум ва Қорақум сахролари, Орол денгизининг қуриб бориши туфайли пайдо бўлган «Оролқум» чанг ва туз сахроси киради. Сурхонда́рё вилоятининг кўплаб туманлари Тожикистон алноминий заводининг (Мирзо Турсынзода шаҳри) заҳарли чиқиндилардан катта зарар кўрмокдалар.

Атмосферанинг ифлослантирадиган манбалар ва уларнинг зарарлари устидан экологик экспертиза назоратини амалга оширишда қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим: а) энг йирик ифлослантиручи корхоналар томонидан атмосферага чиқинди чиқариб ташлашни максимум кисқартириш; б) мунтазам равинцида автотранспортда ёнган газларнинг чиқарилишига қарши кураш; в) корхоналарда технология жараёнларини такомиллаштириш, замонавий ва мукаммал ҳаво тозалагич мосламаларидан фойдаланиш; г) атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратни кучайтириш.

3.2.2. Сув ресурслари

Сув ресурслари Ўзбекистоннинг қурюқчил кескин континентал иқлими, ҳудудларида чўллар хукумрон мавқега эга бўл-40

ган шароитда ҳаёттй мухим аҳамиятта эга. Мамлакатда ҳар йили 60 куб қм хажмда сув сарфланади. Ўзбекистонда фойдаланила-диган дарё сув оқимларининг асосий қисми (85%) Қирғизистон ва Тожикистон төгларидан бошланади. Сувдан оқилона фойда-ланмаслик, унинг ифлосланиши, сифати пастлиги ва етишмасли-ги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармокда. Буларга қўйи-дагилар киради: а) кўплаб оқар сувларнинг ва ер ости сувлари-нинг ифлосланганини. Масалан, аниқланган ер ости чутук сув-ларининг 40% ичишга яроқсиз ҳолга келиб қолган; б) аҳоли-нинг ичимлик суви билан етарли таъминланмаганини. Умуман мамлакатнинг учдан бир қисмининг аҳолиси давлат стандартла-рига тўғри келмайдиган ичимлик сувини истеъмол қилмоқда; в) сугоришда сувдан тежамкорлик билан фойдаланмаслик. Оқиб келаётган сувнинг 40% сугориш тармоқларида ва қарийб 20% сугориш жараённада йўқотилади. Сув танқис шароитда далани ортиқча сугориш ернинг ўйранишига, ер ости сувларининг ер юзасига яқинлиги ва бошқа сабабларга кўра аҳоли яшайдиган жойларнинг сув остида қолишига олиб келади; г) ер юзасидаги сувнинг ифлосланиши. Сугориладиган дэхқончилик ер юзасида-ги сувни ифлословчи асосий манба бўлиб, жами сувнинг 78%-ини, саноат 18%-ини, коммунал хўжалик 4%-ини ифлослайди. Кол-лектор-зовурда оқаётган сувнинг деярли ярми республика оқар сув тармоқларига ва сув хавзаларига тушади; д) коммунал хў-жалиги ва саноат оқавалари. Қишлоқлардан оқиб чиқадиган оқава сувлар ҳеч қаерда тозаланмайди ва у оқар сувларни, сув хавзаларини бактериялар билан зарарлайди. Канализация тар-моқларини қуриш сув таъминотига нисбатан анча орқада қол-моқда. Масалан, шаҳар аҳолисининг 54%, қишлоқ аҳолисининг 3%игина канализация билан таъминланган. Саноат корхонала-ри жами сувнинг 20%дан камроғини ишлатса ҳам улар жойларда мухитни ифлослайдиган хавфли манбаларни вужудга келтиради.

Сугориш кўламининг катталиги, сувнинг минераллашган-лиги ва ифлос коллектор-зовур сувлари жуда кўпайиб кетган-лиги сув сифатини яхшилаш билан боғлиқ энг мухим экологик муаммони ҳал этишни мураккаблаштирумокда. Ҳозирги вақтда 60% дан зиёд ирригация тизими қайта тиклашни таълаб этади.

Сув ресурсларини тежаш ва муҳофаза қилишининг эколо-гик экспертиза назорати учун мухим йўналишлари қўйидагилар-дан иборат: а) ичимлик суви билан таъминлап: сув таъминоти-ни яхшилаш, сувни тежаш, ичимлик сув манбаларини муҳофаза-лаш; б) санитария ва маиший оқава сувларини тозалаш; в) қишлоқ хўжалигида сувни тежаш ва муҳофаза қилиш: иррига-ция тузилемасини қайта ташкил этиш ва модернизациялаш, сув,

ер ва шўрланишни комплекс бошқариш, коллектор-зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, оқава сувларни дарё ва сув омборларига оқизишни батамом тўхтатиш ва бошқалар.

3.2.3. Ер ресурслари

Ўзбекистоннинг ер ресурслари ғоят хилма-хил бўлиб, улар чўл текислик зонаси (шу жумладан сугориладиган (антропоген) текислик), адир(торолди ва паст тоғлар), тоғ (ўрта тоғ), баланд тоғ зоналари ерларидан иборатdir. Республиканинг ер майдони 447,4 минг кв. км ни ташкил этган. Ер фондининг 61,5 фоизи (275,2 минг кв.км) қишлоқ хўжалигида 3,6 фоизи (16,2 минг кв.км) ўрмон хўжалигида фойдаланилган. 2% (8,9минг кв.км) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар, 4%(1,7 минг кв.км) саноат корхоналари, транспорт тармоқлари ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари ерлари, 1,5 % (6,7 минг ка.км) гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ерлари, 0,5% (3,1 минг кв.км) шаҳар худудлари ерлари, 26,7% (119,4 минг кв.км) фойдаланилмайдиган ерлардан ташкил топган.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилдиган ерларнинг (270,2 минг кв.км) 82,2% яйловлар ва ўтлоклар, 17,8% ҳайдаладиган ерлардан иборат. Республикада сугориладиган ерлар 43 минг кв.км (мамлакат худудининг 9,7%) майдонни эгаллайди. Республиканинг давлат ўрмон фонди 16,2 минг кв.км бўлиб, унинг 7 минг кв. км қумлик минтақа ўрмонлари, 1,2 минг кв.км тоғ ўрмонлари, қолган қисми дарё бўйи ўрмонлари, водий ўрмонларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотларига кўра мамлакатнинг сугориладиган ерлари сифати бўйича қўйидагича тақсимланган (%): сифати ёмон ерлар-0,3%, ўртачадан паст ерлар-24,3%, ўртача ерлар-45,5%, яхши ерлар-27,2%, энг яхши ерлар-2,9%.

Ерларнинг чекланганилиги ва унинг сифати таркиби пасайиб бораётганилиги билан боғлиқ бўлган экологик хавф-хатар муҳим ва хавф-хатарли муаммога айланмоқда. Тупроққа ортиқча ишлов бериш агротехника талабларига амал қиласаслик ерларнинг шўрланишига, ўғитлар ва пестицидлар эса ифлосланишига, чиқиндинг камайишига, эрозиянинг кучайишига ва бошқа кўплаб салбий оқибатларга олиб келди. Ернинг ишдан чиқишига сугориши ва зовур тизимининг эскириши ва етарли даражада таъмирланмаганилиги, сугориши техникасининг қолоқлиги ва сувдан фойдаланишида истрофгарчиликка йўл кўйилиши ҳам сабаб бўлди.

Тупроқнинг шўрланиши ва ифлосланиши, тупроқ эрозияси,

яйловлар дигрессияси каби антропоген таъсирга боғлиқ жараёнлар кенг тарқалган ва улар катта зарар етказмоқда. Ҳозирги вақтда республикада шўрланган ерлар сугориладиган ер турларининг умумий майдонидан 46%ини, шу жумладан кучсиз шўрланганлиги-25%, ўртача шўрланганлиги-15% ва кучли шўрланганлиги-6% дан ортиқроқни ташкил этади. Кейинги ўн йил ичida сугориладиган ерларда шўрланиш 120 минг гектарга, шу жумладан кучли шўрланиш 43 минг гектарга ошган. Тупроқнинг хлороорганик пестецидлар билан ифлосланиши муаммоси жиддийлигича қолмоқда. Тупроқ эрозиясининг ҳамма турлари ҳамма регионларда кенг миқёсларда тарқалган. Эрозиядан Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, Қорақалпогистон Республикасининг 65%дан 98%гача қишлоқ ҳўжалик экинзорлари зарар кўрмоқда. 70%дан кўпроқ яйлов яроқсиз ҳолга тушиб қўлган, жумладан учдан бири юқори даражада зарарланган.

Ерларнинг яроқсиз ҳолга тушиши ва сифатининг ёмонлашиши муаммосини тубдан ҳал қилиш учун бошқа тадбирлар билан бир қаторда экспертиза назоратини ҳам кучайтириш лозим. Бу соҳадаги устувор ҳаракатлар куйидаги тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади: а) дехқончиликнинг умумий маданиятини ошириш, бунда эрозияга қарши агротехник, ташкилий ҳўжалик, ўрмон-мелиоратив, гидротехника тадбирларини ҳамма жойларда кенг миқёсда амалга ошириш. Экинлар турини ва ҳилини кўпайтиришга ва алмашишлаб экишга ўтиш, бедазор ва бошқа ўтзорларни кенгайтириш ящаши муҳитини соғломлаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва оширишда муҳим экологик роль ўйнайди; б) сугориш ва коллектор-зовур тизимини бутунлай қайта таъмирлаш, шўр босган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, такомиллаштирилган зовур тизимларини барпо этиш; в) яйловлар дегрессиясининг олдини олиш ва яйловлардан фойдаланиши амалиётини яхшилаш ва яйлов айланмаси талабларига қатъий амал қилиш.

Бу тадбирлар комплекси республикада атроф-муҳитни зарарланишдан, шўрланиш ва ер ости сувлари етказадиган жiddий таъсирдан ҳимоя қилишга ва табиат мувозанатини тиклашга имкон беради. Шу сабабдан экологик экспертиза назоратида ушбу тадбирлар комплексини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

3.2.4. Биологик ресурслар ва биохилма-хиллик

Биологик ресурслардан зарар етказмай фойдаланиш ва биохилма-хилликни сақлаш экологик экспертизанинг асосий мақ-

садларидан биридир. Бу муаммо ечими мамлакатда мустахкам экологик барқарорлик ва табиат тизимини қўллаб қувватлашга ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолишга хизмат қиласди.

Биологик ресурслар жонли табиат ресурслари бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонат олами ва микроорганизмлардан ташкил топади ва улар табиий муҳитнинг барча қисмларида-ер, сув ва ҳавода мавжуддир. Биологик ресурслар комплекс ресурслар бўлиб, табиатда модда ва энергиянинг биологик айланишини, атроф-муҳит тузилмаси биологик айланишини, атроф-муҳит тузилмаси мувозанати барқарорлигини таъминлайди ёки яхшилайди. Шу сабабдан улардан фойдаланиш доимий равишда ресурсларни кўпайтиришга қаратилиши керак. Бунинг учун биологик ресурсларни тайёрлаш ҳажми уларнинг йиллик кўпайиши ҳажмидан ошиб кетмаслиги, фойдаланишининг характеристири ва тузилмаси эса биологик маҳсулдорликни оширишга, биологик модда алмашинувини оптимальлаштиришга йўналтирилиши лозим.

Табиий ва ижтимоий-иктисодий тизимлар доирасида биологик ресурслар ҳудудлар биоэкологик инфратузилмасининг асосий элементи ҳисобланади. Улар табиат муҳофазаси, аҳолини соғломлаштиришда катта аҳамиятга эга. Биологик ресурслар озиқ-овқат, ёқилғи, турли маҳсулотларни тайёрлаш учун органик хомашё манбаидир. Булар эса биологик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофазалашнинг аҳамиятини янада оширади.

Ўзбекистоннинг био хилма-хиллиги 27000 га яқин турни ташкил этади. Шундан 15000 турдан ортиқрогини ҳайвонлар, 11000га яқин турларини ўсимликлар, кўзиқоринлар, сув ўтлари ташкил этади.¹ Флора ва фаунанинг таркиби ва уларнинг экологик яшаш шароитлари фарқларига кўра Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги 5та биогеографик зона ажратилган: 1) текислик чўл экотизимлари; 2) тоголди чала чўл ва даштлар; 3) дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари; 4) нам ҳудудлар ва дельталар экотизимдари; 5) тог экотизимлари.

Ўзбекистоннинг флора ва фаунаси турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг кўп-озлиги яшаш муҳитининг ҳолатига бевосита болглиkdir. Кўп йиллар мобайнида биологик ресурслардан тўхтовсиз фойдаланиш уларнинг ўз-ўзини тиклаш имкониятларидан анча юқори бўлди. Бу эса ўз навбатида флора ва фаунанинг яшаш муҳитининг ёмонлашувига, умумий сони ва турлари таркибининг камайиб кетишига, биогеоценознинг куч-

¹ Биологик хилма-хиллигини сақлаш. Мислий стратегия ва ҳаракат режаси. –Т., 1998, 36-б.

ли деградациясига олиб келди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши табиий ландшафтларнинг маданий ландшафтларга айлантирилиши, дарё сув оқимларини тартибга солиш түғон, сув омборлари, каналлар қурилиши, тұқайларнинг қуритилиши, тоғлардаги арчаларнинг кесиб юборилиши, тоғ-кон саноатининг ривожланиши табиий экотизимга жиддий таъсир құрсаатди, яшаш ареалларининг кескин қисқаришига олиб келди. Оқибатда ўсимлик турларининг 10-12%, ҳайвонот оламининг күплаб турлари муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Айни вақтда муҳофаза этиладиган табиий худудлар мамлакат жами майдонининг атиги 2%ни эгаллайди. Бу эса ландшафт ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишни таъминлай олмайди.

Биологик ресурслардан зарар етказмасдан фойдаланиш ва био хилма-хилликни сақлаш мақсадларида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: а) чўлга айланадиган ерларда, тоғларда агроўрмон ва тоғ мелиорацияси ишларини амалга ошириш; б) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар майдонини кенгайтириш (энг камидаги мамлакат худудининг 10% гача) ва тузилмасини барча экотизимларни қамраб олиш асосида та-комиллаштириш; в) флора ва фауна турлари ва захиралари, улардан фойдаланиш, муҳофазалаш устидан экологик экспертиза назоратини кучайтириш ва бошқалар.

3.2.5. Ер ости бойликлари

Ер ости бойликлари табиий муҳит тизимининг ер қаъри билан энг яқин боғланган элементи бўлиб, улар жонсиз табиат ресурслари хисобланади. Улардан конструкцион ва бошқа материаллар, кимёвий күшилмалар, ўғитлар ва бошқаларни ишлаб чиқаришда кенг миқёсларда фойдаланилади. Узбекистоннинг ер ости бойликлари ғоят хилма-хил, захиралари эса кўп бўлиб, улар 100га яқин минерал хомашё турларини, 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конларини ўз ичига олади. Республика асл рангли, камёб, радиоактив, қора металлар, тоғ-руда, тоғ-кимё, ёқилғи-энергетика хомашёлари, қурилиш материаллари, чутук ва минерал, термал сув ресурсларига бой. 900дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини, мамлакатнинг умумий минерал-хомашё потенциали эса 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Ҳар йили республика конларидан 4,3 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда, улар ёнига ҳар йили 9,1 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда.

Республикада 142 нефть, газ, конденсат, бта кўмир, 34 та

асы металлар, 7 та қора металл, 54та рангли ва камёб металл, 49та төр-руда, 19та ярқырама рангдор тошлар, 37та төр-кимё, 372та қурилиш материаллари конлари, 172та ер ости сувлари манбалари бор. Уларни ўзлаштириш асосида 500дан күтпөрк газ-нефть конлари, шахталар, руда конлари, карьерлар ва очиқ конлар, 300га яқин минерал сув қуядиган завод ва цехлар ишлаб турибди. Улар қаторида Олмалиқ ва Навоий төр металлургия, Ангрен ва Шарғун күмир конлари, Газли ва Шўртан газ конлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё комбинати, Оҳангарон ва Навоий цемент комбинатлари, Фазалкент ва Олмалиқ тош тарошлиқ комбинатлари каби йирик корхоналар бор.

Шу билан бир қаторда ер ости бойликларини қазиб олиш билан боғлиқ корхоналар табиий муҳитда мувозанатни бузувчи ва емирувчи, ифлюслантирувчи таъсир кўрсатадиган юқори экологик хавф хатар манбалари эканлитини ҳам экологик экспертиза назоратида ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим. Айниқса табиий ландшафтга ва атроф-муҳитта фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олиш катта зарар етказади. Бундай жойларда табиий ландшафт йўқ қилинади, кўплаб чуқур карерлар пайдо бўлади, катта миқдордаги фойдасиз ва заҳарли, ифлюслантирувчи чиқитлар тўпланади, атроф-муҳит ифлюсланади ва бошқа салбий оқибатлар содир бўлади. Шу сабабдан минерал-хомашё ресурсларидан, хомашё ва чиқитлардан комплекс ва тўлиқ фойдаланишга, шунингдек камёб материаллардан қайта фойдаланишга ўтишга йўналтирилиши лозим. Эскирган ускуналарни алмаштириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, чиқиндила-ри қайта ишлаш, бузилган ерларни рекультивация қилиш экологик экспертиза назоратида марказий ўринни эгаллаши лозим.

3.2.6. Чиқиндила-ри

Экологик экспертиза муаммолари орасида чиқиндила-ри ғоят муҳим ва жiddий муаммолар қаторига киради. Барча ресурсларни қазиб олиш ва сўнгра уларни эксплуатация қилиш, турли ресурслардан фойдаланиш оқибатида улар эрта ёки кеч албаттга чиқиндила-рга айланади, яна табиий ва антропоген механизмлари орқали тўлик, ёки қисман ресурс бўлиб қайта тикланади. Бундай ёпиқ модда айланishiда турли материаллардан фойдаланиш тизими «ресурс-чиқинди-ресурс» циклидаги типда намоён бўлади. Ушбу ресурс циклининг ҳаракатда бўлиши ва ишлаб туриши ресурсларни қазиб олиш ва уларни қайта тиклаш учун сарфланадиган харажатларга боғлиқ. Уларни антропоген регенерация харажатлари деб аташ мумкин. Регенерация харажатлари ҳисобига ресурс цик-

лларини сунъий интенсификациялашга эришилади. Антропоген тикланадиган ресурслар, масалан, металл, ишлаб чиқарышнинг умумий ҳажмида иккиласи металлар турли элементлар учун 30-50% ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади, ноёб metallарнинг чиқитлари эса амалда тўлиқ тикланаётир. Антропоген тикланадиган ресурсларнинг сунъий айланишни яратиш ва қўллаш ҳозирги пайдада реал ҳақиқатта айланди. Масалан, АҚШ эҳтиёжлари учун керак бўлган пўлат ҳозирги вақтда тўлиқ ҳажмда темир-терсакдан олиниши мумкинлиги исботланган ва ҳисоблаб чиқилган. Япония қора metallургияси ҳам асосан темир-терсак асосида ривожланаётир. Шундай қилиб ресурслардан фойдаланиши ҳажмини ресурс цикларини сунъий шакллантириши ва интенсификациялаш ҳисобига таъминлаш ресурслардан фойдаланиши ҳозирги замон технологияси ривожланишининг натижаси бўлиб, ушбу цикллар илмий техника прогресси шароитида ресурслар ҳажмини тугайдиган ҳолатдан тугамайдиган ҳолатга айлантиришнинг ягона йўли бўлиб қолди.

Чиқиндиilar кенг маънода инсониятнинг хўжалик юритиш, энергия олиш оқибатда, яшави ва фаолияти жараёнида атроф-муҳитга ташлаб юборадиган барча нарсалардир. Буларга атроф-муҳитга ташланадиган майший ахлат, саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиilarи, нефть оқавалари, оғир metallар ва заҳарли моддалар, атом электростанциялари чиқиндиilarи ва бошқалар киради. Булар қаттиқ чиқиндиilar, суспензия (бирор модданинг бошқа суюқ модда ичида зарра ёки төмчи ҳолида сузуб юрадиган эритмаси), шламлар (тоғ жинсларини майдалаганда, бургулаша ҳосил бўладиган кукунсимон маҳсулот), оқава сувлар, газсимон чиқитлар ва бошқалар бўлиб, уларнинг таркибида заарарли моддалари бор бўлган турлари айниқса экологик хавфлидир.

Узбекистонда ҳар йили кўплаб шаҳар чиқиндиilarи, саноат чиқиндиilarи, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ майший чиқиндиilarи тўпланиб қолаётганлиги ва уларни йигиши ва қайта ишлаш муаммоси ҳал этилмаганлиги жиддий муаммо ҳисобланади. Масалан, фақат Тошкент шаҳрида йилига 1,3-1,4 миллион тонна майший чиқиндиilar тўпланади. Республикада шаҳар ахлатхоналари 5000 гектардан ортиқ майдонни эталлайди ва улар тупроқ ва сизот сувларини ифлослайдиган манбага айланаб қолган.

Мамлакатда пайдо бўлаётган ва йигилаётган чиқиндиilarнинг асосий қисми тоғ-кон ва кон бойитиш саноати хиссасига тўтири келади. Уларда қайта ишланаётган массалар ҳажмининг 90-95% чиқиндиilarни ташкил этади. Рангли metallургияда қазиб олинаётган тоғ жинсларининг 1-5 %гина фойдали маҳсулотга айланади. Ҳозирги вақтда конларнинг ағдармаларида 1,25 млрд м.куб очимла жинслари, конларнинг охирги (этакларда) қис-

мларида 1,3 млрд т рудаларни бойитиши чиқиндилиари, маҳсус ағдармахоналарида металлургия ишлаб чиқарилиши шлаклари түпланган ва жойланган. Уларга хар йили яна 25 млн. куб м очилма жинслар, 42 млн. т. бойитиши чиқиндилиари, 300 минг т. металлургия корхоналари шлаклари құшилаётір. Бу чиқиндиляр ландшафтни бузышдан ташқари катта ер майдонларини ҳам эгаллайды. Масалан, Навоий кон металлургия комбинати чиқинди уюмлари 250 га ерни банд қылған ва ер ости сувларини цианид, аммиак, нитрат; маргимуш билан ифлослайды. Олмалиқ төг металлургия комбинати ва бошқа турдош корхоналар яқинидаги оқим сув чиқиндилиарни ювіб, таркибіда оғир металлар бұлған тұзларни оқызыб келмокда. Самарқанд вилоятидеги Жанубий ва Ингичка конлари чиқиндилиари Зарафшон дарәсига оқиб келади.

Киме ишлаб чиқарыш асосий чиқиндилиари илгаридек фосфогипс (70-72 млн т.), лигнин (15 млн т.), марганец шлами, олтингугарт кеки, суюқ чиқиндилиар (10 млн. куб м) хисобланади. Саноат чиқиндилиарига күшімчә равищда 30 млн куб м машины чиқиндилиар йиғилиб, улар шаҳар ва қыпшық ахлатхоналарида түпланган.

Чиқиндилиарни түплаш, бирламчи сақлаш, тапиши ва күміб ташлаш, уларни заводларда қайта ишлеш мұаммолари тұла ҳал этилмаган, бу эса атроф-мухитта, ақоли саломатлігінде хавф туғедірмоқ да. Бу мұаммолар ечимини топищда қуйидеги тадбирларнан амалға оширишиң экологик экспертиза назоратидан күчтейтириш мұхымдир: а) чиқиндилиарни түплаш, дастлабки сақлаш ва күміб ташланадиган жойға тапиши ва уларни қайта ишлеш тизимини такомиллаштыриш ва экологик талабларга мослаштыриш; б) чиқиндилиарни түплаш, сақлаш, тапиши ва күміб ташлаштың экологик, санитария-эпидемиология мезерлари, қоңылалари, стандартлары талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини яхшилаш; в) чиқиндилиарни түплаш, тапиши, қайта ишлеш ва утилизациялаш бүйірчы инфратузилма тизимини барпо этиш; г) чиқиндилиарни камайтириши бүйірчы кичик дастурлар ишлаб чиқып ва уларни амалға ошириш соҳасыда ҳалқаро тажрибалардан хар томонлама фойдаланиш ва бошқалар.

3.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазият ва уларниң ҳудудий фарқлары

3.3.1. Экологик вазияттың ҳудудий фарқлары түғрисида түшүнчә

Мамлакат ҳалқ хўжалигини тармоқ ва ҳудудий ташкил этишиннинг табиий ресурслар билан объектив үзаро боғлиқлиги ҳудудий экологик вазиятта таъсир күрсатади. Ҳудудлар ва уларда мавжуд бұлған табиий ресурслар регионал-ҳудудий комплексларни ва ҳудудий экологик вазиятни шакллантиришда ҳал қылувчи роль ўй-

найди. Ўзбекистон худуди ресурсларнинг сифати, миқдори, хусусиятлари ва шуларга мос ҳолда улардан фойдаланиши тузилмаси ва даражаси бўйича катта регионал ва зонал фарқларга эга. Бунда биринчи навбатда бир-биридан тубдан фарқ қиласидиган экстремал текислик чўл (саҳро), юқори даражада ўзлаштирилган ва экологик вазият кескин бўлган сугориладиган (антропоген) текислик, ғоят муҳим экологик аҳамиятга эга бўлган тоғ зоналари ва уларнинг худудларида жойлашган маъмурий-худудий бирликлар-туманлар, вилоятларнинг ўзига хос худудий-экологик ҳолатини ҳар томонлама ҳисобга олиш экологик экспертиза назоратини амалга оширишида муҳим роль ўйнайди. Масалан, «соғ» чўл, «соғ» антропоген текислик, «соғ» тоғ туманлари ва ҳўжаликлари, аҳоли яшаш манзиллари билан бир қаторда уларнинг ушбу учта зона худудларининг турли комбинациялари бирлашмаларидан ташкил топган чўл-антропоген текислик, антропоген текислик-чўл-тоғ, антропоген текислик-тоғ шакллари ҳам бор. Бу худудий зонал фарқлар объектларни рӯёбга чиқариши бўйича экологик экспертиза хulosаларида албатта ҳисобга олинини ва хulosалар ҳам уларга мос бўлиши керак. Ушбу мақсадда Ўзбекистон худудини экологик вазият хусусиятларига кўра районлаштириши ҳам зарур.

3.3.2. Экологик вазиятни баҳолаш мезонлари ва экологик районлаштириши

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакатнинг илмий-тадқиқот мусассасалари ва олимлар, мутахассисларни жалб этиб Ўзбекистондаги экологик вазиятни баҳолаш методологиясини ишлаб чиқди ва мамлакатни илмий асосланган экологик районлаштиришни (минтақалаштиришни) амалга ошириди.

Экологик районлаштиришга (минтақалаштиришга) мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлинини асос қилиб олинган ва унинг энг кичик бирлиги (таксони) маъмурий туман (вилоят ёки республикага бўйсунадиган шаҳар) ҳисобланади. Ҳар бир музъумурӣ бирликнинг экологик вазияти куйидаги экологик ҳолатни баҳолаш шкаласига (индиқаторига) асосланиб таҳлил қилинган.

1-жадвалда берилган 18та экологик индиқатор орқали республика туманларидағи ва улар орқали вилоятлардаги экологик вазият баҳоланган. Мавжуд экологик ҳолатнинг оғирлик даражасига кўра туманлар куйидаги районлар тизимиға киритилган:

- I - қониқарли (йўл қўярли) экологик ҳолатидаги;
- II - кескин экологик ҳолатдаги ;
- III - ҳалокатли экологик ҳолати.

I-жадвал

**Экологик ҳолатни баҳолаш шкаласи
(Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси ишланмалари тавсияси)**

№	Мезонлар номи	Улчов бирликлари	Минтақалар (районлар экологик ҳолати)		
			4	5	6
			Кескини	Фавқу- лодда	Хало- катли
1.	1 даражада ўта хавфли мезонлар	Битта туркум қиймати-балл	40	60	100
1.	Ер ости сувларини ифлосланниши	СИИ (ифлосланниш индекси)	4-6	6-10	10
2.	Ер усти сувларини ифлосланниши	ЕУСИИ (ифлосланниш индекси)	2-3	3-5	5
3.	Атмосфера ҳавосининг ифлосланниши	ИИИ (ифлосланниши иклимий имконияти)	10-15	15-20	20
4.	Тупроқларни пестицидлар билан ифлосланниши	кг. га ишлов берилган майдон	5-10	10-20	20
5.	Ичимлик сувини Дега (давлат стандарти) тўғри келмаслиги	текширишлар умумий сонидан %	3-40	40-60	60
6.	Озиқ-овқат хомашёси ЎСга тўғри келмаслиги	Текширишлар ЎСга тўғри келмаслиги умумий сонидан %	30-40	40-50	50
7.	Аҳолини умумий касалланиши	Аҳолини 1000 киши бошига ҳисоб қилинган касалланиши республика ўртача коэффициентидан ошиши (республика кўрсаткич 600 касалланиш), маротаба	1,5-2,0	2,0-2,5	2,5
8.	Умумий аҳоли сонига ўлим миқдори	Республикада ўлимнинг ўртача коэффициентидан ошиши (ўртача даражада 6,2), маротаба	1,2-1,3	2,0-2,5	1,5
9.	Болалар касалланиши	15 ёнгача бўлган ҳар 1000 болага тўғри келувчи касалланиши республика ўртача даражасидан ошиши (ўртача даражада 600), маротаба	1,3-1,5	1,5-2,0	2,0
10.	Гўдаклар ўлими (1 ёнгача)	Республикада гўдаклар ўлими даражасини ўртача коэф.дан ошиши (ўртача коэф.-29,0), маротаба	1,1 5	1,3-1, 5	1,5
II даражада юнусли мезонлар					
1.	Атмосферани иқлимий ифлосланниш имконияти	ИИИ	2,5-3,0	3,0-3,5	3,5
2.	Худудларни сув босиши	Ер ости сувлари сатхи 2 м худудлар умумий майдонларидан % ҳисобида	10-20	20-40	40
3.	Тупроқлар сифати	Тупроқлар бонитет балли респ. ўрт. даражасидан	1,5-2,5	1,5-2,0	2,0

Эслатма: 4-каторда кўрсатилган мезонни қўйи даражасидан паст бўлган мезонлар 0 балл билан баҳоланади

Кониқарли экологик ҳолатдаги районларга I, II, III экологик районларга кирмаган маъмурый туманлар худуди киради.

Кескин экологик ҳолатдаги районларга табиий экотизимлар мувозанати таркиби бузилиши қайд қилинган, улар экологик меъёрлардан анча ошган, лекин фавқулодда ҳолатта етмаган, экологик сифим пасайиши ва атроф-муҳит ифлосланиши ошаётгани кузатилаётган туманлар худуди киради.

Фавқулодда экологик ҳолатидаги районларга экотизим ҳолати кескин ўзгарган, лекин уларни олдини олиш имкони бор бўлган, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши мавжуд биосфера иқтисодий ресурслари салоҳияти имкониятидан юқори ва табиат заҳирлари камайиб кетиши қайд қилинган туманлар киради.

Ҳалокатли экологик ҳолатдаги районларга табиий муҳитда қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари ва экотизимлар бузилиши рўй берган туманлар киради.

Ушбу мезонларга асосланаб ўртacha баллар ҳисобланади ва экологик вазият баҳоланади. Ўртacha балл баҳоларига кўра районлар ҳавфли ва ўта ҳавфли экологик вазият районлари катерияларига бўлинади, уларнинг экологик ҳолати аниқланади.

3.3.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазиятнинг ҳудудий фарқлари ва уларни экологик экспертизада ҳисобга олиш

Экологик вазиятнинг вилоятлардаги фарқлари бўйича ҳисобланган балл кўрсаткичларига кўра уларнинг қўйидаги типлари аниқланади:

- 1) 400 ва ундан ортиқ балл-фавқулодда кескин;
- 2) 250-400 балл-жуда кескин;
- 3) 150-250 балл-ўртacha кескин;
- 4) 120-150 балл-унча кескин бўлмаган;
- 5) 120 баллдан паст балл-кескин бўлмаган.

Шу мезонлар нуқтаи назаридан Республикада энг экологик ёмон аҳволдаги ҳудуд Қорақалпогистон Республикаси бўлиб, у ерда фавқулодда кескин экологик вазият вужудга келган ва у тобора ёмонлашмоқда. Хоразм, Фарғона, Навоий вилоятларида жуда кескин экологик вазият юзага келган. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида экологик вазият ўртacha кескин, Сурхондарё, Тошкент, Андижон вилоятларида – унча кескин бўлмаган, Наманганд, Їлиззах, Қашқадарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кескин бўлмаган экологик аҳвол мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси туманлари бўйича экологик вазиятнинг иқтисодий районлар ва улар таркибидаги вилоятлар туманлари бўйича баҳоланиши қўйидаги жадвалда берилган.

2-жадвал

**Ўзбекистон маъмурӣ туманларидағи экологик вазият
(Республика Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
материаллари асосида.)**

	Иқтисодий районлар ва вилойтлар	ЭКОЛОГИК ХОЛАТ			
		қониқарли туманлар	кескин туманлар	фавқулодда туманлар	ҳалокатли туманлар
I.	Тошкент иқтисодий райони	1. Бекобод 2. Зангиота 3. Оққурғон 4. Пскент 5. Тошкент 6. Ўрга Чирчиқ 7. Чиноз 8. Қайрат	9. Бўка 10. Бўстонолик 11. Паркент 12. Юбори Чирчиқ 13. Янги йўл 14. Кўйи Чирчиқ		
	2. Тошкент ш.	Тошкент шахри			
II.	Фарғона иқтисодий райони:				
	3. Андижон вилояти	1. Асака 2. Балиқчи 3. Буз 4. Жалакудук 5. Ҳужаобод 6. Шаҳриён	7. Андижон 8. Олтинқўл 9. Булоқ бопи 10. Избоскан 11. Марҳамат 12. Пахтаобод 13. Улуғнор 14. Кўргонгена		
	4. Фарғона вилояти	1. Дангарा 2. Учсўприқ 3. Ёзёвон	4. Бағдод 5. Бешарик 6. Бувайда 7. Олтиариқ 8. Охунбоев 9. Сўх 10. Фарғона 11. Фурқат 12. Ўзбекистон 13. Кӯва		
	5. Наманган	1. Коғонсой 2. Норин 3. Ўчи 4. Учқурғон 5. Чартоқ 6. Чуст 7. Янгиқурғон	8. Мингбулоқ 1. Наманган		

III.	Мирзачұл иктисодий район				
	6. Жызыах вилюяты	1. Дүстлик 2. Жызыах 3. Зарбдор 4. Зафаробод 5. Фориш 6. Галлаорол	1. Арнасай 2. Баҳмал 3. Зомин 4. Мирзачұл 5. Паҳтакор 6. Яңғы обод		
	7. Сирдарә вилюяты	1. Бөбевут 2. Мирахабод 3. Сайхунабод 4. Сирдарә	5. Гулистон 6. Мехнатабод 7. Ховос 8. Шароф Рашидов		
IV.	Самарқанд иктисодий райони				
	8. Самарқанд вилюяты	1. Булунгур 2. Гўзалкент 3. Жомбой 4. Оқдарә 5. Тойлоқ 6. Ургут	7. Йишихон 8. Кагтакўргон 9. Нарпай 10. Нуробод 11. Пойариқ 12. Паҳтачи 13. Самарқанд 14. Челак		
V.	Бухоро-Навоий иктисодий райони				
	9. Бухоро вилюяты	1. Вобкент 2. Жондор 3. Когон 4. Пешку 5. Ромитан 6. Шоғиркон 7. Коровулбозор	8. Бухоро 9. Олот 10. Қора-қўл 11. Фиждувон		
	10. Навоий вилюяты	1. Конимек 2. Нурота	4. Томди 5. Учқудук 6. Хатирчи 7. Қизилтепа	8. Навоий 9. Навбахор	
VI	Қашқадарә иктисодий райони				
	11. Қашқадарә вилюяты	1. Бахористон 2. Дехқонобод 3. Китоб 4. Косон 5. Нишон 6. У.Юсунов 7. Шахрисабз 8. Яккабог 9. Қамашли 10. Қарши 11. Фузор	12. Қасби 13. Муборак 14. Чирокчи		

VII	Сурхондарё иқтисодий райони				
	12. Сурхондарё вилояти	1. Бандиҳон 2. Бойсун 3. Денов 4. Олттинсой 5. Сариносӣ 6. Узун 7. Шурчи 8. Кизирик	9. Ангор 10. Жарқўргон 11. Шеробод 12. Кумкўргон	13. Музрабод 14. Термиз	
VII 1	Кӯйи Амударё иқтисодий райони				
	13. Хоразм вилояти		1. Богот 2. Гурлан 3. Хива 4. Хонқа 5. Шовот 6. Янгиарик 7. Кўшкўпир	8. Урганич 9. Ҳазорасп 10. Янгибо- зор	
	14. Қорақалпо- ғистон Респуб- ликаси		1. Бўзатов 2. Шуманай	3. Амударё 4. Беруннӣ 5. Қораўзак 6. Кегайни 7. Қўнигирот 8. Қашликўл 9. Нукус 10. Тахтакў- пир 11. Тўрткўл 12.Хўжайли 13. Чимбой 14. Элик- кала	15. Мўй- ноқ
	Республика бўйича туманилар сони	68	68	21	0,6
	%	43,0	43,0	12,4	1

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибидики, мамлакатнинг 68 туманида (43%) экологик вазият нисобатан қонишарли, яна 68 тасида (43%) кескин, 21 тасида (12,4%) фавқулодда, 1 таси (Мўйноқ) ҳалокатли. Бундай худудий фарқлар экологик экспертизани амалга ошириш ҳамда бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда ва тегицили экологик хulosалар чиқаришда ўзига хос худудий асос бўлиб хизмат қиласди. Шу муносабат билан экспертизада куйидаги худудий ҳаракат йўналишлари мухим ахамиятта эга: а) тармоқ ва худудий режалар ва дастурларни амал-

га оширишда худудий фарқларни хар томонлама ҳисобга олган ҳолда хуносалар чиқариш; б) туманлар ва вилоятлар ҳаракат режалари экологик экспертизасида яшаш учун қулай экологик шароит яратиш, хўжаликни экологиялаштиришни чуқурлаштириш, табиятдан барқарор фойдаланишни экологик жиҳатдан тъминлапшинг устуворлиги соҳасида миллий манбаатларга асослашиш ва уларга риоя қилиш ва бошқалар.

3.4. Орол денгизининг қуриши ва экологик экспертиза сабоқлари: салбий антропоген тъсирининг экологик ҳалокатга ва ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келиши намунаси

3.4.1. Орол ҳалокати миқёслари, сабаб ва оқибатлари

Орол денгизи (кўли) XX асрнинг 60 йилларигача майдонининг катталиги бўйича дунёда Каспий денгизи (371 минг кв.км), Юқори кўл (82,1 минг кв.км, Шимолий Америка), Виктория (69 минг кв.км., Африка) кўлларидан кейин тўртингчи ўринни эгаллайдиган, майдони 66 минг кв.км га тенг бўлган улкан сув ҳавзаси эди. У куйидаги муҳим геоэкологик ва иқтисодий-экологик функцияни бажарган: 1) дунёнинг буюк саҳролари ҳисобланган Коракум, Кизилкум, Устюрт платосини бир-биридан ажратиб турадиган ва улар туташган чегараларда жойлашган Орол денгизи Марказий Осиёда муҳим иқлим шакллантирувчи ролни бажарган. Малум даражада регионни Шимолдан келадиган совук ҳаво оқими тъсиридан асраган, мўттадил минтақадардан келадиган нам денгиз ҳаво оқимларининг ҳаракатини эса Ўрга Осиё тоф тизимларига томон йўналтиришга қулай имконият туғдирган. У қирроқ бўйидан 50-150 км масофагача кенгликда иқлимини назорат қиливчи муҳим омил бўлган. Денгизнинг юмшатувчи тъсири иқлимининг курроқлигини камайтириб, ёз иссиғини ва қиши совуғини чеклаган; 2) Орол минг йиллар давомида регионда асосий туз тўпловчи ва сақловчи табиий омбор бўлиб, тузлардан Ўрга Осиёни холос этиш функциясини бажарган. У регион гидрология тизимида дарё оқимлари олиб кела-диган тузларнинг буюк концентратори эди; 3) Орол муҳим экологик тизим сифатида био хилма-хилликнинг ўзиға хос макони бўлиб, денгиз биоталари, экологик бой делтталар, тўқайзорлар хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Хўжаликда доривор ўсимликлар тайёрлаш, балиқ овлаш (йилига 40 минг тоннагача), паррандачилик, яйлов чорвачилиги муҳим аҳамиятга эга бўлган ва улар экотизимлар маҳсулдорлигига асосланган; денгиз ва дарё транспорти ривожланишига имкон берган; 4) Орол региони дунё цивилизацияси пайдо бўлган марказлардан ва дунёнинг энг қадимги дехқончилик

маданийти ўчоқларидан ҳисобланади; 5) Орол денгизи акватория-сининг ярми Ўзбекистонда, ярми Қозогистонда жойлашган бўлиб, у учбу иккι давлат хаётида муҳим экологик ва ижтимоий-иктисодий роль ўйнаган.

Бу функцияларнинг кўпчилиги (1-3 бандлар) кучли антропоген таъсири оқибатида тубдан ўзгарган ва қарама-қарши (салбий) йўналишга ўтган ва булар эса бу ерда юзага келган ҳалокатни экологик вазиятнинг асосий сабабидир. Улар билан боғлиқ бўлган хавфли табиий жараёнлар спектри ғоят хилма-хилдир. Воқеалар ва жараёнларнинг бундай ўзгариши сўнгти 40-50 йилда содир бўлди. Уларнинг сабаб ва оқибатларини билиш, улардан тўғри хulosалар чиқариш Ўзбекистон экологик экспертизаси учун ғоят муҳимдир. Шу муносабат билан учбу мураккаб муаммо бўйича мавжуд адибиётлар ва замонавий тадқиқотлар натижаларига асосланиб қўйидаги асосий хulosаларга келиш мумкин:

1. XX асрнинг биринчи ярмида Орол регионасида экологик вазият барқарор бўлган. 1950 йилда бу ерда 2,9 млн. га ер суғорилган. Денгиз сатҳидан 60 куб км сув бугланган. Шу миқдордаги дарё суви ҳар йили денгизга қўйилиб турган. Ҳозирги экологик инқизорз собиқ тоталитар социалистик тузум амалга оширган хато иқтисодий ривожланиш стратегиясининг натижасидир. 1950 йилларнинг охири 1960 йилларнинг бошида Қозогистон ва Ўрта Осиёда сугориладиган деҳқончиликни кенг миқёсда ривожлантириш тўгрисида қарор қабул қилинди. Қисқа муддатларда Орол регионасида сугориладиган ер майдонлари 7 млн. га етказилди (2,5 марта ўсиш), минерал ўғитлардан фойдаланиш 3,5-6 марта кўпайди, улкан ирригация-мелиорация тизимлари барпо этилди. Айни вақтда сувдан тежамкорлик билан фойдаланилмади. Пахта, шоли, мева ва узум, дон, сабзавот этишириш кескин кўпайди. Буларни этиширишда Оролни ҳалокатга олиб келиши эҳтимоли ҳисобга олинмади. Шу билан бир қаторда сувга талаб ҳам тўхтовсиз ошиди.

2. Орол хавзасида сугориладиган майдонларнинг ҳаддан ташқари кенгайтирилиши инсоният тарихида энг йирик экологик ва гуманитар ҳалокат-Орол денгизининг қуриб боришига сабаб бўлди. Сўнгти 30 йилда денгиз сатҳи 15,6 м га пасайди, акватория майдони 2 марта қискарди (66 дан 33 минг кв.кмга), сув ҳажми 2,6 марта камайди (1062 дан 278 км. куб гача). Қуриб қолган денгиз туби майдони 34,5 минг кв.км га етди. Сувнинг шўрланиши 2-3 марта ошиди. Натижада «янги» антропоген «Оролкум» шўрҳок саҳроси пайдо бўлди. Бу ерда туз, чанг-тўзонлари ҳар куни ва йил давомида катта майдонларни заҳарли моддалар билан ифлослантираётir. Шуларга боғлиқ ҳолда экологик тизимлар, ўсимлик ҳайвонот олами катта зарар кўрди ва чуқур деградацияни бошидан кечирмоқда. Чўллашини жараёнлари тезлашди. Иқдим салбий томонга ўзгарди. Ўртacha йил-

лик харорат амплитудаси 1,5-2° га ўсди, (бу жуда катта күрсаткич), натижада ёз ўта иссиқ, қыш эса ўта совуқ бўлиб қолди, баҳорги ва қузги қора совуқлар илгаригидан анча узокроқ давом этадиган бўлди. Орол табиий туз сақлайдиган «омбордан» атрофни туз билан булхайдиган даҳшатли ва катта ифлослантирувчи хавфли экологик манбага айланди. Денгизнинг қуриган тубидан кўтарилиган тузли кум бўрони атрофдаги ва узоқ масофада жойлашган ерларни ифлослантиромоқда, одамлар ва хайвонот оламига бевосита зарарли таъсир кўрсатмоқда.

3. Орол ҳалокати табиий муҳит сифатининг кескин пасайиши, экотизимлар ва улар компонентларининг кучли деградациясига, аҳоли экологик яшаш муҳити ва турмуш даражасининг кескин пасайишига, илгари мавжуд бўлган яхлит шўр сувли табиий экотизимларнинг кучли деградациясига олиб келди. 1985-1990 йилларда Амударё ва Сирдарё сугорадиган ердан оқиб чиқсан туз миқдори 137 млн. т ташкил этган, демак ҳар йили сугориладиган бир гектар ердан 18 т туз оқиб чиқсан. Ҳар йили ўзланиш туфайли 2 млрд АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилади (бу Марказий Осиёда ишлаб чиқилган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 5%ни ташкил этади.)

4. Орол регионини экологик инқирозга олиб келган кенг миқёсли хўжалик тадбирларининг экологик оқибатлари олдиндан ҳисобга олинмаган. Давлат экологик экспертиза эса фақат 1988 йилдан бошлаб, яъни СССРда табиатни муҳофаза қилиши давлат комитети ва унинг худудий органлари (шу жумладан Узбекистонда ҳам) тузилгандан кейин ўтказила бошлаган. Бу даврда эса Орол регионида экологик инқироз энг юқори босқичтга кўтарилиб бўлган эди. Бундан ташқари экологик экспертиза амалда давлат номидан назорат функциясини амалга оширадиган геология, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш вазирликлари, давлат агросаноат комитети ва бошқа ташкилотлар билан режалаштиришдан ва лойиҳалаштиришдан олдинги материалларни келишиб олишдан иборат бўлган. Шу сабабдан экологик экспертиза самара бермаган ва экологик талаблар эса хўжалик манфаатларининг қурбони бўлган.

3.4.2. Орол инқирозидан чиқиш йўллари

Орол инқирози оқибатларини барқарор ривожланиш, бу регионда яшаётган аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик ва яшашни учун қулай шароитлар яратиш, келяжак авлод манфаатлари йўлида экологик вазиятни яхшилаш принципларига амал қилиши асосида бартараф этиш мумкин. Бунда барқарорликни амалга ошириш шунга мос фаолиятни ташкил этиш билан узвий боғлиқдир. Мавжуд экологик вазият барча даража-

ларда илгариги шаблонлар (эскирган андозалар) ва тушунчалардан воз кечишни ва янгича турмуш тарзи ва тафаккурлашга ўтишни тақозо этади. Табиат билан ўзаро муносабатларда ушбу янги йўналишларга асосланиш ва уларни мунтазам қўллаш ижтимоий-иктисодий соҳаларни ҳам барқарор ривожланиши томонга ўзгаришга хизмат қиласди.

Орол регионауда табиатдан барқарор фойдаланишнинг маънени ва мазмунини бутун мамлакатга ва қўшни давлатларга тааллуқли бўлиб, у табиат ресурслари ва компонентларидан фойдаланиши уларнинг захиралари ва тикланиши суръатларига мос йўналишда, шунингдек табиатнинг ифлосланиши ва деградациясини табиий тизимларни тиклаш тадбирлари билан биргаликда қўшиб олиб боришини билдиради.

Хозирги вактда табиатдан фойдаланишща кенг қўлланилаётган технология ва ёндашувлар аҳолининг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини табиатга зарар етказмасдан таъминлашга имкон бермайди ва қўпинча унга зид келади. Шу сабабдан антропоген таъсир табиий тизимларнинг бекарор бўлиб қолиши жараёнларини кучайтираётир, бу эса табиий оғатларнинг содир бўлиши жараёнларини кучайтириб, уларни тезлаштирумокда. Шу сабабдан Орол регионауда табиий муҳитнинг барқарорлигининг асосий муаммоси ғоят муҳим бўлган ифлосланиши муаммоси эмас, балки улардан ҳам муҳимроқ бўлган табиий экотизимларни сақлаш ва тиклаш муаммоси ҳисобланади. Фақат ушбу ёндашув табиий муҳитнинг ҳаётиги муҳим параметрларини қўллаб кувватлашга ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан Орол инқирозининг кўйидаги икки аспектини кўриб чиқиши ва уларни ҳал этиш зарур: 1) Орол регионининг экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш; 2) Орол денгизини сақлаб қолиш зарурати.

Бу икки аспект бир-бири билан ўзаро боғланган, лекин Орол денгизини сақлаб қолиш аҳамияти бўйича ва уни амалга ошириш имкониятлари чекланганлиги сабабли Орол денгизи ҳавzasининг умумий муаммоларини ечиш йўлларига наасбатан объектив равишда иккиласми чиқиши даражали бўлиб қолди.

Умуман инқироздан чиқиши учун уни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш зарур. Бунда биринчи навбатда регион аҳолисининг экологик яшаш шароитини яхшилашга ва барқарор ривожланиши қоидаларига амал қилишга қаратилган тадбирларни ажратиб кўрсатиш лозим. Бундай тадбирлар қаторига қўйидагилар киради:

1) қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш: тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш; канализация ва тозалаш қурилмалари тизимини барпо

1
2
3
4 этиш; ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш; ахоли яшаш манзилларининг санитария ҳолатини яхшилаш;

2) табиатдан баркарор фойдаланишини экологик жиҳатдан таъминлаш: табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; биологик хилма-хилликни сақлаш; қуриган денгиз тубида кенг миқёсда ўрмон мелиорация ва фитомелиорация тадбирларини амалга ошириш;

3) қишлоқ ва ўрмон хўжалигини экологик ва илмий асосланган тизимга ўтказиш;

4) саноат корхоналарини экологиялаштириш;

5) ишлаб чиқариши кучларини узок муддатли ривожлантириш ва жойлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда экологик ва ижтимоий устуворликка асосланиш: а) меҳнатни кўп, сувни кам талаб қиласиган, айни пайтда иқтисодий ва ижтимоий самарадор ишлаб чиқаришини ривожлантиришини мўлжаллаш; б) сугориши тизимларни реконструкциялаш; в) сугориши нормаларини илмий-асосланган холда камайтириш ва замонавий сугориши технологиясини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш; г) зовур сувларидан рационал фойдаланиш ва уларни утилизациялаш йўлларини топиш ва бошқалар.

Орол дengизини сақлаб қолиш муаммолари ҳам foят мураккабdir. Ҳозирги вақтда дengиз сатҳининг пасайишини тўхтатиш имкониятлари кам. Шу билан бир қаторда дengизни сақлаш бўйича қатор ички имкониятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар Орол ҳавзасида сувни тежашнинг комплекс тадбирларини амалга ошириши билан узвий боғлиқdir. Ҳисобларга кўра регионда сувни тежашнинг қатъий чораларни кўллаш, шу жумладан сугориши тизимларини реконструкциялаш, сугориши нормаларини камайтириш, кам унумдор ерларни сугормаслик, замонавий сугориши методлари ва сув хўжалигини бошқаришини прогрессив тизимларини кўллаш, шунингдек сувни кўп талаб қиласиган экинлар майдонини қисқартириш йилига 35-50 куб км сувни тежашга имкон беради. Бу миқдордаги сув эса Орол дengизини маҳсулдор экотизим сифатида сақлаб қолишга бемалол етади.

Бу тадбирлар комплекси экологик экспертизанинг истиқболли йўналишларини белгилашга имкон беради ва Орол регионидаги экологик вазиятни яхшилаш ва Орол дengизини сақлаб қолишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

3.5. Тор ва текислик геотизимларидан фойдаланишининг экологик экспертизаси хуссиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиётгидаги мамлакат турли қисмларининг

худудий-русурс имкониятларининг ўзига хослигини ҳар томонла-
ма ҳисобга олиш, улардан оқилона фойдаланишни экологик экспертиза назоратига олиши муҳим илмий ва амалий аҳамиятта эга.
Табиий ресурслар табиий-экологик ва ижтимоий-иқтисодий ти-
зимларининг бир бутунлигини таъминлайди, айни пайтда турли
худудларда ўзига хос регионал-зонал структура ва потенциалга
эга.

Ўзбекистоннинг табиий ресурслари тузилмаси мамлакат та-
биатининг регионал худудий зонал тузилмаси хусусиятларини ўзи-
да яққол акс эттиради. Мамлакатнинг учта йирик геотизимлари
(макро регионлари) – чўл (саҳро) текислик, сугориладиган (антропоген)
текислик, тоголди-тоғ зоналари ўзига хос табиий ресурс ва
экологик ресурс потенциалига эга бўлиб, улар бир-бўрларидан
экологик шароити, ресурслар мажмуаси-майдони, географик ўрни,
табиий ландшафт типлари ва уларнинг ресурс потенциали, эколо-
гик мувозанати, ўзлаштириш даражаси, аҳолиси, хўжалиги кувват-
лари ва бошқа қатор сифатлари билан тубдан фарқ қиласди. Бу
йирик геотизимлар хўжалик объектларини рӯёбга чиқаришга се-
зиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабдан улардан фойдаланиши-
нинг экологик экспертизаси ҳам объектив равишда «чўл (саҳро)»,
«антропоген текислик», «тоғ» шаклларидаги ўналишга эга бўлади.
Бу эса ўз навбатида экспертизадан ўtkазилаётган лойиҳаларга
шунга мос ўналишда аниқлик киритишни тақозо этади.

Ўзбекистон худудининг 70%ини чўл (саҳро) геотизимлари
эгаллайди. Улар табиий шароитнинг ғоят куроқчилиги ва экстремаллиги, яшаш мухитининг нокулайлиги билан ажralиб туради.
Асосий ресурслари-яйловлар, турли фойдали қазилмалар бўлиб, улар
экстенсив яйлов чорвачилиги (қорақўлчилик) ва хомашё, ёқилғи
(нефть, газ) қазиб олиш тармоқларининг ривожланишига табиий
асос бўлиб хизмат қиласди. Бу геотизимлар кам ўзлаштирилган ва
бу ерда аҳоли ниҳоятда сийрак яшайди.

Антрапоген текислик геотизимлар асосан юқори даражада
ўзлаштирилган водий ва воҳаларни эгаллайди. Унинг ҳиссасига
мамлакатнинг атиги 10% худуди, лекин 90% аҳолиси, иқтисодиёти
ва инфраструктура кувватлари тўғри келади. Бу зона Ўзбекистон-
нинг асосий тарихий-географик ва ижтимоий-иқтисодий негизи
(ядроси) ҳисобланади. Унинг асосий ресурси сермаҳсул сугорила-
диган ерлар бўлиб, бошқа муҳим ресурс-сув тоглар маҳсулидир.
Бу ерда аҳоли зичлиги юқори, демографик ва экологик вазият
ғоят мураккабдир.

Сув ресурслари оқимларининг тогларда тўлиқ шаклланиши
ва унинг деярли ҳаммасидан антропоген текисликларда фойдала-
ниши, тогларнинг экологик-иқтисодий аҳамиятини оширади ва уларни
мамлакат барқарор ривожланишининг ҳал қилувчи регионига ай-

лантиради. Чунки тог дарёларнинг сувисиз водийларда ҳаёт бўлмайди.

Мамлакатнинг 21,3% худуди, таҳминан 2/3 табиий ресурс потенциали, 10%дан кўпроқ аҳолиси, 13% саноат, 8-9 қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, тог зонаси ҳиссасига тўғри келади. Тоғлар мамлакатнинг 10 та вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан ташқари) ва 70дан ортиқ туманлари таркибида бор.

Тог зонасининг табиий ресурс қувватлари ғоят хилма-хил, заҳиралари микдори кўп бўлиб, улардан рационал фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза этиши Узбекистон халқ хўжалиги мажмусасини принципијал янги йўналишда бойитишга имкон беради. Бу ерда республика фойдали қазилмаларининг асосий қисми (нефть ва газдан ташқари), сув ва гидро-энергетика, ўрмон, рекреация (дам олиш) ресурсларининг деярли ҳаммаси, биологик ресурслар, нафосатли ландшафтлар, алоҳида муҳофаза қилиниши керак бўлган табиий худудларининг катта қисми жойлашган. Бундан ташқари, тоғлар Узбекистоннинг энг катта ва энг муҳим табиий-экологик тизими, табият муҳофазаси объекти бўлиб, унинг турли-туман ва кўп микдордаги тикилнадиган тог ресурслари ва неъматларини бетгўхтов табиий равишда такрор ишлаб чиқариш (тоза ҳаво, сув, тупроқ унумдорлиги, биологик, рекреация, ландшафт ҳусусиятлари ва бошқалар) хоссаларининг иқтисодий баҳоси бевосита хўжалик юритишдан олинадиган маҳсулот ва хизмат турларининг умумий қийматидан кўп марта ортиқ-рекордир.

Шу билан бир қаторда кўринишда мустаҳкам ва смирилмас, салобатли ва хайбатли бўлган тоглар жуда ўзгарувчан, нафис, мўрт ва антропоген таъсирга чидамсиздир. Шу сабабдан тогларда табиий оғатлар (эрозия, кўчки, ўпирлиш, сел ва бошқалар) тез-тез содир бўлмоқда, бузилган, емирилган, ифлосланган ландшафтлар майдони кўпаймоқда, оқибатда табиий ва генетик хилма-хиллик камаймоқда, одамнинг яшаш муҳити эса тобора қисқариб бормоқда. Тог муҳитини, унинг ресурсларни табиий такрор ишлаб чиқариш хоссаларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш, тог зонасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари ва уни бозор талабига мослаштириш зарурути шошилинч чора тадбирлар комплексини амалга ошириши тақозо этади.

Тог ресурсларини ўзлаштириш экологик мўрт ва тез ўзгарувчан геотизимлар учун хавф-хатар манбаидир. Шу сабабдан Узбекистоннинг барқарор ривожланишининг ҳал қилувчи макрорегиони ҳисобланган тогларни республиканинг ҳалқаро тан олинган миллий парк («ҳаёт учун парклар») концепциясига асосланган турли шаклдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларининг боғланмаси (комплекси) статуси берилган зонасига айлантириш

лозим. Тоғларни мамлакатнинг алоҳида муҳофаза қилинадиган худудига айлантириш унинг «тоғлилиги» хусусиятларини, ресурсларни ўзлаштириш ва хўжалик юритишнинг йўл қўйиладиган турлари ва устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда тоғ ҳудудлари жуда қатъий ва аниқ функционал зоналарга ажратилади. Тоғлардан функционал фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни қуидаги зоналари ажратилиши керак: 1) алоҳида муҳофаза қилинадиган зона (қўриқхона, заказник, миллий табиий парклар, ноёб табиат обьектлари ва бошқалар); 2) ишлаб чиқариш зонаси (тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, инфраструктура, рекултивация ва бошқалар); 3) рекреация; 4) аҳоли яшаш манзиллари (шаҳар ва қишлоқлар); 5) сув муҳофазаси зонаси ва бошқалар. Ҳар бир зонада табиатдан фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг турли йўналишлари, назорат ва рафтлантириш, чеклаш чора-тадбирлари амалга оширилади. Тоғларни Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларига айлантириш мамлакат учун, тоғли аҳоли, тоғ муҳити учун максимал фойда берадиган йўналишда тоғлардан фойдаланишга ва уларни экологик экспертиза назоратига олишга имкон беради.

Чўл (саҳро), антропоген текислик, тоғ геотизимлардан фойдаланишни экологик экспертиза назоратига олиш мамлакатнинг хилма-хил табиий ресурс потенциалидан «ихтисослашган» йўналишида фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишнинг самарали йўналиши қаторига киради.

3.6. Ўзбекистонда халқаро экологик экспертиза тажрибалари ютуқларидан фойдаланиш

Ўзбекистонда экологик экспертиза амалиёти эндиликда шаклланаётган ва ривожланиб бораётган ҳозирги шароитида чет эл тажрибаларини ўрганиш ва улардан мавжуд муаммолар ечимини тошида фойдаланиш муҳим илмий ва амалий аҳамияга эга. Мажбурий экологик экспертиза процедурасини ўтказиш амалда дунёнинг деярли барча ривожланган мамлакатларида қабул қилинган. Улар ташкилий-хукукий, маъмурий принциплари, баҳолаш методологияси бўйича турли мамлакатларда бир-биридан фарқ қиласиди. Шу билан бир қаторда улар учун умумий бўлган хусусият ҳам бор бўлиб, улар қаторида экологик экспертизанинг, экологик хавфсизлик ва экологик фарновонликка эришиш мақсадларини амалга оширишга йўналтирилиши ҳисобланади.

Дунёда экологик экспертиза тартиби (институти) XX асрнинг 70-80 йилларида фаол шакллана бошлаган. Янги лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишнинг зарурлиги қонунчилик даражасида дунёда биринчи бўлиб АҚШ да амалга оширил-

ди. 1969 йилда АҚШ да экологик экспертиза түгрисидаги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун экологик экспертизада мұқобиғдік (ал्�тьернатива) талабини мажбурый қилиб қўйди. Бунда лойиҳани рӯёбга чиқаришнинг эҳтимол тутилаётган экологик оқибатларини таҳдил қилиш билан бир қаторда унга қандай мұқобиғдік борлигини кўрсатиш ҳам талаб қилинди.

АҚШ экологик экспертизаси мавжуд ишлаб чиқылган ва ривожланган қонунлар ва норматив актлар тизимидан иборат бўлган федерал ва маҳаллий дарражадаги пухта хуқуқий асосга эга. Масалан, «Атроф-муҳитга таъсир түгрисида баёнот»ни (бошқача айтганда экологик экспертизани) тайёрлаши процеурусси лойиҳани амалга оширишининг экологик, ижтимоий, эстетик, маданий-тарихий оқибатларини қамраб олади. Лойиҳанинг бир нечта рақотлашувчи вариантлари тақдим этилиб, улар таҳдил қилинади ва таққосланади, шунга асосланаб экологик хулоса чиқарилади.

АҚШда лойиҳаларни экологик экспертизаси атроф-муҳитта салбий таъсирни бартараф қилиш мақсадида ўтказилади ва ҳокимият органларининг етарли дарражада кўп капитал қўйилмаларни жалб қиласидиган хўжалик қарорларига тааллуқли бўлади. Атроф-муҳитта таъсирни баҳолаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳалаштирилаётган обьектнинг батафсил таърифи;
- унинг кўриб чиқилаёттан региондаги ердан фойдаланиши ва ифлюсланишини назорат қилиш режаларига мос келиши;
- атроф-муҳитта таъсир таҳдили;
- олдини олиш мумкин бўлмаган салбий таъсирнинг баёни (таърифи);
- қайтариб бўлмайдиган оқибатларнинг таҳдили; улар билан боғлиқ бўлган узоқ ва қисқа муддатли оқибатларни тадқиқ этиш;
- лойиҳани рӯёбга чиқаришнинг мұқобил (ал्�тьернатив) вариантлари;
- кўриб чиқилаётган лойиҳага бошқаларига нисбатан афзаллик берадиган қўшимча давлат мулоҳазаларининг баёни.

АҚШ да экологик экспертизани кўпинча федерал идоралар амалга оширади ва уни ўтказишининг якуний вазифаси «Атроф-муҳитта таъсир түгрисида баёнот»ни тузиш бўлиб, шу асосда лойиҳани рӯёбга чиқаришнинг экологик хавфсизлиги ва мақсадга мувофиқлиги түгрисида хулоса чиқарилади.

АҚШ федерал органлари томонидан ўтказиладиган экологик экспертиза кўп холларда федерал аҳамиятта эга бўлган саноат обьектларини куришга, федерал бюджетдан молиялаштирилган (сармояланадиган) тўғонлар, йўллар ва бошқа инфраструктура обьектларни куришга тааллуқли бўлади. Ҳозирги вақтда экологик экспертизани қўллаши соҳасига хусусий лойиҳалар ҳам киритилади. Хусусий лойиҳалар, қоида тариқасида, маҳсус давлат қарори ёки лицензияси

олингандан кейин амалга оширила бошланади. Бу эса лойиҳанинг экологик экспертизасини ва унинг экологик-иктисодий асосланишини талаб қиласди.

Европа Ҳамкорлиги (ЕХ) мамлакатларида ҳам етарли даражада экологик экспертиза ўтказиш тажрибаси түпланган ва шу асосда экологик устуворликни амалга оширишнинг самарали йўлларини топишга ҳаракат кучайиб бораётир. Бу мамлакатлар экологик йўналтирилган иктиносидёт янада рақобатбардош бўлишини аллақачон тушуниб олганлар. Улар экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиб олишга, чиқитсиз технология, энергияни кам сарфловчи жиҳозлар ва машиналарга эга бўлишга астойдил киришиб, шу соҳада катта муваффақиятларга эришдилар.

Европа мамлакатлари иктиносидётни экологик қайта қуришнинг узоқ ва қийин кечишини, дастлаб харажат, заарар ва йўқотишлар билан боғлиқлигини, сўнгра унинг якуний натижалари катта иктиносидёт самара беришини тўғри ҳисобга олиб, бу соҳада сезизларли ютуқларни кўлга киритдилар. Бунинг сабаби шуки, экологик стандартларга амал қилиб ишлаб чиқарилган маҳсулотта талаб тез ошиб бораётир ва шунга боғлиқ ҳолда даромадлар ҳам тез кўпаймоқда. Шу сабабдан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш аллақачон иктиносидётнинг мустақил тармолига айланган. Корхоналар, корпорациялар, маҳаллий ҳокимият органлари, хусусий ер эгаларига хизмат кўрсатадиган жуда кўп сонли кичик маслаҳат ва юридик фирмалар мавжуд. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида ва табиатни муҳофазалаш қонунчилиги бўйича иҳтинослашган ушбу корхоналар, хусусий институтлар ва университетларнинг олимлари шунингдек юридик компаниялар истеъмолчиларини эксперталар билан таъминлайдилар, уларнинг ўзлари эса ушбу экспертизаларни бажарувчи пурдатчи ёки оппонент (такризчи) ва маслаҳатчи сифатида қатнашадилар. Экологик экспертизанинг ушбу хусусияти ва механизми тажрибаларидан Ўзбекистонда ҳам экологик экспертиза фаолиятида фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Европа Ҳамкорлиги унинг барча аъзолари ҳаётта жорий этиш мажбурий бўлган экологик экспертиза бўйича маҳсус директива (кўрсатма) қабул қиласди. Бу директивага кўра экологик экспертиза эҳтимол тутилаётган ўзгаришларни башорат (прогноз) қилиши керак, яъни у баҳорат (прогноз) характерига эга бўлиши лозим. Бунда табиатнинг қандайдир қисми ёки компонентида эмас, балки бутун табиат комплексида содир бўладиган ўзгаришлар ҳисобга олиниши зарур. Шунингдек экологик экспертизада жамоатчилик-нинг ҳам албатта иштирок этиши талаб қилинади.

Европа Ҳамкорлиги ташкилоти қабул қиласди тартибга мувофиқ экспертизада атроф-муҳит сифати стандартлари талабини бажариш учун қандай чора ва тадбирлар кўриш кераклиги аниқ

кўрсатилиши шарт. Европа мамлакатларининг кўпчилигига экологик экспертизанинг хусусияти шундаки, экспертизанинг аниқлиги унинг матнида (текстида) баён қилинган эксперт хуносаларига караб аниқланмайди, балки ишни муҳокама қилиш, кўриш (эшитиш) натижаларига асосланиб қабул қилинган аниқ ифодаланган қарорга асосланади. Шу асосда экологик экспертизада хўжалик ривожланишининг барча субъектлари манфаатлари ҳисобга олиниди ва бу жараёнга жамиятнинг турли институтлари жалб этилади. Бунда ушбу мамлакатнинг демократик анъаналари, ижтимоий институтлар, шаҳарини хурматлаш ва уларни реал таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Яна экспертизага хос бўлган қуидаги ибратли хусусиятга ҳам эътибор бериш керак: экспертиза мутахассис бўлмаганларга ҳам аниқ-равшан ва тушунарли ифодаланган тавсия қисмига эга бўлиши керак. Булар Узбекистондаги экологик муносабатларни ташкил этиши учун ҳам ибратлидир.

Россия Федерацияси экология экспертизаси қонунчилигига жамият ва табиат ўргасидаги ўзаро алоқалар учта катта гуруҳ муносабатларга бўлинади: табиатдан фойдаланиш, атроф-мухит муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш. Россия экологик экспертиза қонунчилиги ва амалиёти дунё стандартларига мос келади.

Халқаро экологик экспертиза тажрибалари таҳлили шуни кўрсатадики, экспертиза хуносаларини ҳаётга тадбиқ этишининг аниқ ва ишлайдиган механизми ишлаб чиқилмаса, буткул экспертиза жараёни ўз аҳамиятини йўқотади. Экспертизанинг хуносалари ҳаётга татбиқ этилгандагина уни тұла қымматга эга бўлган фойдали жараён ва тадбир деб ҳисоблаш мумкин. Шу сабабдан АҚШ, Европа мамлакатлари, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ибратли тажрибаларидан тўғри фойдаланиш Узбекистонда экологик экспертиза самарасини оширишга хизмат қиласи. Мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларидан ҳисобланган чет эл инвестицияларини жалб этишида экологик экспертизанинг экологик ифлос технология кириб келишининг олдини олишдаги роли ошаётир. Ривожланган мамлакатларда қаттиқ экологик чеклашлар борлиги сабабли ифлос технологияни ривожланаётган мамлакатларга олиб бориш тенденцияси кузатилаётир. Қолоқ технология мамлакатга кириб келишининг олдини олишда лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишнинг аҳамияти янада ошади.

Қисқача хulosалар

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда экологик тадбирлар тизимини амалга оширишга катта аҳамият берилиб, бу тизим мамлакат халқ ҳўжалигини ислоҳ қилишининг таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни амалга оширишнинг кўн босқичли тузилмалари барпо этилган, унинг ҳуқуқий асоси яратилган, бу соҳада давлат дастури ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда, миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган ва бошқалар.

Ўзбекистонда кўплаб экологик муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп даражада ўтмиш тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган асоратлар билан боғлиқдир.

Республикада атроф-муҳитнинг экологик талаблари тўла жавоб берадиган худудлари мамлакат умумий майдонининг 27%ни ташкил этади. Табиат компонентларининг барчасида экологик ҳолат сезиларли ўзгаришга учраган. Кўплаб чиқиндиilar тўпланиб қолган. Булар экологик экспертиза муносабатларида эксперт назоратини кучайтиришни тақозо этади.

Атмосфера ҳавоси, сув, ер, биологик ресурслар, ер ости бойликлари, чиқиндиilar бўйича тўпланиб қолган экологик муаммолар уларнинг ечимини топишда экологик экспертизанинг аҳамиятини оширади ва бу йўналишда прогрессив тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди.

Ўзбекистон вилоятлари ва туманлардаги экологик вазият ҳудудий жиҳатдан катта фарқ қиласди. Булар экологик вазиятни баҳолаш ҳамда экологик районлаштириш мезонларини ишлаб чиқиб, илмий асосланган экологик районлаштиришни амалга оширишни тақозо этади.

Экологик районлаштириш мақсадларида экологик ҳолатни баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган. 18 та экологик индикатор орқали республика туманлари ва вилоятларидаги экологик вазият баҳоланган. Уларга асосланиб қўйидаги туманлар гурухи ажратилган: 1) қониқарли (йўл қўйиладиган) экологик ҳолатдаги туманлар; 2) кескин экологик ҳолатдаги туманлар; 3) фавқ-уладдаги экологик ҳолатдаги туманлар. Ушбу мезонларга асосланиб ўртacha баллар ҳисобланади ва экологик вазият баҳоланади. Ўртacha балл баҳоларига кўра районлар хавфли ва ўта хавфли экологик вазият районлари категорияларига бўлинган.

Экологик вазиятнинг вилоятлардаги ва иқтисодий районлардаги фарқлари бўйича ҳисобланган балл кўрсаткичларига кўра уларнинг қўйидаги типлари аниқланган. 1) фавқулодда

кескин; 2) жуда кескин; 3) ўртача кескин; 4) унча кескин бўлмаган; 5) кескин бўлмаган. Уларни экологик экспертизада ҳисобга олиш йўналишлари кўрсатилган.

Орол дengизининг куриши салбий антропоген таъсирининг экологик ҳолатга ва ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келишининг ёрқин мисоли ҳисобланади. Орол ҳалокати миқёслири, сабаб ва оқибатлари таҳлили инқироздан чиқиш йўлларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистонда төг ва текислик геотизимларидаги фойдаланишни ҳар томонлама ҳисобга олиш экологик экспертиза учун фоят муҳимдир. Чўл, антропоген текислик, тоғ геотизимлари ўзига хос хусусиятларга эга. Тоғлар мамлакат барқарор ривожланишининг асосий макрорегиони ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳалқаро экологик экспертиза тажрибаларидан, айниқса Европа мамлакатлари АҚШда амалга оширилаётган тадбирлардан фойдаланиш экологик экспертиза амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазиятни экологик экспертиза нуқтаи назаридан қандай баҳолаш мумкин? Экологик вазиятни яхшилаш мақсадларида қандай тадбирлар амалга оширилаётir?
2. Табиат компонентларининг экологик ҳолатини таърифланг. Атмосфера ҳавоси, сув, ер, биологик ресурслар, ер ости бойликлари, чиқиндилар (ресурс-чиқинди-ресурс цикли) экологик ҳолати хусусиятларини билиб олинг.
3. Ўзбекистон вилоятлари ва туманларида экологик вазиятнинг аҳволи ва ҳудудий фарқларининг сабаблари, оқибатлари, уларни яхшилаш йўналишларини тушунтиринг.
4. Экологик вазият ҳолатига кўра туманлар қандай гурӯҳларга бўлинади? Қоникарли, кескин, фавқулодда, ҳалокатли экологик вазиятдаги туманларнинг фарқини тушунтиринг.
5. Орол дengизининг қуриши сабаблари, оқибатлари ва ундан келиб чиқадиган экологик экспертиза сабоқларини таърифланг.
6. Орол инқирозидан чиқишининг қандай йўлларини белгилаш мумкин?
7. Тоғ ва текислик геотизимларидан фойдаланишининг қандай экологик экспертизаси қандай хусусиятларга эга?
8. Ўзбекистонда халқаро экологик экспертиза тажрибалари ютуқларидан фойдаланиш йўналишларини аниқланг.
9. АҚШ, Европа мамлакатлари, Россияда экологик экспертиза ўтказиш хусусиятлари, уларга қўйиладиган талабларни таърифлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. – Т., 2002.
3. «Экологик экспертиза тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000й.
4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. – Т., 1998.
5. Биологик хилма-хилликни саклаш. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси. – Т., 1998.
6. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 1998.
7. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
8. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестке дня на 21 век. – Т., 2002.
9. Природоохранные нормы и правила проектирования: Справочник. – М., 1990.
10. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. – Т., 1997.
11. Реймерс Н.Ф. Экология: теория, законы, правила, принципы и гипотеза. – М., 1994.
12. Справочник эколога-эксперта. – Т., 1997.
13. Тихов В.В., Лисочкин Т.В., Некраев Т.П. Экономические основы экологии. Учебник. – СПБ., 1995.
14. Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи. – Т., 2001.
15. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т., 1997.

IV боб

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

4.1. Экологик экспертизанинг принциплари түғрисида тушунча

Принцип сўзи лотинча «princípium» сўзидан олинган бўлиб «бошлиш», «асос» маъносини билдиради. Экологик экспертиза принциплари унинг асосий илмий қоидалари бўлиб, улар экологик экспертиза фаолияти учун раҳбарий илмий ва амалий қўрсатма ва қўлланма аҳамиятига эгадир. Принципларни экологик экспертиза методлари сифатида ҳам тушуниш мумкин. Экологик экспертиза принциплари экологик экспертиза фаолияти тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, улардан фойдаланиш асосида шаклланади ва ривожланиб боради. Принциплар табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирини оптимальлаштириш эҳтиёжларига максимал даражада мос келиши керак.

Шу сабабдан экологик экспертиза принципларига қуйидаги хусусиятлар хосdir: 1) объектив ўзаро боғланган. Экологик экспертиза принциплари табиатта, тарих ва жамиятта, мамлакатга мос келгандагина уларни ҳисоблаш мумкин; 2) тарихан шартланганлик. Давлат сиёсати ва давлат тузуми ўзгариши билан экологик экспертиза принциплари ҳам ўзгаради. Ўзбекистон мустақилликка еришиши муносабати билан шундай ўзгаришлар содир бўлди; 3) тизимлилик. Экологик экспертизанинг барча принципларини ўзаро боғлиқ классификациялаш мумкин (умумий, илмий, хусусий (компонентлар бўйича), юридик ва бошқалар).

Ҳозирги замон экологик экспертизаси принципларининг қуидаги учта йўналишини ажратиш мумкин:

- 1) умумий принциплар;
- 2) конкрет илмий принциплар;
- 3) юридик (хуқуқий) принциплар.

Экологик экспертизанинг умумий принциплари экология (шу жумладан экология иқтисодиёти) ва табиатдан фойдаланиши иқтисодиёти фанларининг аниқланган ва экологик экспертиза учун муҳим аҳамиятга эга бўлган принципларига асосланаб ифодаланган принципларидан иборатdir. Экологик экспертиза фанининг экспертиза фаолияти ва тажрибаларини маҳсус йўналишида тадқиқ этиш асосида аниқлаган принциплари конкрет илмий принциплар қаторига киради. Экологик қонунчилик хужжатларида мустаҳкамланган ва экологик экспертиза амалиётида бажарилиши мажбурий бўлган юридик кучга эга бўлган принциплар юридик (хуқуқий) принциплар ҳисобланади. Уларни экологик экспертиза амалиёти принциплари деб аташ мумкин.

Ушбу принциплар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирларини тўлдиради ва амалиётда жамият ва табиат ўртасидаги алоқаларга боғлиқ қонунларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қиласди.

4.2. Экологик экспертизанинг умумий принциплари

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқалар ҳам табиат, ҳам жамият қонунларига бўйсумади. Бундай ўзаро алоқаларнинг биринчи ва энг зарурий шарти табиат ва жамиятнинг бирлиги бўлиб, у табиат қонунлари билан белгиланади. Табиат жамият ривожланишининг табиий асосини ташкил этади. Йисон ҳёти ва фаолиятини табиатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабдан одам бир вақтнинг ўзида ҳам табиатнинг, ҳам жамиятнинг ажрајмас қисми бўлган биоижтимоий мавжудотdir.

Табиат ва жамият ўртасидаги алоқалар мувозанатини бузмаслик учун, жамият ва одамлар улар ўртасидаги боғлиқлик ва бирликни ҳар томонлама ҳисобга олиш ва ушбу алоқаларда ва табиатдан фойдаланишида табиат ривожланишининг объектив қонунларига асосланиши керак. Бошқача айтганда, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқаларда табиатнинг биринчилиги принципи асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабдан табиат қонунларига амал қилмаслик жамият ривожланишининг табиий асосларининг емирилишига, демак, жамиятнинг ҳам емирилишига олиб келади.

Табиатнинг ўз-ўзини такрор ишлаб чиқариш ва янгилаш функциясини асосан биосфера компонентлари орасида асосий роль ўйнайдиган тирик организмлар (моддалар) бажаради. Шу сабабдан табиат билан жамият ўртасида тұхтовсиз мөдда алмашиш жараёнларини таъминлаш биогеноценозларга боғлиқдир. Барча табиий тизимларда ва улар орқали бутун биосферада зарур миқдор ва нисбатларда биологик ресурсларни доимий такрор ишлаб чиқаришга эришиш табиат билан жамият ўртасида мөдда алмашиш жараёнларининг зарур шартидир. Бу талабни ҳозирги индустрiali ривожланиш шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришиң кенг миқёсда экологиялаштириш, табиат муҳофазаси технологияси ва техникасини кенг жорий этиши орқали бажариш мумкин.

Экологик экспертиза фаолияти учун бевосита ва билвосита аҳамиятга эга бўлган умумий принципларга қўйидагилар киради:

1. Табиатнинг бирламчилиги принципи. Табиат ва жамият ўртасидаги алоқалар, жамиятнинг табиатга таъсири табиат қонунларига мос келиши ва унга асосланиб амалга оширилиши керак.

2. Табиийлик принципи. Табиат биздан яхши билади ёнда шувига, табиийликнинг устуворлигига асосланади.

3. Сохта муваффаққият принципи. Табиатдан фойдаланишида дастлабки муваффаққиятлар (ёки муваффаққиятсизлик) қиска муддатли бўлиши мумкин. Табиатни қайта ўзgartирishi ёки уни бошқариш тадбирларининг муваффаққиятини бир ёки бир неча ўн йиллик даврда (10-30 йилда) табиат цикллари бўйича табиатнинг занжирли реакциясининг кечиши жараёнлари ва натижалари

аниқлангандан кейингина билиш ва аниқлаш, баҳолаш мумкин. Фақат вақт бўйича чуқур экологик башорат хўжалик тадбирларининг хақиқий муваффақиятини таъминлаши мумкин.

4. Табиатни қайта ўзгартириш (уни бошқариш) принципи. Бу тадбирларни амалга оширишда амал қилинадиган асосий қоидалар мажмуасидан иборат. Унда экологиянинг барча қонун, қоида ва принципларга жамият ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг глобал ва маҳаллий қонуниятлари ҳисобга олинади ва табиатни қайта ўзгартиришга тизимли бошқариш талаблари қўйилади.

5. Ишлаб чиқаришни экологиялаш принципи. У табиий ресурсларни тақрорий ишлаб чиқаришни ташкил этишни тақомиллаштириш орқали экологиялаштиришни билдиради. Унинг асосий йўналишлари: экологик тизимларни сақлаш ва тиклаш; табиий хомашёни казиб олишининг прогрессив технологиясини жорий этиш; моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш; кам чиқитли ва чиқитсиз технологиясини барпо этиш ва жорий қилиш; алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш; ишлаб чиқаришни экологик мақбул жойлаштириш ва ҳудудий ташкил этиш; атроф табиий муҳитни ифлосланшини камайтириш ва йўқотиши.

6. Табиий ресурсларнинг ижтимоий фойдалилигини ошириш принципи. Мамлакатнинг табиий ресурсларга эҳтиёжларини таъминлашда табиий ресурсларни тақрорий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга асосланшишни билдиради. Бунда куйидаги экологик мақбул йўналишлар асосий ўринни эгаллайди: тог-кон тармоқларининг ўсиш суръатлари моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан паст бўлиши; ишлаб берувчи саноат тармоқлари хомашёдан рационал фойдаланишга асосланганлиги сабабли тог-кон саноатидан тезроқ суръатларда ривожланиши; чиқитсиз, кам чиқитли ишлаб чиқаришнинг, шунингдек табиат муҳофазаси жиҳозларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатларидан юкори бўлиши; табиатни тикловчи тармоқларнинг ривожланиш суръатлари тог-кон саноати ривожланиши суръатларидан паст бўлмаслиги; табиат муҳофазасига капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръатлари моддий ишлаб чиқаришга ўсиш суръатларидан юкори бўлиши.

7. Табиий ресурсларни кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариши принципи. У куйидагиларни ўз ичига олади: табиатни бевосита тиклаш миқёсларини кўпайтириш (ўрмончилик, рекультивация ва бошқалар); табиий хомашёни комплекс қайта ишлашни ҳар томонлама ривожлантириш; табиатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.

4.3. Экологик экспертизанинг илмий принциплари

Экологик экспертиза фаолияти ва амалиётининг турли соҳа ва йўналишларини илмий тадқиқ этишининг асосий натижалари си-

фатида тавсия қилингандык ва ҳар томонлама илмий асосланган экологик экспертиза принциплари конкреттүр илмий принциплари қатерига киради. Бундай принциплар қаторига қуидагилар киради:

- ҳар қандай ривожлантирилаётган хұжалик ва бошқа фаолиятнинг әхтимол тутилаётган экологик хавфлилик презумцияси;
- экологик экспертиза хulosаларининг илмий асосланисиши, объективилеги ва қонунийлиги;
- экологик экспертиза объектлари рүёбга чиқарыш түгрисидеги қарор қабул қилинишига қадар давлат экологик экспертизанинг мажбурийлиги;
- хұжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф табиий мұхитта тасьирини ва унинг оқибатларини баҳолашнинг комплекслигі;
- экологик экспертизаның үтказища экологик хавфсизлик талабларини хисобға олишнинг мажбурийлиги;
- экологик экспертизанинг әхтимол тутилаётган үзгаришларни бащорат қилишининг зарурлости;
- экологик экспертизага тақдим этилаётган ахборотнинг ишончлигі ва тұлқынлигі;
- экологик экспертиза экспертларининг экологик экспертиза соҳасында ғұз ваколатларини амалға оширишдеги мустақиллігі;
- ошкоралык, жамоат ташкілотлари (уюшмалар) иштироки, жамоатчилик фикрини хисобға олиш;
- экологик экспертиза қатнашчилари ва манфаатдор шахларнинг экологик экспертизаны ташкил этиши, үтказиш, сифати учун жағобгарлары.

Ҳар қандай режалаштирилаётган хұжалик ва бошқа фаолиятнинг әхтимол тутилаётган экологик хавфлилик презумцияси принципи, ушбу ҳолатнинг акси тасдиқланмагунча, уни юридик түрги деб топиши билдиради.

Экологик экспертиза хulosаларининг илмий асосланисиши, объективилеги ва қонунийлиги принципи экологик экспертизанинг хulosалари асосланғанда илмий далиллар билан исботланған бұлишини, атроф табиий мұхитни мұхофаза қилиш принципларында асосланышини, әнд аввало, инсоннинг ҳаёти ва саломатлигі, одамнинг соғлом ва яшаш учун қулай атроф-мұхитта әга бұлиши хукуқтарининг устуворлыгини таъминладырып экологик ва иқтисодий манфаатдорлининг илмий асосланған боғланмаларини таъминлаш принципларында асосланышини билдиради. Экологик экспертиза хulosалары қаттың қонунчилек талабларында таянади ва хulosаларининг объективтів бұлишини таъминлады.

Экологик объектларини рүёбга чиқарыш түгрисидеги қарор қабул қилинишига қадар давлат экологик экспертизанинг мажбурийлиги принципи иккі хил ахамиятта әга: бириңидан, атроф-мұхитта ёки инсон саломатлигига салбый таъсир күрсатиши мүмкін бўлган лойиҳалар, дастурлар, қурилмалар, қурилмаларини мажбу-

рий-экспертизадан ўтказиш. Бунда юқори ташкилотлар фақат давлат экологик экологик экспертизанинг ижобий хуосасидан кейин кейин уларни рүёбга чиқаришга рухсат бериси мумкин. Иккинчидан, экспертиза хуосасида кўрсатилган хуосаларни бажаришнинг мажбурийлигини билдиради.

Хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф табиий муҳитга таъсири ва унинг оқибатларини баҳолашнинг комплекслиги принципи табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, дастлабки табиий хомашёни чукур қайта ишлашни, чиқитсиз ва кам чиқитли ишлаб чиқаришга асосланишни ва шу асосда табиат муҳофазасини таъминлашни билдиради.

Экологик экспертизани ўтказишда экологик хавфсизлик таълабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги принципи табиатдан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлашга, табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришнинг энг яхши варианtlарини танлашга, экологик хавфсизликни таъминлаган ҳолда хўжалик вазифаларини оптимал ечимини топишга йўналтирилган.

Экологик экспертизанинг эҳтимол тутилаётган ўзгаришларни башорат (прогноз) қилишнинг зарурлиги принципи объексларни рүёбга чиқаришнинг табиат комплекси ва унинг қисмларида яқин ва узоқ муддатлардаги экологик оқибатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга қаратилган.

Экологик экспертизага тақдим этилаётган ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлақонлиги принципи экспертизанинг асосли, тўлақонли бўлишини таъминлаш, табиат қонунлари, табиат муҳофазаси қонунчилиги таълбларини комплекс ҳисобга олишни ахборотлар тизими орқали таъминлашни билдиради.

Экологик экспертиза эксперталарининг экологик экспертиза соҳасида ўз ваколатларини амалга оширишдаги мустақиллиги принципи экологик экспергиза комиссияларининг ўз фаолияти натижалари бўйича мустақил ва эркин хуоса чиқаришларига имкон берилшиларига қаратилган. Экспертлар фақат фактларга, уларни илмий асослаш принципларига ва амалдаги қонунларга амал қилиши керак. Экологик экспертиза айрим муассасаса ёки одамлар гурӯҳининг манбаатларини эмас, балки атроф муҳитни муҳофаза қилиш принципларини химоя қилимоги лозим.

Ошкоралик, жамоат ташкилотлари (уюшмалари) иштироқи, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш принципига биноан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш органлари кенг ҳалқ оммасини хавфли объекtnинг мавжудлиги, улар бўйича экологик экспертиза тайинланганлиги тўғрисида ошкоралик, очиқлик руҳида ҳаммага маълум қилишлари, билдиришлари, эшиттиришлари керак. Бу органлар шунингдек аҳолини экологик вазият тўғрисида ўз вақтида кенг ахборот орқали жабардор қилишлари шарт. Шунингдек экологик ахборотнинг ошкоралиги жамоатчиликни экологик экспертизани

ўтказишга жалб этиш билан узвий боғлиқдир. Бундай иштирок этишининг шакллари ҳар хил бўлиши мумкий: зарарли объекtnинг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича фуқоралар ва жамоат ўюшмаларининг таълифларини кўриб чиқиши; жамоатчилликни (ахолини) экологик экспертиза якунлари билан таништириш; референдумлар ўтказиши.

Экологик экспертиза қатнашчилари ва манбаатдор шахсларининг экологик экспертизани ташкил этиш, ўтказиш, сифати учун жавобгарлиги принципи уларнинг масъулият кўрсатишларини таъминлашга қаратилган.

Экологик экспертизанинг илмий тадқиқотларда асослаб берилган принциплари тавсиявий характерга эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги муҳокама ва синовлардан кейин қонун хужжатларида ўз аксини топади.

4.4. Экологик экспертизанинг юридик (хуқуқий) принциплари

Бу йўналишдаги экологик экспертиза принциплари экологик экспертиза тўғрисидаги қонун хужжатларида мустаҳкамланган, шу сабабдан улар олий юридик кучга эга. Унинг талабларини бузганликда айбордор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Экологик экспертизанинг Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида” қонунда (2000 йил) белгилangan асосий принциплари (5-модда) қуидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- холислик;
- асослик;
- экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;
- ҳар қандай режалашибораётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган презумцияси;
- хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий мухит ва фуқаролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслиги;

Кўрсатилган асосий юридик принциплар экологик экспертизанинг ўзига хос “микросхема”си бўлиб, уларни абадий ўрнатилган ўзгармас деб ҳисеоблаб бўлмайди. Тарихий шароит ва мамлакатда сиёсий вазифаларнинг замон талабларига мувофиқ ўзгариши, ҳалқаро тажрибалардан фойдаланиш зарурати кўрсатилган принциплар мажмуасининг ўзгаришига олиб келиши ва улар янги принциплар билан тўлдирилиши мумкин.

Қисқача хulosалар

Экологик экспертиза принциплари унинг асосий илмий қоидалари бўлиб, улар экологик экспертиза фаолияти учун раҳбарий илмий ва амалий кўрсатма, қўлланма аҳамиятига эга.

Экологик экспертиза принциплари умумилмий, конкрет илмий, юридик йўналишларга бўлинади. Улар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирларини тўлдиради. •

Экологик экспертизанинг умумий принциплари қаторига табиатнинг бирламчилиги, табиийлик, сохта мувваффакият, табиатни қайта ўзгартириш, ишлаб чиқариши экологиялаштириш, табиий ресурсларнинг ижтимоий фойдалилигини ошириш, табиий ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш киради.

Экологик экспертиза фаолияти ва амалиётининг турли соҳа ва йўналишларини илмий тадқиқ этишнинг асосий натижалари сифатида тавсия қилинган ва ҳар томонлама илмий асосланган принциплар конкрет илмий принциплар қаторига киради. Улар экологик хавфлилилк презумцияси, хulosаларнинг илмий асослашиши, экологик экспертизанинг мажбурийлиги, оқибатларни баҳолашнинг комплекслиги ва бошқаларни ўз ичига олади.

Экологик экспертизанинг илмий тадқиқотларда асослаб берилган принциплари тавсиявий характерга эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги муҳокама ва синовлардан кейин қонун хужжатларида ўз аксини топади.

Юридик принциплар экологик экспертиза тўғрисидаги қонун хужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, улар юридик кучга эга. Унинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

“Экологик экспертиза тўғрисида” (2002 йил) қонунида куйидаги асосий принциплар белгиланган: қонунийлик; холислилк; асослилик; экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишининг мажбурийлиги; ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошка хил фаолиятнинг атроф табиий мухитга ва фуқаролар соғлигига таъсирини баҳолашнинг комплекслиги.

Назорат ъа муҳокама учун саволлар

1. “Принцип” сўзи нимани билдиради ва экологик экспертизада қандай маънога эга?
2. Экологик экспертизанинг принциплари қандай хусусиятларга эга? Объектив ўзаро боғланганлик, тарихан шартланганлилик, тизимлилик нима?
3. Экологик экспертиза принципларининг қандай асосий йўналишларини биласиз? Улар бир-бирадан қандай фарқ қиласиди?
4. Экологик экспертизанинг қандай умумий принциплари бор? Уларнинг хусусиятини ва фарқини билиб олинг ва аҳамиятини тушунтиринг.
5. Экологик экспертизанинг илмий принциплари нима?
6. Экологик экспертизанинг қандай илмий принциплари бор? Уларнинг хусусиятлари ва аҳамиятини тушунтиринг.
7. Экологик экспертизанинг юридик принциплари нима? Улар умумий ва илмий принциплардан қандай фарқ қиласиди?
8. Ўзбекистон Республикаси хукуқий экологик экспертизаси принципларини такомиллаштириш йўналишларини тушунтиринг.
9. Экологик экспертиза принциплари турли йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
2. “Экологик экспертиза тўғрисида”. Ўзбекистон республикаси қонуни (2002й). Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
3. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш миллий харакат рејаси. –Т., 1998.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию Повестка дня на 21 век. –Т., 2002.
5. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
6. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. М. 1990.
7. Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

5.1. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари тұғрисида түшүнчә

Экологик экспертизанинг бошқарув тармоги ва фаолият сифатидаги мазмуні ва мохиятіни экологик ҳуқуқий тартибга солувчи экологик ҳуқуқий нормалар, институтлар белгилайди. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий нормалари фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясыга асосланған қонунлар билан белгиланади. Бу баравар даражада экологик экспертиза буйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойиiplари (бумрұқлари), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (хукуматининг) қарор ва фармойишларига ҳам тааллуклады. Шундай қилиб, экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари экологик ҳуқуқий нормаларни үз ичига олган норматив-ҳуқуқий актлар (расмий ҳужжат) ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий актлар тегишли ваколатлы органлар томонидан чиқарылады. Ҳужжатлардан иборат бұлади.

Ҳуқуқий (юридик) кучига күра экологик экспертизанинг барча ҳуқуқий талабларини қонунлар ва қонунга асосланған актларға бұлиш мүмкін. Қонунлар қонун чиқарувчи орган – Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинады. Қонунга асосланған актларға шундай актларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, республика субъектларининг ваколатди ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий характердаги ҳужжатлар киради.

5.2. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асосларининг тизимлари

Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза бўйича экологик норматив-ҳуқуқий актлари тизими мохиятига күра қонунлар мажмуи тизими бўлиб, улар республикада амалга оширилаётган атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида қабул қилинган ва тайёрланаётган қонунларга боғлиқ ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча қонунлар каби экологик экспертиза соҳасида ҳуқуқий нормаларнинг

асосий бош манбайдир. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1992й) экологик экспертизанинг мақсади, обьектларини белгилаб берган. (IV қисм, 24-27 моддалар). Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида” (2000 йил) қонунида экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари тўла баён қилинган. Бундан ташқари экологик экспертиза учун катта аҳамиятга эга бўлган табиат компонентларини муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар қабул қилинди. Булар қаторига атмосфера; ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонат олами, алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари киради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда экологик экспертиза бўйича қатор қонунларга асосланган актлар қабул қилинди. 1996 йилда “Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуришнинг лойиха-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиши, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” ишга туширилди. Унда лойиҳани тайёрлашга қўйиладиган талаблар белгиланди. Ушбу талабларга мувофиқ лойиҳага “Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тўғрисида баёнот” (ишчи лойиҳаеи таркибида) тақдим этилиши керак.

1997 йилда “Давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш таркиби тўғрисида”ги раҳбар ҳужжат ишлаб чиқишиб, тасдиқланди. Бу ҳужжатда давлат экологик экспертизасининг принципи ва процедуralари, экспертизага тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган умумий талаблар, давлат экологик экспертизаси хуносаси тузилмаси ва мазумнга қўйиладиган талаблар, обьектларни кўриб чиқишида давлат экологик экспертизаси органларининг ўзаро bogланиши (алоқаси) тартиби, экологик экспертизани ўтказишида томонларнинг вазифалари ва жавобгарлиги белгиланган.

1997 йилда “Давлат экологик экспертизаси сифатини баҳолаш мезонларининг рўйхати” ишлаб чиқишиб тасдиқланди.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом”ни тасдиқлади. Бу ҳужжат “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш мақсадларида қабул қилинган. Ушбу низом республикада давлат экологик экспертизасини ўтказиши билан bogлиқ бўлган масалаларни тартибга солади. Унда экспертиза билан шуғулланадиган орган (Давлат Экологик экспертизаси Бош бошқармаси ва унинг вилоятлар, Тошкент шахри, Қорақолпогистон Республикасидаги органлари), давлат экологик экспертизасининг обьектлари, экологик экспертиза буюртмачиси, давлат экологик экспертиза экспертигининг ҳуқуқлари ва

мажбуриятлари, давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларнинг рўйхати, экспертизани ўтказиш муддатлари белгиланган. Ҳужжатда давлат экологик экспертизаси хulosасини тузиш ва унинг объекти рўёбга чиқариш (ижобий хulosса) ёки рўёбга чиқармаслик (салбий хulosса) тўғрисидаги хulosаларига қўйиладиган талаблар кўрсатилган. Низомда экологик экспертиза объектларини тўртта категорияга бўлиш (юқори хавф-хатар, ўрта даоажадаги хавф-хатар, паст даражадаги хавф-хатар, маҳаллий (локал) таъсир кўрсатадиган) белгиланган.

Шундай қилиб экологик экспертизанинг ҳукуқий асослари мураккаб тизимга ва хилма-хил шаклларга эга.

5.3. Экологик экспертиза муносабатлари қатнашчиларининг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

Экологик экспертизанинг субъектлари буюртмачи (ваколатга эга давлат тузилмаси), пурратчи (экспертиза ижрочилари-мутахассислар), истеъмолчи (экспертиза объекти-корхона ёки ташкилотнинг эгаси) ўртасидаги муносабатлар “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб берилган. Уларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган.⁵

Буюртмачи-давлат экологик экспертизаси соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади. У қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ давлат экологик экспертизаси ни ташкил этади ва ўтказади; давлат ҳамда жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлади; давлат экологик экспертизасини ўтказишга эксперт ва мутахассисларни жалб этади; давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosасини ололмаган объектларга нисбатан молиялаш, кредитлаш ва бошқа молияш ва бошқа молия тўхтатиб туриш (тутатиш) тўғрисидаги тақдимномаларни банк ва бошқа кредит ташкилотларига юборади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади (“Экологик экспертиза тўғрисида” қонуннинг 12-моддаси).

Шу нуқтаи назардан ва қонунда белгиланган объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказишининг мажбурийлигини ҳисобга олиб, давлат экологик экспертизаси буюртмачиси (экспертлар) зарур бўлган маълумотлар ва материалларни рад этиш ва бошқа ҳукуқларга эга. Буюртмачининг (эксперт-

ларнинг) мажбуриятлари қаторига давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиш, белгиланган тартибда хulosса берилишини таъминлаш ва бошқалар киради. Буюртмачи (экспертлар) ўз вазифасини қонунда белгиланган тартибда бажармаса ва уларни бузса, қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Пудратчи экологик экспертиза топширикларини бажара-диган айрим мутахассислар ёки илмий тадқиқот институтлари маҳсус комиссиялар бўлиши мумкин. Улар қонун хужжатла-рида белгиланган ҳуқуқлар, мажбуриятлардан фойдаланиб, ўз вазифаларни бажарадилар ва қонун талабларини бузганлик ва қонунга зид ишлари учун қонун хужжатларига мувофиқ жа-вобгар бўлади.

Экологик экспертиза тизимида истеъмолчи сифатида эксперт таҳлилиниг предмети ҳисобланган корхона ёки ташкилотнинг эгалари қатнашади. Истеъмолчининг ҳуқуқлари қонун хужжатларида белгиланган бўлиб, улар экологик экспертиза ўтказиш бўйича маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш, таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришлар ва экологик аудит натижаларини тақдим этиш, қўшимча экологик экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш, экологик экспертиза ўткази-лишининг бориши тўғрисида ахборот олиш ва бошқалар кира-ди. Истеъмолчининг мажбуриятлари қаторига экологик экспертиза учун материалларни қонун хужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этиш, экспертиза учун белгиланган тартибда ҳақ тўлаш, давлат экологик экспертизаси хulosаларида курса-тилган талабларни бажариши шартлиги ва бошқалар киради.

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликада айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Ҳуқуқий ва экологик-ҳуқуқий жавобгар-лик қонунчиликда белгиланган талабларни давлат томонидан бажаришга мажбур қилишни билдиради. Экологик экспертиза соҳасида айбдорларнинг жавобгарлиги турли шаклларда амалга оширилади. Булар қаторига интизомий, маъмурий, моддий, фу-қаролик-ҳуқуқий, жиноий жавобгарлик киради.

Қисқача хуросалар

Экологик экспертизанинг хуқуқий нормалари факат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган қонунлар билан белгиланади.

Экологик экспертиза соҳасидаги хуқуқий нормаларнинг бош манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонунда экологик экспертизанинг мақсади ва объектлари белгилаб берилган. “Экологик экспертиза тўғрисида” қонунда эсса экологик экспертизанинг хуқуқий асослари тўла баён қилинган. Ушбу қонунга асосланиб, экологик экспертиза тўғрисида низом ишлаб чиқилган ва у республикада экологик экспертизани ўтказиш билан боғлик бўлган барча масалаларни тартибига солади.

Экологик экспертиза муносабатлари субъектлари ва қатнашчлари ва қатнашчуйидагилар киради: буюргоччи (ваколатта эга давлат тузилмаси), пудратчи (экспертиза ижрочилари-мутахассислар), истеъмолчи (экспертиза обьекти-корхона ва ташкилотнинг эгаси).

“Экологик экспертиза тўғрисида” қонун хужжатларида субъектлар ўртасидаги муносабатлар белгилаб берилган, уларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган.

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлика айбор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Назортт ва муҳокама учун саволлар

1. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари тушунчаси-ни таърифланг.

2. Экологик экспертиза ҳуқуқий асосларининг ҳуқуқий ку-чиға қўра фарқларини тушунтиринг. Қонунлар ва қонунга асос-ланган актлар нима?

3. Экологик экспертиза ҳуқуқий асослар тизимларининг қандай асосий хусусиятларини биласиз? Уларни тушунтиринг.

4. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган қонунлар ва қонунларга асосланган актларни таъ-рифлаб беринг.

5. Экологик экспертиза муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги хусусиятларини ту-шунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Атроф табиий мухитни мухофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. Т. 2002.

2. “Экологик экспертиза тўғрисида” Ўзбекистон Респуб-ликаси қонуни (2000й). Атроф табиий мухитни мухофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. Т. 2002.

3. Атроф-мухитни мухофаза қилиш миллий ҳаракат ре-жаси. Т. 1998.

4. Национальный доклад. О состоянии окружающей при-родной среды и использовании природных ресурсов в Республи-ке Узбекистан. –Т., 2002.

5. Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

VI боб

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТУРЛАРИ

6.1. Экологик экспертиза турлари түрлесінде түшненч

Экологик экспертиза фаолияти ва муносабатларыда күп турдагы экологик экспертиза шақлларидан фойдаланилади. Улар қато-рига қуидагилар киради.

1. Давлат экологик экспертизаси.
2. Жамоат экологик экспертизаси.
3. Экологик аудит.
4. Идоравий экологик экспертиза.
5. Илмий экологик экспертиза ва бошқалар.

Давлат экологик экспертизаси атроф табиий мұхит соһасыда ваколатлы орган томонидан тайинланади. Жамоат экологик экспертизаси нодавлат, нотижорат ташкылтлари уошмалари, фуқароларнинг ташаббуси билан амалға оширилади. Экологик аудит хўжалик ва бошқа хил фаолият объекти мулкдори қарорига асосан ўтказилади. Идоравий экологик экспертиза тегишли идораларнинг бўйргуга мувофиқ ўтказилиши мумкин ва у тегишли идоравий структура ичидаги амал қиласи. Илмий экологик экспертиза илмий ташкылтлар ёки олий ўқув юртлари ташаббуси билан ўтказилади ва унинг хуросаси ахбарот характеристига эга бўлади.

Булардан ташқари экологик экспертизанинг яна қуидаги маҳсус турлари ҳам мавжуд: 1) экологик-санитария экспертизаси. Ушбу йўналишда экологик экспертизанинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган объекти-инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги бўлиб, бунда унинг атроф табиий мұхит билан ўзаро алоқалари экологик экспертизадан ўтказилади. Экологик-санитария экспертизасининг асосий вазифаси антропоген фаолият таъсирида атроф-мухиттинг зарарли таъсир кўрсатиши билан инсон соломатлиги ҳолати ва унинг ўзгаришлари ўртасидаги сабабли боғланишни аниқлашдан аборат. Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва хукуқни муҳофаза қилувчи идораларининг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади. Бу экспертизани ўтказишдан мақсад атроф-мухиттинг нокулай таъсиридан фуқароларнинг саломатлигига етказилган зарарни аниқлаш ва унинг товонини тўлаш масалаларининг ҳал этишдан иборат бўлган принципиал муаммонинг ечимини топишдан иборат; 2) экологик-норматив экспертиза. Унинг асосий вазифаси атроф табиий мұхит сифати, зарарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси, чиққандилар, оқавалар мезёри, радиация таъсири, шовқин, тебраниш, магнит майдони таъсирининг рух-

сат этилган мөъёри даражасининг экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ (мос) келишини тадқиқ этишдан иборат. Бундай экспертиза жараёнида атроф-муҳит сифати кўрсаткичларининг самарадорлиги инсон саломатлиги, унинг генетик фондини муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан текширилади; 3) экологик-хукуқий экспертиза. У мустакил аҳамиятга эга бўлиб, унинг обьекти қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлари ва вазирликлар, идоралар, республика субъектларининг берилган ваколатлар доирасида қабул қиласан норматив актлари ва буйруқларини экологик экспертизадан ўтказиш ҳисобланади.

6.2. Давлат экологик экспертизаси

Давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистоннинг атроф табиий муҳити ва табиий ресурсларини муҳофаза қилишни давлат йўли билан тартибга солишнинг асосий воситаларидан биридир. У ҳўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбiri бўлиб, унинг асосий мақсади атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасида огоҳлантирувчи назоратни амалга оширишдан иборатdir. Давлат экологик экспертизаси мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолияти ёки бошқа фаолиятнинг экологик жиҳатдан хавфлилик даражасини аниқлаш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларида назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг етарли ёки асосли эканлигини аниқлаш мақсадларида ўтказилиади.

Ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа фаолиятнинг давлат экологик экспертизаси давлатнинг у ёки бошқа фаолиятини рӯёбга чиқаришга, обьектларни худудий жойлаштиришга рухсат ва розилик берishi ҳисобланади.

Давлат экологик экспертизасининг обьекти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тайёрланган хужжатлар ва хужжатлаштириш ишлари ҳисобланади. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда хужжатлаштириш ишлари, қоида тарқасида, экологик экспертизага қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида» қонунига мувофиқ қўйидаги обьектларни экологик экспертизадан ўтказиш мажбурийдир (11-модда):

- давлат дастурининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;
- барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;
- лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатлари;
- табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳўжалик

ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома услубий хужжатларнинг лойиҳалари;

• техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир хужжатлар;

• атроф табиий мухит ҳолати ва фуқаролар соғлигига салбий таъсири кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектлар;

• кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик оғат зоналари маҳомини бериши мақсадида ўтказилган худудларни комплекс текшириш материаллари;

• шаҳарсозлик хужжатларининг барча турлари;

• маҳсус хуқуқий режимли обьектлар.

Давлат экологик экспертизасининг асосий йўналишларини куйидагида классификациялаш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариш кучлари халқ ҳўялиги тармоқларининг ривожланиши ва жойлашишининг лойиҳа олди материалларининг экспертизаси. Масалан шаҳарларнинг планировкаси ва иморат қурилиши бўйича лойиҳалари экспертизасида сувни тозалаш, атмосферани муҳофазалаш ва бошқалар бўйича норматив талабларга амал қилишга эришиш керак.

2) Республиканиң ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мақсадли дастурларининг лойиҳа олди материалларининг, шунингдек ер, сув, биологик ресурслар, фойдали қазилмалардан фойдаланиши ва уларни муҳофаза қилиш схемаларининг экспертизаси. Масалан, аҳоли яшаш манзиллари планировкаси ва иморат қурилишида аҳоли яшаш жойлари шундай жойлашиши керакки, унда зарарли омилларнинг аҳоли саломатлиги ва санитария-маиший шароитларга таъсири максимал даражада камайиши керак.

3) Экологик аҳамиятга эга бўлган обьектлар ёки табиатдан фойдаланишига таъсири кўрсатадиган обьектлар. Аҳолининг экологик хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган янги техника, материаллар, моддаларни қонун талабларига кўра ишлаб чиқаришга рухsat берилмайди. Шунга кўра саноат маҳсулотлари, машиналар табиат муҳофазаси нормалари ва қоидлари талабларига мос келишини аниқлаш учун экспертизадан ўтказилади.

Давлат экологик экспертизасини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тузилган эксперtlар гуруҳи ёки комиссияси ўтказади. Давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича экспертиза хulosаси тузилади. Давлат экологик экспертизаси хulosаси расмий давлат хужжати бўлиб, унда давлат экологик экспертизаси обьектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги хulosалар баён қилинади. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosаси куйидагиларни тасдиқловчи хужжат ҳисобланади: асословчи хужжатларни тайёрлашда экологик талабларга амал қилиниши; рўёб-

га чиқариладиган объектнинг экологик шароитлари қафолатланганигини; рӯёбга чиқариладиган объектни молиялаштириш имкониятининг очилганлигини билдиради.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рӯёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хulosаси бўлган тақдирда, хulosада кўрсатилган таклифга кўра лойиҳа маромига етказилишини таъминлаш ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиш лозим.

Давлат экологик экспертизасининг хulosаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш ва рӯёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

6.3. Жамоат экологик экспертизаси

Жамоат экологик экспертизаси жамоат ташкilotлари (уюшмалари), фуқаролар, шунингдек махаллий бошқарув органлари (маҳаллалар) ташаббуси билан ташкил этилади ва ўтказилади. У экологик асосланиш талаб қилинадиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат, нотижорат ташкilotларининг ва фуқароларнинг иштирокида ўтказилади. Қонунга биноан экологик экспертизани амалга оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Жамоат экологик экспертизаси қонун билан муҳофаза қилинадиган давлат, коммерсия (тижорат) сирлари бўлмаган маълумотларга эга бўлган обьектлар учун ўтказилиши мумкин. Бу экспертиза давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъиназар, унгача, у билан бир вақтда ёки ундан кейин амалга оширилиши мумкин.

Жамоат ташкilotлари (уюшмалари) қонун хужжатларига мувофиқ қўйидаги хукуқларга эга: экологик экспертиза учун зарур бўлган хужжатларни буюртмачидан олишга; жамоат экологик экспертизаси хulosалари давлат экологик экспертизаси комиссияларининг мажлисларида муҳокама қилинаётганда ўз вакиллари билан кузатувчи сифатида қатнашишга.

Жамоат экологик экспертизаси уни ўтказиш тўғрисида жамоат ташкilotларининг (уюшмаларининг) аризаси давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда амалга оширилади. Жамоат экологик экспертизасининг хulosаси тавсия хусусиятига эга бўлади. Бу хulosалар оммавий ахборат воситаларида эълон қилиниши ва манбаатдор томонлар ва шахсларга берилиши мумкин.

6.4. Экологик аудит

Экологик аудит конкрет обьектда атроф табиий муҳитнинг ҳолатини баҳолаш фаолиятидир. Экологик аудит атроф-муҳитнинг қулай шарт-шароитини таъминлашнинг муҳим экологик иктиносидир воситасидир. У атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрса-

таёттган, ишлаб турған корхоналар ва бошқа объектларни мустакил экологик экспертиза қилиш фаолияти ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида экологик аудит процедураси корхоналар ёки бошқа хўжалик объектлари тўғрисида экологик ахборот олиш ва уни баҳолашнинг муҳим воситаси ҳисобланади ва экоаудит ахборотлари бошқаришнинг турли буғинларида турли тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этишда кенг қўлланилади. Ўзбекистонда экологик аудит процедурасининг ривожланиши ва қўлланилиши фақат сўнгти йилларда амалга оширилмоқда.

Экологик экспертиза учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва хорижий давлатларда ривожланган экоаудитнинг қўйидаги асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:

1. Стандартларга риоя қилиш аудити. У атроф-муҳит сифат кўрсаткичларини миллий ва халқаро стандартлар билан тақдослаб, корхоналар учун зарур чора тадбирларни тавсия этади.

2. Жавобгарлик аудити. Унга мувофиқ атроф-муҳитга етказиладиган зарарниң хавф хатари бўйича жавобгарлик аниқланади.

3. Экологик сугурталашдаги аудит. У сугурталаш шартномаларини тузиш, экологик хавф-хатарни камайтириш бўйича превентив (олдини олувчи) тадбирлар режасини ишлаб чиқишида, экологик сугурта ҳодисалари содир бўлгандаги зарарни ҳисоблашда, атроф-муҳитнинг ифлюслинишига борлиқ холда корхоналарга даъво қўзгатишида амалга оширилади.

4. Экологик сертификация тизимидағи аудит. У сертификация объектларининг белгиланган экологик талабларга (стандарт, нормативларга) мос келишини баҳолайди.

5. Ҳудудлар аудити. У ҳудудлар экологик ҳолатини аниқлаш мақсадларида амалга оширилади.

6. Маҳсулотни бўлиш тўғрисидаги битимларни таҷёрлашдаги аудит. Бу экоаудит тури мўлжалланаётган инвестиция. Ш объектларини экологик нуқтаи назардан тўлиқроқ ўрганиш мақсадида ўтказилади. Бунда аудит вазифасига тўпроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами ресурсларини тадқиқ этиш, илгари етказилган экологик зарарни, атроф-муҳитнинг бузилган объектларини тиклаш қиймати, атроф-муҳитга салбий таъсирининг нормативдан ортиқ характеристларини бартараф этиш ва бошқаларни баҳолаш киради.

Ҳозирги вақтда қабул қилинган процедурага мувофиқ экологик аудитнинг бажарилиши шарт бўлган ва ташабbusli каби турларга бўлиш мумкин.

Бажарилиши шарт бўлган экоаудитта қўйидагилар киради:

- атроф табиий муҳит соҳасида халқаро мажбуриятларни амалга оширишда фойдаланиладиган экоаудит;

- давлат органларининг топшириғига мувофиқ, шу жумладан корхоналарнинг экологик санациясини асослаш учун ўтказиладиган экоаудит.

- давлат корхоналарини хусусийлаштиришда экологик омилни ҳисобга олиш учун ўтказиладиган экоаудит;
- иқтисодий субъектларнинг банкротлиги ироцедурасини амалга оширишда ўтказиладиган экоаудит;
- мажбурий экологик сугурталашни амалга оширишда ўтказиладиган экоаудит;
- инвестициялаш шароитларида кўзда тутилган инвестиция лойихалари ва дастурлари тайёрлаш ва асослашда ўтказиладиган экоаудит.

Бу турдаги экоаудит давлат экологик экспертизаси қирорига биноан, шунингдек, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш процедураси жараёнида амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, ташабbusли экоаудит иқтисодий субъект раҳбарлари ёки бошқа қарор қабул қилувчи шахслар қарорига мувофиқ ўтказилади.

Бошқа томондан экологик аудитни ички ва ташқи турларга бўлиш мумкин. Ички экоаудит ихтиёрий характерда бўлади ва корхонанинг ўз ташабbusига кўра ўтказилади. Ташқи аудит эса, қонди тарикасида, мажбурий асосда ўтказилади.

Экологик аудитни ўтказишнинг асосий принциплари қўйидагилар: аудитнинг холислиги ва обьектлиги; профессионаллик ва компетентлик; аудитни ўтказишда олинган ахборотларнинг конфиденциаллиги (маҳфийлиги); аудитнинг аудитор ҳисоботи ва аудитор хulosаси учун жавобгарлиги; экологик аудит дастурини раҳбарият ёки аудитлаштирилаётган обьект эгасининг қўллаоб-куватланиши; аниқланган камчиликларни албатта бартараф этиш чораларини кўриши.

Экологик аудитнинг асосий вазифаларига халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларни киритиш мумкин:

- табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисида ишончли ахборотларни олиш, экологик тоза технология ва маҳсулотнинг экологик маркировкасини жорий этиш ҳисобига жаҳон бозоридан уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- хўжалик фаолияти субъектлари, сугурта ва молия-кредит ташкилотларининг молиявий хавф хатарини камайтириш;
- табиатдан фойдаланишини тартибга солишнинг асосий йўналишлари инструментини барпо этиш;
- атроф-муҳит соҳасидаги фаолиятни бошқа фаолият тирноқлари билан интеграциялаш «экологик» ҳисобчиликни юритиш;
- ҳамма тан олган халқаро принциплар, метод ва процедураларни амалиётда ҳисобга олиш ва қўллаш;
- экологик бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича билимдон мутахассисларни тайёрлаш ва тажрибали мутахассисларни жалб этиши.

Узбекистонда экологик аудитга талаб олиб бораётганлиги сабабли уни кенг миқёсда ривожлантириш тадбирларини комплекс амалга ошириш лозим.

Қисқача хulosалар

Экологик экспертиза фаолияти ва муносабатларида қуйидаги экспертиза турларидан фойдаланилади: давлат экологик экспертизаси, жамоат экологик экспертизаси, экологик аудит, идоравий экологик экспертиза, илмий экологик экспертиза, экологик-санитария экспертизаси, экологик норматив экспертиза, экологик-хуқуқий экспертиза ва бошқалар.

Давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистоннинг атроф табиий мухити ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишни давлат йўли билан тартибга солишнинг асосий воситаларидан биридир.

Давлат экологик экспертизаси давлатнинг уёки бошқа фаолиятни руёбга чиқаришга, объектларни ҳудудий жойлаштиришга давлатнинг рухсат ва розилик бериси ҳисобланади.

Давлат экологик экспертизаси кўп йўналишларда амалга оширилади: 1) ишлаб чиқариш кучлари, тармоқлар ривожланиши ва жойлашиши лойиҳа олди материаллари экспертизаси; 2) мақсадли дастурлар лойиҳа олди материаллари, ер, сув, биологик ресурслар, фойдали қазилмалардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларининг экспертизаси; 3) экологик аҳамиятга эга бўлган объектлар экспертизаси.

Давлат экологик экспертизаси хulosаси расмий давлат хужжати бўлиб, унда давлат экологик экспертизаси объектини руёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги хulosалар баён қилинади. Хulosаларни ижро этиш мажбурийдир.

Жамоат экологик экспертизаси жамоат ташкилотлари, фуқаролар, маҳаллий бошқарув органлари ташаббуси билан ўтказилади. Унинг хulosаси тавсия хусусиятга эга.

Экологик аудит конкрет обьектга атроф табиий мухитнинг ҳолатини баҳолаш фаолиятидир. У мустакил экологик экспертиза қилиш фаолияти ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экологик экспертиза қандай турларга бўлинади? Улар бир-биридан қандай фарқ қиласди?
2. Экологик экспертизанинг маҳсус турларини таърифланг.
3. Давлат экологик экспертизаси нима? Унинг обьектларини айтиб беринг.
4. Давлат экологик экспертизаси хулосаси нима? У нималарни ўз ичига олади ва қандай қучга эга?
5. Жамоат экологик экспертизаси хусусиятларини таърифланг.
6. Экологик аудит нима? Экоаудитнинг қандай асосий йўналишлари бор?
7. Бажарилиши шарт бўлган ва ташаббусли экологик аудит нима? Уларнинг фарқини тушунтиринг.
8. Экологик аудитни ўтказиш қандай принципларга асосланади?
9. Экологик аудитнинг асосий вазифаларни белгиланг.

Асосий адабиётлар

1. «Экологик экспертиза тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни (2000й). Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. –Т., 2002.
2. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
3. Ли Н. Экологическая экспертиза. Учебное руководство. –М., 1995.
4. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. –М., 1990.
5. Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАГА ҚҰЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА АТРОФ-МУХИТГА ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ

7.1. Экологик экспертизага құйиладиган умумий талаблар

Экологик экспертиза мамлакат иқтисодиётининг экологик хавфсиз ривожланиши муаммолари ечимини топишца фоят муҳим роль үйнайды. У амалиётда фақат экологик асосланган хўжалик қарорларини амалга оширишни таъминлайди. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадларида экологик экспертизанинг атроф-мухитта бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган фоят хилма-хил объектларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш, корхоналар, объектлар ва иншиотларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, ишга тушириш ишларини экологик бехатарликни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофазалаш талабларига мос йўналишда амалга ошириш лозим. Бунда ҳар бир корхона, идора, тармоқ ва бошқа хилма-хил объектларни рўёбга чиқаришда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиши ва табиий ресурсларни тақорор ишлаб чиқариш, атроф табиий муҳитни согломлаштириш билан боғлиқ бўлган кўплаб тадбирлар амалга оширилиши керак. Шу сабабдан экологик экспертизага тақдим этилаётган хўжжатлар экологик экспертиза объектларининг лойиҳадан олдинги чукур илмий-экологик тадқиқотлари натижаларига асосланниб тайёрланиши экологик сабабларга кўра объектни рўёбга чиқаришга рухсат бермасликнинг олдини олишнинг асосий шартидир.

Давлат экологик экспертизасининг лойиҳадан олдинги босқичида хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг экологик асослаб берилишини ишлаб чиқиши ва асослаб берииш бўйича ҳозирги вактда қабул қилинган тартиб қўйидагилардан иборат:¹

Хўжалик фаолияти ташаббускори экологик экспертизага қўйидаги хўжжатларни тақдим этади:

- амалдаги кўрсатма хўжжатларга мувофиқ бажарилган экологик нормалаштириш материаллари;
- амалдаги кўрсатмаларга мувофиқ тузилган атроф-мухитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) материаллари. Унда қўйида босқичлар бўлиши керак:

1) Атроф-мухитга таъсир тўғрисида баёнотнинг лойиҳаси (АМТБ лойиҳаси).

2) Атроф-мухитга таъсир тўғрисида баёнот (АМТБ)

¹ Справочник эколога-эксперта. Т.1997, 9-11 бетлар.

3) Экологик оқибатлар тұғрисида баёнот (ЭОТБ)

Атроф-мухиттегі таъсир тұғрисида баёнотнинг лойихаси (АМТТБ лойихаси) хұжалик фаолияттің экологик асосаш мүлжалланған босқычда түзилади ва қуйидагиларни үз ичига олади:

- атроф-мухиттің асосий хусусиятлари таҳлили;
- күриб чиқилаёттан объекттің атроф-мухитта таъсири ва табиий ресурслардан фойдаланыш технологияның занжирининг барча элементлари бўйича-хомашё (ёқилғи) манбалардан бошлаб то чиқармалар, оқавалар ва чиқиндиларни ҳам үз ичига олган асосий ва ёрдамчи технологиянинг таърифи;

• белгиланаёттан ёки амалга оширилиёттан фаолияттің муқобил таҳлили;

• авария ҳолаттарининг таҳлили (салбий оқибатларни бартараф этиш эҳтимоли ва сценариясини баҳолаш билан);

- таъсир турларининг баёни (таърифи);

- таъсирининг баёни (таърифи);

- таъсирининг асосий объектлари таҳлили;

• күриб чиқилаёттан объекттің таъсир зonasи учун аникланған таъсири натижаларининг атроф-мухитта таъсир этиши даражасини баҳолаш ва башортлаш;

• атроф-мухитта таъсирни мақбул даражагача камайтирадиган тадбирларнинг таклифлари.

Бу ҳужжатларни давлат экологик экспертизаси ижобий баҳолаган тақдирда ушбу объектта ер ажратиш тұғрисидаги масала күриб чиқлади ва ҳужжатдаги экологик ишпланмаларнинг етарлі эканлиги ёки навбатдаги босқычдаги ҳужжатларни тайёрлаш зарурлығы тұғрисида қарор қабул килинади.

АМТТБ лойихасини бажарып босқычда маҳсус тадқиқотларни талаб қиладиган ҳолатлар аникланса, унда хұжалик фаолияти ташаббускори АМТБ прецедурасининг навбатдаги босқычига ўтади ва «Атроф-мухитта таъсир тұғрисида баёнот»ни тайёрлашта киришади. Бунда қуйидагилар үз аксини топади;

• лойихага киригилган дастур бўйича тадқиқот натижаларининг таҳлили;

- атроф-мухит ҳолатининг аникланған таърифи;

• жамоатчилек мұхокамаси натижалари таҳлили ва зарур ҳолларда күрилаёттан фаолияттің ижтимоий шароитларга таъсирига қараб ўзgartиришлар киритиш;

• аникланған маълумотлар бўйича таъсир манбаларининг таҳлили;

• күриб чиқилаёттан объекттің аник ер майдонларига нисбатан атроф-мухитта таъсирини баҳолаш;

- күриб чиқилаёттан объекттің таъсир зonasида жой-

лашган худуднинг экологик харитаси чизмалари ва унда худуднинг функционал зоналаштирилиши, таъсирга тортилаётган атроф-муҳит компонентларининг ҳолати, кўриб чиқилаётган объект вазиятининг режаси, ахоли зичлиги, рекреация зоналари, яйловлар ва таъсирнинг характеристикини учун зарур бўлган бошқа ахборотлар харитага туширилади;

- экологик ва у билан боғлик оқибатлар нуқтаи назаридан авария вазиятлари тахлили ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш тадбирлари.

Давлат экологик экспертизаси ушбу хужжатни кўриб чиқиш натижаларига кўра уларнинг етарлилиги, объективлиги ва таъсирни баҳолашнинг чуқурлиги, башоратларнинг асосланганлиги ва тадбирларнинг реаллиги (амалга оширилиши имконияти) тўгрисида хulosса чиқаради.

АМТБ процедурасининг барча лойиҳалаштирилаётган объектлар учун якуний босқичи «Экологик оқибатлар тўгрисида баёнот» (ЭОТБ) хужжатини тузиш бўлиб, унда хўжалик фаолиятини амалга ошириши имкониятлари тўгрисида асосий хулосалар чиқарилади ва экологик нормативлар белгиланади (РЭО-руҳсат этилган оқавалар, РЕЧ-руҳсат этилган чиқиндилар, РЭМ- руҳсат этилган меъёр) ЭОТБ давлат экологик экспертизаси органлари билан келишилади (тасдиқланди) ва хўжалик фаолияти ташаббускори томонидан объектни ишга тушириш бўйича қабул комиссиясига топширилади.

Кўрсатилган умумий талабларни бажариш экологик экспертиза объектларининг атроф табиий муҳитга таъсирининг тармоқлар ва объектлар бўйича таъсирини ҳам ҳар томонлама хисобга олишни тақозо этади.

7.2. Экологик экспертиза объектларининг атроф табиий муҳитга таъсирининг фарқлари ва уларни баҳоланиш

Табиий ресурсларнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омили сифатидаги ролининг кучайиб бориши экологик экспертизада ишлаб чиқаришни жойлаштиришининг «табиат-ишлаб чиқариш» тизими ҳаракати ва ишлаб туришининг самарадорлигини оширишдаги ролининг кучайиб боришини ҳар томонлама хисобга олишни тақозо этади. Ишлаб чиқаришининг жойлашиши эса нормал атроф табиий муҳитни шакллантиришининг асосий шарт-шароитта айланмоқда, айни пайтда табиатдан фойдаланиш масалалари ишлаб чиқаришни худудий ташкил этишининг муҳим омиллари қаторига киради. Бу масалаларни ва уларга боғлик ҳолда экологик экспертиза объектларини тўғри жойлаштириш мақсад-

ларида тармоқлар, ишлаб чиқариш ва технологияларни уларнинг табиатта ва унинг компонентлари—ер, ўрмон, сув, атмосфера ҳавоси, хамда одамга нисбатан классификациялаш зарур. Тармоқлар ва ишлаб чиқаришини классификациялашда энг аввало уларнинг жонли табиатга ва одамга зарарли таъсирини ҳисобга олиш керак.

Халқ ҳўжалиги тармоқлари гурухининг атроф табиий мұхитта таъсири бўйича классификацияси (к-катта, ў-ўрта, п-паст)
З-жадвал

	Халқ ҳўжалиги тармоқлари	Ресурсларни истеъмол қилиш бўйича таъсири			Чиқинидиларнинг пайдо бўлиши бўйича таъсири			Кўйнагиларга салбий таъсири бўйича:				
		Ер ҳажмига	Сув ҳажмига	Хоманинг ҳажмига	Қартирик	Сувек	Чанг нишвишлар	Ерка	Сутна	Хавоти	Биоэфера	Рағи
1.	Иссиқлик энергетикаси	п	к	к	п	ў	к	ў	ў	к	к	.
2.	Гидроенергетика	ў	к	п	+	-	-	п	п	-	п	-
3.	Нефть ва газ қазиб олиш	п	ў	и	-	П	п	п	п	п	ў	п
4.	Кўмир, сланец, торф саноати	ў	п	п	ў	П	ў	п	п	ў	ў	ў
5.	Кора металлургия	ў	к	к	ў	П	ў	ў	ў	ў	ў	к
6.	Рангли металлургия	ў	ў	к	к	П	ў	к	к	к	к	к
7.	Кимб ва нефть кимб	п	к	ў	ў	ў	ў	ў	ў	к	к	к
8.	Машинасозлик ва металсозлик	п	ў	ў	п	П	п	п	п	п	п	ў
9.	Ўрмон ва ёғочни кайта ишлаш	ў	ў	ў	ў	П	п	ў	п	п	ў	ў
10.	Целлюлаза-қозоз саноати	п	к	к	ў	Б	ў	ў	ў	ў	ў	к
11.	Курилниш материаллари ишлаб чиқариш	п	ў	к	п	П	п	п	п	п	п	ў
12.	Курилниш конструкцияларини ишлаб чиқариш	п	ў	к	п	П	п	п	п	п	п	ў
13.	Ойна ва чинни файлси ишлаб чиқариш	и	п	к	ў	П	ў	п	ў	ў	ў	ў
14.	Енгил саноат	и	п	ў	п	п	п	п	ў	ў	ў	ў
15.	Озик-овқат, микробиология омухта озуқа саноати	п	ў	к	п	п	ў	и	ў	ў	ў	ў
16.	Тиббиёт, полиграфия в.б.	п	и	ў	п	-	и	и	п	п	п	п
17.	Кишлек ҳўжалиги	к	к	и	ў	ў	п	к	ў	п	ў	п
18.	Ўрмон ҳўжалиги	к	п	п	-	-	-	-	-	-	-	-
19.	Транспорт	ў	п	п	-	п	к	п	п	ў	ў	ў
20.	Курилиш	п	п	ў	ў	-	и	п	п	п	п	п
21.	Уй-жой коммунал ҳўжалиги	ў	к	-	п	к	ў	ў	к	ў	к	ў

З-жадвалда берилган халқ хўжалиги тармоқлари гурухининг табиий ресурслардан фойдаланиш даражасига ва уларнинг атроф табиий мухит элементларига таъсири узбу гуруҳ тармоқлари учун ўртacha кўрсаткичларга асосланиб тузилган. Бу жадвал маълумотлари экологик экспертиза муносабатларининг ҳамма қатнашчилари учун муҳим аҳамиятта эга. Берилган тармоқ гурухлари таркибида ўртacha кўрсаткичлари катта фарқ қиласидан тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар бор. Шу сабабдан узбу классификация ҳамма тармоқлар, ишлаб чиқариш, хатто технологиялар учун зарур. Масалан, корхоналар, ишлаб чиқариш ва технологияларни жойлаштиришида уларнинг ресурслардан фойдаланиши бўйича ва атроф-муҳит учун заарлиги бўйича бир хил типдаги, бирикмалари шаклланишига экологик экспертиза назоратида йўл кўймаслик керак. Булар атроф-муҳитни хавфли ифлосланишидан саклаб қолишга ёки худудларни аҳлатлар босиб кетишга йўл кўймасликнинг асосий шарти ҳисобланади.

З-жадвалда берилган моддий ишлаб чиқариш тармоқлари орасида фақат ўрмон хўжалиги атроф-муҳитга заарли таъсир кўрсатмайди, балки уни сезиларли даражада яхшилади. Бунинг сабаби шуки, ўрмон хўжалиги фаолияти жонли табиатнинг энг кудратли комплекси ҳисобланган ўрмонлар билан боғланган бўлиб, улар нафақат ўзлари эгаллаб турган майдонларга, балки туашган катта худудларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўрмонларнинг атроф-муҳитга ижобий таъсир икки соҳада намоён бўлади: 1. Ўрмонлар жонсиз табиатни (иклим, ер, сув ва ҳаво тозалиги) асрарни яшилашининг шунингдек, товуш, шовқин ва бошқа тўлқинларни ушлаб қолишнинг энг самарали омили бўлиб ҳисобланади; 2. Ўрмонлар биотик модда алмапишини, худудларнинг флора ва фауна хилма-хиллигини қўпайтиради ва кучайтиради, ва шулар орқали жонли табиатнинг муҳит шароитига, заараркунанда ва касалликларга чидамлилиги ва барқарорлигини оширади. Буларнинг ҳаммаси ўрмон хўжалигининг табиатдан фойдаланиши ва табиат муҳофазаси, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини опиришдаги аҳамиятини янада кучайтиради.

Халқ хўжалиги тармоқларини атроф табиий мухитга таъсирининг классификацияси экологик экспертиза муносабатларида табиатдан фойдаланишини тартибга солишни назорат қилишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

7.3. Экологик экспертиза объектларининг атроф табиий мухитга таъсири бўйича классификацияси

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси антропоген фаолияти турларининг атроф-муҳит-

га таъсирининг рўйхатини тузиб, уларни учта категорияяга ажратган. Шундай фаолият турлари жами 110 номдан иборат бўлиб, улар қўйидаги категорияларга бўлинади.

I. категория (29 фаолият тури) - юқори хавф-хатар.

II. категория (48 фаолият тури) - ўрта хавф-хатар.

III. категория (33 фаолият тури) - паст хавф-хатар.

Ушбу рўйхатга киритилган фаолият турларининг 26,4% I-категория - юқори хавф-хатар, 43,6% II-категория - ўрта хавф-хатар, 30% III-категория - паст хавф-хатар гуруҳлари таркибига киради.

Кўрсатилган рўйхатни тармоқлар бўйича тақсимлаганда, улар қўйидаги хусусиятларга эга эканлигини аниқлаш мумкин:

1. категория “юқори хавф-хатар” гуруҳи таркибига кирадиган антропоген фаолият турлари тармоқлар бўйича қўйидагича тақсимланган:

1. Транспорт: республика аҳамиятига эга бўлган автомагистраллар, тезиорар транспорт шосселари, юқ терминаллари, аэропортлар, темир йўл деполари; республика аҳамиятига эга темир йўллар; республика аҳамиятига эга нефть ва газ қувурлари; республика аҳамиятига эга бўлган тозалаш иншоотлари ва қувурлар.

2. Ирригация иншоотлари: сув омборлари ва тўғонлар.

3. Тоғ кон саноати: фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, радиоктив чиқандиларни тўплаш ва кўмиш жойлари; нефть ва газ конларини қидириш ва ўзлаштириш; заҳарли чиқитлар шламлари тўпланган жойи; чиқитларни қайта ишловчи корхоналар.

4. Электроэнергетика: республика ва давлатлараро электр узаткич линиялари; иссиқлик электор станциялари ва бошқа 300 меговат иссиқлик қувватидаги ёкиш учун қурулмалар; ядро реакторли иншоотлар.

5. Кора ва рангли металлургия: металл қўйиш (литей) ишлаб чиқарипши.

6. Кимё саноати: нефтни қайта ишлаш заводлари; гальваник элементлар ва батареялар, аккумуляторлар ишлаб чиқариш; радиоктив моддалар(изотоплар) ишлаб чиқариш; резина ва резина техника буюмлари ишлаб чиқариш.

7. Биотехнологиядан фойдаланувчи ишлаб чиқариш.

8. Машинасозлик саноати: халкаро келишувларга асосан тартибга солинадиган фтор углевод ва бошқа моддалар ичida бўлган жиҳозлар ёки айрим қурилмалар; музлаткич жиҳозлар; кондиционерлар ишлаб чиқариш.

9. Қурилиш материаллари саноати: ойна ва асбест ишлаб чиқариш, цемент ишлаб чиқариш.

10. Габиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси: Орол

денгизи ҳавзаси муаммолари (халқаро дастурлар), халқаро келишмилар билан тартибга солинадиган ёввойи ҳайвонлар олами на- муналари ёки уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари савдоси.

II категория «ўрта хавф-хатар» гуруҳига кирадиган антропоген фаолият турлари тармоқлар бўйича қўйдагича тақсимланган:

1. Транспорт: вилоят аҳамиятига эга автомобил ва темир йўллар, вилоят аҳамиятидаги газ қувурлари; вилоят аҳамиятидаги газ ва нефть қувурлари.

2. Нефть ва нефтни қайта ишлап саноати: нефть ва нефть маҳсулотлари базалари.

3. Инфратузилма: республика ва вилоят аҳамиятидаги сув тақсимлаш иншоотлари; ер ости сувларини чиқариш магистраллари; магистрал каналлари ва зовурлар.

4. Энергетика: гидроэлектростанциялар; вилоят аҳамиятидаги электр узатиш линиялари; иссиқлик электрер станциялари ва ёқилиғи ёкувчи куввати 300 мегаваттдан кам бўлган бошқа қурилмалар.

5. Озиқ-овқат саноати: виночилик ва ферментлаштирилган ичимликлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати (тўлик), ўсимлик ва ҳайвон ёгларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлап; тамаки саноати.

6. Енгил саноат: тери ошилап ва бўяш, пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналар; қофоз ва картон маҳсулотлари ишлаб чиқариш; мебель ишлаб чиқариш; офис материаллари ва бадиий безак ишлари учун материаллар ишлаб чиқариш; чинни буюмлари ишлаб чиқариш; йигирив ва тўқиши ишлаб чиқариши; натурал ва сунъий газламалар ишлаб чиқариш; пахтани қайта ишлап саноати; ёғочни қайта ишлап; каноп саноати; ёғочни қайта ишлап; целюлоза ва қофоз майдалағичларни ҳам қўшиб.

7. Машинасозлик ва металлсозлик: гальванотехника; эҳтиёт қисмлар; кузов йигиши ёки ишлаб чиқариш; лазер оптикасини ишлаб чиқиши; электротехника жиҳозларини ишлаб чиқиши; радиотехника ва электрон саноати; двигатель ва машиналарни йигиши ва таъмиrlаш; электр жиҳозларини йигиши ва таъмиrlаш.

8. Кимё саноати: кино ва фото плёнкалар ишлаб чиқариш; изоляция материалларини ишлаб чиқариш; косметик препаратларини ишлаб чиқариш; бўёқлар ишлаб чиқариш; пластмассадан маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

9. Хизмат кўрсатиш тармоги: енгил ва юк автомобилларига хизмат кўрсатиш корхоналари; дастур маҳсулотларини ишлаб чиқариш; кимёвий тозалапи.

10. Қурилиш индустрияси: асбестли маҳсулотларни ишлаб чиқариш; ҳар хил ёғоч плиталарни ишлаб чиқариш; таркибида кўргро-

шин күшилмалари бўлмаган буюмларни ойнадан ишлаб чиқариш.

11. Рангли металлургия: заргарлик буюмлар ишлаб чиқариш, олтин билан ишлаш, ноёб металлар қопламалари билан ишлаш.

12. Типографиялар.

13. Янги ерларни ўзлаштириш.

III категория «паст хавф-хатар» гурухига кирадиган антропоген фаолият турлари тармоқлар бўйича қўйидагича таҳсимланган:

1. Транспорт: маҳаллий аҳамиятдаги автомобилъ йўллари, қўргон аҳамиятидаги газ қувурлари, ички ҳўжалик аҳамиятида-ги темир йўллар, кўприк ва кўприк йўллар.

2. Нефть кимё: бензин колонкалари.

3. Инфратузилма: ҳўжаликларо аҳамиятли сув олиш тармоқлари; насос станциялари; радио ва телевединие эшиттириш тизимлари; таълим ва тарбия соҳаси; дам олишни ташкил этиш; чакана савдо киоскаларига, хизмат кўрсатиш муассасалари, дам олиш ва кўнгил очиш муассасалари, шунингдек уларни жихозлаш, ресторонлар ва умумий овқатланиш корхоналари, ча-канна савдо корхоналарини жихозлаш ёки реконструкциялаш.

4. Қишлоқ ҳўжалиги: чорвачилик ва паррандачилик; озиқ-овқат импорти ва экспорти, боғдорчилик, фаллачилик; ички ҳў-жалик ерларини ўзлаштириш.

5. Енгил ва маҳаллий саноат: сопол буюмларни ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги кунданг (чармдан) буюмлар ва кийим ишлаб чиқариш; музика асбобларини ишлаб чиқиши ва таъмирлаш; пичок, қўл инструментлари ва умумий йўналишдаги темир буюмлар ишлаб чиқариш; газламадан кийимлар ишлаб чиқариш; пахта тайёрлаш пунктлари;

6. Озиқ-овқат саноати: гўшт саноати (мол сўйиш ва қайта ишлаш), мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, қадоқдаш, консервалаш; сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш; нон корхоналари;

7. Қурилиш: қурилиш материаллари ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш (ғишт, плиткалар, пардозловчи материаллар ва бошқалар), спорт иншоотларини қуриш ва спорт инвесторларини ишлаб чиқариш;

8. Хизмат кўрсатиш соҳаси: темир-терсак йигиши майдончаси, соат ишлаб чиқариш ва таъмирлаш; резина техника буюмларини таъмирлаш (вулканизация, шиналар наваркаси ва бошқалар), автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияси:

Ушбу расмий рўйхат экологик экспертиза муносабатла-рида экологик вазиятнинг ҳусусиятларини ҳар томонлама ҳи-собга олишда мухим аҳамиятга эга бўлиб, уни ташкил этиш, тартибга солиш, назорат қилиш функциясини кучайтиришга, самарасини оширишга хизмат қиласди.

Қисқача холосалар

• Экологик экспертиза амалиётида фақат экологик асосланган хўжалик қарорларини амалга оширишни таъминлайди.

Хўжалик фаолияти ташаббускори экологик экспертизага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: а) амалдаги кўрсатма ҳужжатларга мувофиқ бажарилган экологик нормаллаштириш материаллари; б) амалдаги кўрсатмаларга мувофиқ тузилган атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) материаллари.

Давлат экологик экспертизаси ушбу ҳужжатларни кўриб чикади ва шунга асосланиб, уларнинг етарлилиги, объектилилиги ва таъсирини баҳолашнинг чукурлиги, башоратларнинг асосланганлиги ва тадбирларнинг реаллиги тўғрисида холоса чиқаради.

Экологик экспертиза объекtlарини тўғри жойлаштириш мақсадларида тармоқлар, ишлаб чиқариш ва технологияларни уларнинг табиатга нуқтаи назаридан класификациялаш амалга оширилади. Бу класификация экологик экспертиза муносабатларida табиатдан фойдаланишини тартибга солишни назорат қилишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Экологик экспертиза объекtlари атроф табиий муҳитга таъсири бўйича қуйидаги учта категорияга бўлинади: 1) юкори хавф-хатар; 2) ўрта хавф-хатар; 3) апст хавф-хатар. Буларни хисобга олиш экологик экспертиза самарасини оширишга хизмат қиласди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат экологик экспертизасининг лойиҳадан олдинги босқичда қабул қилинган тартибини тушунтиринг. Ўнга қандай хужжатлар тайёрланади?

2. «Атроф-муҳитга таъсир тўғрисида баёнот» лойиҳаси, «атроф-муҳитга таъсири тўғрисида баёнут», «экологик оқибатлар тўғрисида баёнот» нима? Улар бир-бирларидан қандай фарқ қиласди? Уларни билиб олинг ва тушунтиринг.

3. Экологик экспертиза обьектларининг атроф табиий муҳитга таъсири нима? Ў қандай баҳоланади.

4. Халқ хўжалиги тармоқлари гуруҳининг атроф табиий муҳитга таъсири бўйича классификациясини тушунтиринг. Ў қандай амалий аҳамиятта эга?

5. Антропоген фаолият турларининг атроф табиий муҳитга таъсири бўйича қандай категориялар ажратилиди? Улар бир-бирларидан қандай фарқ қиласди?

6. I »юқори хавф-хатар» категориясини таърифланг.

7. II »ўрта хавф-хатар» категориясини таърифланг.

8. III «паст хавф -хатар» категориясини таърифланг.

9. I,II,III категориялардан фойдаланиш амалиётини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. «Экологик экспертиза тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни (2000й). Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.

2. Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом (2002й).

3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.

4. Природоохранные нормы и правила проектирования: Справочник. –М., 1990.

5. Реймерс Н.Ф. Экология (теория, законы, правила, принципы, гипотеза). –М., 1994.

6. Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

VIII боб

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АСОСИЙ ЙҮНАЛИШЛАРИ

8.1. Экологик экспертизанинг асосий йұналишлари тұғрисида түшүнчә

Экологик экспертизанинг объекти, илгари күрсатыб үтилгандек, фоят хилма-хил бўлиб, шунга мос ҳолда унинг йұналишлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Масалан, экспертизанинг объекти дастурлар лойихалари, қурилиш лойихалари, ишлаб чиқаришни жойлаштириш лойихалари, техника ва технология, хомашё ва материаллар, маҳсулотлар, кимёвий моддалар, стандарт ва техник, ҳуқуқий нормаларнинг лойихалари ва бошқалар бўлиши мумкин. Ушбу объектлар бўйича экологик экспертиза йұналишлари ҳам шаклланади.

Экологик экспертизанинг барча йұналишларида ҳам лойиҳадан олдин, ҳам лойиҳадан кейинги босқичларда асос қилиб олинган материаллари қаторига икълим, геологик, гидрогеологик шароитлар, тупроқнинг генетик ва ўз-ўзини тозалаши таърифи, ҳудуднинг ўрмон билан қопланиш даражаси, флора, фауна, ахоли ва ижтимоий-иктисодий хусусиятлари тұғрисидаги маълумотлар ва бошқалар киради.

Экологик экспертизанинг үтказиш натижасида экспертиза объектининг тұла модели пайдо бўлиши, лойиҳанинг эса атроф табиий мухит муҳофазаси талабларига мос келиши аниқланиши керак. Бу талабга эришиш учун экологик экспертизанинг барча йұналишларида лойиҳанинг қуидаги хусусиятлари ўрганилиши ва таҳлил қилиниси лозим:

- лойиҳанинг асосий мақсади ва уни туманлардан то республекагача даражадаги аҳамияти;
- лойиҳанинг жойларда амалга оширишнинг сабабларини асослаш;
- техник имкониятлар, ер ва бошқа ресурслардан фойдаланиш сиғими ва ҳажмини ҳисобга олиб техник-иктисодий асослашни амалга ошириш;
- атроф табиий мухитнинг ҳозирги ҳолати ва ахволи, уни атрофдаги концентрациялар билан таққослаш;
- лойиҳа тадбирларининг атроф табиий мухитни муҳофаза қилиши бўйича типлари ва ишончлилиги;
- атроф-муҳитга эҳтимол тутилаётган салбий таъсир ва уни камайтириш бўйича тадбирлар;

- инқирозли вазият эҳтимолини аниқлаш мақсадларида техник-иқтисодий эҳтиёжларнинг табиат имкониятларига мувофиқлигини аниқлаш;
- тавсия қилинаётган табиат муҳофазаси тадбирларининг муқобил варианти ва уларни амалга оширишнинг кетма-кетлиги;
- атроф табиий муҳиттага энг оз микдорда (минимум) зарар етказиш билан техник имкониятларни энг кўп даражада (максимум) қўллашни муросага келишини таъминлаш ўртаси-даги оптимал вариантни танлаш;
- муқобил қарорларни қўйидаги йўналишда таққослаш: харажат бирлигига лойиҳанинг аҳамияти мезонлари бўйича; ушбу жода объектни жойлаштиришнинг ижтимоий ва иқтисодий афзаллиги; лойиҳани жойлаштиришнинг кутилмаган оқибатларининг хавф-хатари даражаси; табиат муҳофазаси тадбирларининг шу кундаги ва истиқболдаги қиймати.

Дунёнинг кўғчилик ривожланган мамлакатлари экологик экспертизани табиий, техник, иқтисодий, ижтимоий, геотехник ва табиий-техник тизимлар бўйича ва табиий-хўжалик регионлари бўйича амалга ошириш амалиётини кенг қўлламоқдалар.

Лойиҳалардаги атроф табиий муҳиттага таъсирининг хусусиятлари, уларни аниқлаш, тахлил қилиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш нуқтаи назаридан экологик экспертиза ўтказишнинг қўйидаги асосий комплекс йўналишларини белгилаш мумкин:

- 1) технологик (техника) экологик экспертизаси.
- 2) корхона экологик экспертизаси.
- 3) шаҳарсозлик экологик экспертизаси.
- 4) табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни ўзгартириш лойиҳаларининг экологик экспертизаси.

8.2. Технологик (техника) экологик экспертизаси

Турли хомашё ва материалларга ишлов бериш усувлари мажмусаси технология тушунчасининг маъносини англатади. Айнан ушбу технология хусусиятлари корхоналарнинг маҳаллий табиий шароит ва ресурслар, иқтисодий шароит катта мамлакатнинг шароити билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу сабабдан экологик объектларнинг турли технологик усувларини ҳисобга олмасдан, тўлақонли экологик экспертизани ўтказиб бўлмайди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологик тузилмаси уларнинг ишлаб чиқариш миқёсларини (ишлаб чиқаришнинг тақрорланиши ва сериялиги хусусиятларини), ишлаб чиқариш-технологик даврларнинг тўлиқлигини (бир ёки бир неча ишлаб чиқариши босқичларининг мавжудлиги), ихтинослаштиришнинг характеристикини (турли буюмларни ишлаб чиқарувчи универ-

сал комбинатлар, ихтиослашган заводлар ва уларнинг стадиялари, детал-узелли, ва бошқа типлари) белгилаб беради.

Технологик экологик экспертиза технология ва техника-нинг экологик мос (тўғри) келишини ва ресурс истеъмоли сифимини (ҳажмини) аниқлаш, шунингдек технологиянинг кам чиқитли ёки чиқитсизлигини амалда бўлган нормативлар ва мавжуд энг яхши намуналар билан таққослаб, зарур экологик экспертиза хulosалари ва ечимларига келишини билдиради. Масалан, сувсиз қозоғ ишлаб чиқариш технологияси анаъданавий технологиядан афзалдир; энергия олишни атроф табиий муҳитга энг оз микдордаги таъсир кўрсатиб амалга ошириш (иссиқликни ҳавога кам чиқариш асосида), энергияни «ифлос» технология орқали олишдан анча афзалдир. Турли туман машиналар ва жиҳозлар, приборлар, назорат воситалари ва тизимлари амалдаги табиат муҳофазаси нормалари ва қоидаларига, экологик ҳавфсизлик талабларига зид келмаслиги шарт. Масалан оғир ва темир занжирли филдиракка эга тракторлар тупроқ қатламларини зичлаб ташлайди ва тупроқнинг ўз ўзини тиклаши хусусиятларига зарарли таъсир кўрсатади. Атроф-муҳитга қўйлаб зарарли газларни чиқарадиган транспорт воситалари моторлари ҳам экологик экспертиза назорати экологик ҳавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган техника ва технологияни рўёбга чиқаришга йўл қўймасликнинг асосий воситаси бўлиши керак.

Технологик экологик экспертиза таркибида препаратлар (кимёвий моддалар) экспертизаси алоҳида ўринни эгаллайди. У кимёвий агентларнинг табиат комплексларига таъсирини аниқлаш билан шуғулланади. Бунда препаратнинг организмга таъсирининг оқибатлари лаборатория тадқиқотларида аниқланади. Препаратнинг заҳарлилиги (токсинлиги) ва унинг табиат комплексларига қўшимча таъсири табиатда лабораторияда рўйхатта олинган даражадан кескин фарқ қилиши мумкин. Бунинг сабаби шуки, кимёвий моддалар озуқа занжирида тўпланиши мумкин ёки улар бир муҳитдан бошқасига ўтганда ўзгаради, иккиласми ифлословчиларга айланади ёки бошқа ўзгаришларга учрайди.

Техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир барча технологик ҳужжатлар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

8.3. Корхоналар экологик экспертизаси

Давлат экологик экспертизаси объектлари орасида лойихалаштирилаётган ва атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар

соғлигига салбий таъсир күрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар алоҳида ўринни эгаллайди. Корхона тушунчаси худудий яхлит, ихчам ёки гуж жойлашган, маълум маҳсулотни (хизмат турини) ишлаб чиқариш ва сотиш, пуллаш билан шуғулланадиган, ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва реализация қилиндида нисбатан иқтисодий мустақиллiği, технологик тугалланганлиги билан характерланадиган экологик экспертиза обьектидир.

Корхоналарнинг кўпчилиги ўз иш майдонлари ва майдончалари билан шаҳарлар ва уларнинг агломерациялари, кўрғонлари, қишлоқлар табиий ландшафтга қўшилиб кетади ва табиатта турли даражада салбий таъсир кўрсатиб туради. Корхоналар миқёслари, катта-кичкклиги, ихтисослашиши, иқтисодий-географик ўрни ва атроф табиий муҳит билан алоқалари хусусияти, табиатнинг у ёки бошқа компонентларига таъсири ва унинг интенсивлиги, оқава ва чиқиндиларнинг заҳарлилiği ва зараплиги ва бошқа кўплаб кўрсаткичлар бўйича бир-бирларидан фарқ қиласди. Узбекистонда халқ хўжалигининг ҳар хил тармоқлари таркибига кирадиган кўп сонли корхоналар мавжуд. Корхоналарнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг хусусияти, белгиланган вазифаси, технология ва хомашёнинг характери бўйича ва хизмат тури ўхшаш бўлган мажмуаси тармоқларини ташкил этади. Тармоқлар хам корхоналар каби маҳсулоти, табиатта таъсири бўйича ғоят хилма-хиллар (Зжадвалга қаранг). Шу сабабдан корхоналар лойиҳаларининг тармоқ, худудий хусусиятларининг экологик хавфсизлилик даражасини комплекс ҳисобга олиш зарур.

Кўпчилик корхоналар худудий хусусиятларга кўра нуқтали обьектлар бўлиб, улар қаторига саноат, моддий техника таъминоти, савдо, курилиш корхоналари киради. Чизикли корхоналар обьектларига эса транспорт корхоналари (йўл, алоқа коммуникациялари, инфратузилма), майдонли (ландшафтдан фойдаланиш) обьектларига-қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқалар киради. Улар хусусиятига мос ҳолда табиатдан фойдаланади ва табиатта таъсир кўрсатади. Корхоналар ғоят хилма-хил ва кўп сонлидир. Масалан, саноат корхоналари-завод, каръер, комбинат, руда кони, фабрика, шахта ва бошқа типларга бўлинади. Ушбу хусусиятлар экологик экспертизада хар томонлама ҳисобга олинниши керак.

Корхоналар лойиҳаларининг экологик экспертизаси ушбу корхона курилишининг эҳтимол тутилаётган экологик оқибатларини атроф-муҳитнинг мақбул ва йўл қўйиладиган (мевъердаги) ҳолати билан таққослаб, обьектив экспертиза хulosаларини чиқаришни билдиради. Бу хulosалар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича амалдаги норматив-техник ва йўриқнома-услубий хужжатларга, табиат муҳофазаси қонунчилиги талаб-

ларига асосланади. Бунда қуйидаги мақсадларга эришиш асосий ўринни эгаллады:

- корхонанинг амалдаги нормативлардан ортиқ даражада табиятга таъсир кўрсатишнинг олдини олиш;
- корхонанинг табиий мухитта эҳтимол тутилаётган зарарли таъсири унинг фаолиятининг барча даврида экологик хавфсизлик талабларига мос келишини тъминлаш;
- корхона фаолияти атрофда жойлашган бошқа корхоналарга атроф табиий мухит ҳолатининг ёмонлашуви ва технологик жараёнлар орқали салбий таъсир кўрсатмаслигига эришиш.

Корхоналар лойиҳаларининг экологик экспертизаси қўйидагиларни экспертизадан ўтказиши ўз ичига олади:

1. Корхонанинг узоқ муддатли даврда табиий ресурслар ва табиий шароитга таъсирини баҳолаш. Бундай баҳолаш экологик нормативлар мажмуаси талабларига амал қилиш асосида амалга оширилади.

2. Корхонанинг истиқболда ривожланиши асосий йўналишларининг атроф табиий мухитта таъсирини ва экологик хавфхатар даражасини ҳар томонлама ҳисобга олиш.

Кўп ҳолларда корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсири маҳаллий (локал) характерга эга бўлади. Шу сабабдан асосий эътибор ушбу ҳудудда экологик мувозанатни сақлаб қолишни тъминлашга қаратилади.

Корхоналар лойиҳаларининг экологик экспертизаси ушбу соҳада катта тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис эксперtlарнинг кичик гурухи (3-5 киши) томонидан корхона жойлашган жойда ўтказилиши керак.

8.4. Шаҳарсозлик экологик экспертизаси

«Экологик экспертиза тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунида «шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари» давлат экологик экспертизаси обьектлари рўйхатига киритилган. Шаҳарсозлик тушунчаси атроф табиий мухит муаммоларини ҳисобга олган холда ижтимоий-иқтисодий, қурилиш-техник, меъморчилик-бадиий, санитария-гигиена қарорларини тъминлайдиган шаҳарлар ва шаҳар агломерацияси, қишлоқ аҳоли пунктлари, қишлоқлараро ҳудудлари планировкаси (режалаштирилиши) ва иморат қурилиши назарияси ва амалиёти ҳисобланади. У foят мураккаб ижтимоий-иқтисодий, қурилиш техник, меъморчилик-бадиий, санитария-гигиена муаммолари комплексини қамраб олади, шу жумладан улар қаторига қўйидагилар киради: ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, аҳоли

яшаш манзиллари ва шаҳарлар ўсишини тартибга солиш, уларни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, унда атроф-муҳит муҳофазаси муаммосини ҳисобга олиш; йўл ва транспорт тизимларини ташкил этиш; шаҳар қурилишини индустриялаштириш; шаҳар ва қишлоқларнинг меъморчилик-бадиий қиёфасини шакллантириш ва бошқалар.

Шаҳарсозлик экологик экспертиза амалиётида биринчи даржали аҳамиятта эга йўналиш ҳисобланади. Унинг бундай аҳамияти қўйидагилар билан белгиланади: мамлакатнинг мавжуд асосий фондларининг асосий қисми (мамлакат миллий мулкининг асосий қисми) аҳоли яшаш манзилларида тўплланган. Улар қаторига уй-жой коммунал хўжалиги, саноат, савдо, маданият, маориф ва фан, соғлиқни саклаш соҳаларининг деярли барча асосий фонdlари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ирригация ва мелиорация инциоотларидан ташқари асосий воситаларининг бир қисми киради. Шу сабабдан аҳоли яшаш манзилларида атроф-муҳит муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш, санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига амал қилиш, уларни фавқулодда табиий ва техноген характердаги таъсирдан муҳофаза қилиши экологик экспертизанинг муҳим вазифалари қаторига киради.

Шаҳарсозлик экологик экспертизаси шаҳар ва қишлоқларнинг атроф табиий муҳитига таъсирини баҳолаш бўлиб, у шаҳарсозлик лойиҳаларини рӯёбга чиқаришининг эҳтимол тутилаётган экологик оқибатларини аниқлаш билан шуғулланади. Аҳоли яшаш манзиллари табиий муҳитига антропоген таъсирининг деярли барча турлари ва йўналишларини ўзида мужассамлаштирган. Чиқиндилар (маиший ва саноат чиқиндилари), саноат ва транспортнинг атмосферага чиқарадиган хилма-хил ифлослантирувчи моддалари, коммунал хўжалиги ва саноат оқавалари, ер ости ва ер усти сувларининг ифлосланиши, техноген ва табиий фавқулодда вазиятларнинг тез-тез содир бўлиши, кимёвий ва биологик моддалар билан ифлосланиш ва бошқалар шулар қаторига киради. Шаҳарсозлик экологик экспертизаси-шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги хужжатларнинг экологик хавфсизлик талабларига мос келишини ёки келмаслигини аниқлаш билан шуғулланади.

Шаҳарсозлик экологик экспертизаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда шаҳарсозлик хужжатларининг барча турларини давлат экологик экспертизасидан ўтказади, ушбу йўналишда белгиланган тартибда лойиҳа, илмий тадқиқот ва бошқа ташкилотларни, мутахассисларни жалб этади, тадқиқот натижаларига асосланниб хуносаси экспертиза обьекти рӯёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги якунларни ўз ичига олган бўлади.

Шаҳарсозлик экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тайинланган мутахассис эксперталар томонидан ўтказилади. Бундан ташқари Узбекистон Республикасининг меъморчилик ва курилиш бўйича давлат қўмитаси таркибида Давлат экспертизаси бош бошқармаси ҳам фаолият кўрсатади. Улар асосан ички идоравий экологик экспертизани ўтказадилар.

8.5. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни ўзгартирishi лойҳаларининг экологик экспертизаси

Бу йўналиш экологик экспертиза объектлари ва асосий йўналишларининг деярли ҳаммасини қамраб олади ва ушбу муамминг мураккаблиги ва ечимини топишнинг қийинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Табиатни ўзгартирishi тушунчаси табиий комплексларнинг биологик уларнинг маҳсулдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун атроф-мухитнинг табиий шаклланган экологик мувозанатини ўзгартирishiга йўналтирилган антропоген тадбир тизимини барпо этишни билдиради. У табиатдан фойдаланишининг муҳим воситалари ва йўналишларига янги худудларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш ёки табиий тизимларнинг биологик ёки бошқа маҳсулдорлигини тиклаш, гидроэлектрстанциялар, сув омборлари, ирригация каналлари барпо этиш, мелиорация тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан ихота ўрмонларини барпо этиш, чўлларни, тоғларни ўзлаштириш ва бошқалар киради. Табиатни ўзгартирishi кутилаётган самараға эришиш учун олдиндан режалаштирилаётган ландшафтни қайта куриш тадбирларини амалга оширишни билдиради. Табиатни антропоген ўзгартирishi айrim ҳолларда биотик туркумнинг у ёки бошқа даражада деградациясига олиб келади. У худудларнинг чўллашуви мавжуд бўлган жойларда биологик маҳсулдорлигини тиклаш ва хўжалик унумдорлигини оширишининг муҳим йўналиши ҳисоблинади.

Табиатни ўзгартирishi лойҳаларини рӯёбга чиқаришни экологик экспертизадан ўтказиш, унинг яқин ва узоқ истиқболдаги оқибатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Табиатни ўзгартирishi экология ва табиатдан фойдаланишининг қонунлари, қоидалари, принциплари таъсири билан чекланган. Одамнинг табиатни чексиз ўзгартирishi имкониятлари борлиги тўғрисидаги тасаввuri узоқ ўтмишда колиб кетган. Инсоннинг табиатни ўзгартирishi факат экология ва табиатдан фойдаланиш қонунлари, қоидалари, принциплари доирасида амалга ошириши мумкин. Табиатни ҳаддан ташқари антропоген ўзгартирishi иқтисодий ҳалокатли ва экологик

хавфли бўлиб, охир-оқибатда одамнинг биологик тур-сифатида яшапи учун яроқсиз бўлган шароитни юзага келтириши мумкин.

Табиатни ўзгартириш кўнгичлик экологик экспертиза объектларининг лойиҳалари таркибига киради. Масалан, шундай объектларга давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, ижтимоий ва иқтисодий соҳа тармоқларини жойлантириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари киради. Барча вариантларда табиатни антропоген ўзгартириш табиий тизимларни мувозанат ҳолатидан чиқишига кўйилмаслиги, уларнинг ўз-ўзини қўллаб-куватлаши хоссаларини сақлаб қолишига қаратилиши керак.

Табиатни ўзгартириш лойиҳалариning экологик экспертизаси минтақавий ва локал (маҳаллий) даражада назарда тутилаётган табиий муҳит ўзгаришининг экологик-ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ва экологик хавфсизлигини баҳолашни билдиради. У қуидаги қисмлардан ва эксперт йўналишидан тузилган бўлади: а) лойиҳанинг умумий экспертизаси (ложиҳанинг конкрет обьекти: қурилиш, бевосита амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими); б) муқаррар табиий занжирили реакцияларнинг экологик-ижтимоий-иқтисодий экспертизаси (рӯёбга чиқариш назарда тутилаётган тадбирларнинг табиий муҳитга, аҳоли яшапи ва ҳаётига бугун ва истиқболда таъсири оқибатларини баҳолаш); в) барча иерархия даражасидаги экотизимлар ва геотизимларнинг экологик экспертизаси (локал-регионал-миллий-субрегионал-глобал даражажа).

Экологик экспретизанинг қўрсатилган қисмлари ва эксперт йўналишлари бўйича дастлаб алоҳида экспертиза ўтказилади ва бундай табиат компонентлари (экологик компонентлар) бўйича эксперт таҳдили амалга оширилади. Сўнгра интеграл экологик экспертиза ўтказилади ва шу асосда экологик иерархия ва экологик-иқтисодий районлаштиришнинг барча бўғинлари ва даражаси қамраб олинади. Ушбу йўналишларда табиий муҳитга антропоген таъсирининг экологик, ижтимоий, иқтисодий параметрлари яқин ва узоқ истиқбол учун ҳар томонлама чукур тадқиқ этилади.

Табиатни ўзгартириш лойиҳаларининг экологик экспертизаси экология ва табиатдан фойдаланишининг барча қонунлари, қоидалари, принципларига асосланади. Бунда уларнинг рӯёбга чиқарилаётган лойиҳалар доирасидаги эҳтимол тутилаётган таъсири оқибатлари, амалга оширилаётган ҳўжалик тадбирларига мос келиши ҳар томонлама эксперт текширувидан ўтказилади. Шу сабабдан ва экспертиза обьектининг ўзига хослиги ушбу экспертизани ўтказишда маҳсус профессионал тайёргарликни талаб қиласи.

Қисқача хulosалар

Экологик экспертиза объектнинг хилма-хиллигига мос ҳолда унинг йўналишлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Амалиётда унинг табиий, техник, иқтисодий, ижтимоий, табиий-техник, геотехник тизимлар, табиий хўжалик регионлари бўйича амалга ошириладиган йўналишлари кенг қўлланилади.

Экологик экспертиза ўтказишда лойиҳалардаги атроф табиий муҳитга таъсирнинг хусусиятлари, уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш нуқтаи назаридан қуидаги комплекс йўналишлари ажратиш мумкин: 1) технологик (техника) экологик экспертизаси; 2) корхона экологик экспертизаси; 3) шаҳарсозлик экологик экспертизаси; 4) табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни ўзгартириш лойиҳаларининг экологик экспертизаси.

Технологик экологик экспертиза технология ва техникинг экологик мос келиши ва ресурс истеъмоли сифимини (ҳажмини) аниқлаш асосида зарур хulosалар ва ечимларга келиши билдиради. Техника технология, материаллар моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир барча технологик хужжатлар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Корхоналар лойиҳаларининг экологик экспертизаси ушбу корхона қурилишнинг эҳтимол тутилаётган экологик оқибатларини атроф-муҳитнинг мақбул йўл қўйиладиган (меъёрдаги) ҳолати билан таққослаб, объектив экспертиза хulosаларини чиқаришни билдиради. Хulosалар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича амалдаги норматив-техник ва йўрикнома-услubий хужжатларга, табиат муҳофазаси қонунчилиги талабларига асосланади.

Шаҳарсозлик экологик экспертизаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги хужжатларнинг экологик хавфсизлик талабларига мос келишини ёки келмаслигини аниқлаш билан шуғулланади.

Табиатни ўзгартириш лойиҳаларининг экологик экспертизаси минтақавий ва маҳаллий (локал) даражада назарда тутилаётган табиий муҳит ўзгаришининг экологик-ижтимоий-иқтисодий самараадорлиги ва экологик хавфсизлигини баҳолаб, хulosha чиқаришни билдиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экологик экспертизанинг қандай асосий йўналишлари бор? Уларнинг бир-бираидан фарқини тушуниринг.
2. Экологик экспертизанинг барча йўналишлари учун хос бўлган умумий хусусиятларини таърифланг.
3. Технологик (техника) экологик экспертизаси нима? Унинг ўзига хос хусусиятларини тушуниринг.
4. Корхоналар экологик экспертизасининг асосий хусусиятларини таърифланг?
5. Корхоналар экологик экспертизасининг асосий мақсади нима? У қандай ўтказилади?
6. Шаҳарсозлик экологик экспертизаси қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
7. Шаҳарсозлик экологик экспертизаси қандай муаммоларни ўрганади ва уларнинг ечимини топади?
8. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни ўзгартириш лойихалари экологик экспертизасининг умумий хусусиятларини таърифланг.
9. Табатни ўзгартириш лойихаларининг экологик экспертизаси қандай йўналашларини қамраб олади? Уларнинг аҳамияти ва фарқини тушуниринг.

Асосий адабиётлар

1. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
2. «Экологик экспертиза тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни (2000й). Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
3. Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
4. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
5. Доичева А.В. Экологическое проектирование и экспертиза. Практике учебное пасобие. –М., 2002.
6. Ли Н. Экологическая экспертиза. Учебное руководство. –М., 1995.
7. Природоохранные нормы и правила проектирования: Справочник. –М., 1990.
8. Справочник эколога-экономиста. –Т., 1997.

IX боб

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИННИГ ХУЛОСАСИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР¹

9.1. Давлат экологик экспертиза хизматини ташкил этиш

Экологик экспертиза табиатни муҳофаза қилиш тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у аниқ равшан экологик тадбирлар тизимини амалга оширишга муҳим роль йўнайди. Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва республика ҳукумати мамлакат ахолисининг яшаци учун соғлом шарт-шароит вужудга келтириш ва табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси самарадорлигини оширишни давлат экологик сиёсатининг устувор йўналиши деб қарамоқда. Бу соҳада кўплаб аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ўтмишда табиатга етказилган зарарни тузатиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ва замон талабларига, мамлакат манфаатларига жавоб берадиган сиёсатни амалга ошириш республиканинг энг долзарб муаммоларидан бириди. Бу муаммонинг ечимини топишда аниқ мақсадга қаратилган, самарали ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган экологик экспертиза тизимини мустаҳкамлаш ва унинг хизматларининг самарасини ошириш муҳим аҳамиятта эга.

Республикада табиатни муҳофаза қилишининг шу жумладан, экологик экспертизанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Ҳозирга қадар табиатдан фойдаланувчиларнинг муносабатларини тартибга соладиган ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз фаолият мезонларини белгилайдиган 80 дан кўпроқ қонунлар ва шу қонунлар асосидаги хужжатлар қабул қилинган. Асосий қонун «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун хисобланади. Улар экологик экспертиза учун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласи.

Узбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бош ижро этувчи орган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўумитаси бўлиб, у бевосита Олий Мажлисга бўйсунади. Давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказилиш ваколати ҳам ушбу қўмита зиммасига юкланган. Унинг экспертиза соҳасидаги асосий фаолияти экологик экспертиза тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига таъсирни экологик иктиесодий баҳолашни амалга оширишга қаратилган.

¹ Бу боб материаллари қўйидаги манбаларга асосланиб ёзилган: 1) «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни (2000 й.); 2) Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпогистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади. Улар биргаликда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ягона давлат экологик экспертизаси тизмини ташкил этади.

Давлат экологик экспертизаси органлари ўртасидаги ўзаро алоқалар шартнома асосида амалга оширилади.

Энг муҳим халқ хўжалик муаммолари ечимлари бўйича хужжатлар, халқ хўжалиги ривожланишининг тармоқ схемалари, йирик шаҳарларнинг бош режалари, давлат дастурлари, янги техника, технология, материаллар, моддалар, норматив-услубий хужжатлар, экологик нормативлар лойиҳалари, I ва II категориядаги энг йирик ва экологик мураккаб объектлар ва комплексларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш Бош давлат экологик экспертиза (Бошдавэқэкспертиза) эксперклари томонидан ўтказилади. Унинг қарорига мувофиқ I ва II категориядаги объектлар экспертиза учун жойларга берилиши мумкин.

Экологик нормативлар лойиҳаси ва III категория объектлари ва комплексларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича хужжатлар экспертизаси, шунингдек экологик мувофиқлаштиришга тааллуқли объектлар давлат экологик экспертиза тизмининг маҳаллий органлари томонидан ўтказилади. Ушбу объектлар Бошдавэқэкспертиза томонидан ҳам экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Бош давлат экологик экспертизаси қўйидагиларни амалга оширади:

- жойлардаги бўлинмаларга услубий раҳбарликни амалга оширади, маслаҳат ва амалий ёрдам беради, фаолиятини мувофиқлаштиради, эксперт хulosалари сифатини танлаб назорат қиласди;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экологик экспертизаси тизими ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади, зарур йўриқномалар ва маълумотномалар билан таъминлайди;

- Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаптириш бўйича таклифлар беради ва уларни шакллантиради;

- маҳаллий органларнинг аризаларига мувофиқ бошқа хизматларни бажаради.

9.2. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг тузилма ва мазмунига қўйиладиган талаблар

Давлат экологик экспертизаси хулосасига қўйиладиган расмий талаблар қўйидагилардан иборат.

1. Давлат экологик экспертизаси Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг эксперт органлари мутахассислари томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг айrim масалалари бўйича штатдан ташқари эксперталар жалб қилиниши мумкин. Алоҳида мураккаб вазиятларда экспертизага тақдим этилган хужжатлар Давлат экологик экспертизаси кенгашига муҳокама қилиш учун тақдим этилиши мумкин.

2. Экологик экспертиза жараёнида Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси эксперталари томонидан тақдим этилган хужжатларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиши амалга оширилади. Унда қўйидагилар кўриб чиқиласди:

- тақдим этилган хужжатлар таркибининг амаддаги расмий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари, Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг амал қилинадиган хужжатларига мос келиши текширилади;

- экспертизанинг вазифаси белгиланади, йўналиши ва доираси, уни ўтказиш шакли ва усувлари аниқланади;

- ушбу хўжалик фаолиятини рўебга чиқаришнинг зарурлигини асослари ва уни амалга ошириш усувлари, назарда тутилаётган техник, инженерлик ва меъморчилк-планировка қарорлари, моддий, хомашё ва энергетика ресурсларидан комплекс ва рационал фондаланиши зарурати ва бошқаларни асослаб берилганлиги текширилади;

- хўжалик фаолиятининг атроф-муҳиттга таъсирининг миёслари, таъсирининг аниқланган омилларининг тўлиқлиги ва уларнинг экологик хавфлилик даражаси аниқланади;

- мўжалланган тадбирларнинг табиат муҳофазаси қонунчилиги талабларини таъминлашининг, шунингдек авария вазиятларини огоҳлантириш ва уларнинг эҳтимол тутилаётган оқибатларини бартараф этишнинг етарлилиги аниқланади;

- ушбу хўжалик фаолияти турининг экологик хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат қилишининг фойдаланишига тавсия қилинаётган оператив методлари ва назоратнинг бошқа турлари таҳдил қилинади;

- атроф-муҳиттга кимёвий моддалар ва технологияларнинг таъсирини баҳолашнинг асосланиб берилганлиги текширилади;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хосил бўлаётган чиқиндиларнинг экологик хавфлилиги даражасини баҳолаш, шу-

нингдек уларни қайта ишлашнинг регионал кооперациялашуви имкониятлари текширилади;

• назарда тутилаётган фаолият турини амалга ошириш нинг экологик, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари тұғрисидаги ахборотлар таҳлил қилинади

3. Құриб чиқиши натижалари бүйича Давлат экологик экспертизаси хulosаси түзилади. Үнда барча бұлымлар бүйича құриб чиқишиң тақдым этилған атроф-мухитта таъсирни баҳолаш материаллари қысқа таърифланған ахборотлар мавжуд бўлиши, унинг ҳажми эса 3-4 бетдан ошмарлиги керак. (қаранг: 9.3 параграф)

4. Давлат экологик экспертизаси хulosасига ижрочи-эксперт, раҳбарнинг мувовини (Бошдавәкәкспертизада шунингдек бош эколог) томонидан қайд белгиси (виза) қўйилади ва эксперт бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланади.

5. Бошдавәкәкспертизанинг «Хulosаси» нусхаси экспертига обьекти жойлашган ҳудуддаги табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси экспертиза бўлимига билдириш учун жўнатилади.

6. Давлат экологик экспертизани ўтказиш муддатлари унинг меҳнатни талаб қилиши ҳажмига боғлиқ ҳолда белгиланади ва қоида тарикасида, биринчи маротаба амалга ошираётган ишлар учун 45 кундан ошмарлиги, қайта экспертиза учун эса 30 кун берилади. Айрим ҳолларда алоҳида йирик ва экологик мураккаб обьектларни қўриб чиқиша, юқорида кўрсатилган муддатлар эксперт органи раҳбарининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин.

7. Экспертизани бошлиш ва тамомлаш муддатлари эксперт ишларини ўтказиш шартномаларини тузища аниқланади ва тўловларни амалга ошириш муддатларига боғлиқ бўлади.

9.3. Давлат экологик экспертизаси хulosасининг мазмуни ва матни

Давлат экологик экспертизасининг мазмуни унинг расмий тасдиқланған матнида (формасида) ифодаланган. Давлат экологик экспертизаси расмий хulosасини ёзишининг намунаси қуйидаги шаклда бўлади.

**Манзил: хulosани олувчи
ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ**

Объект бўйича:

Буюртмачи:

Бажарувчи:

1. хужжатларни ишлаш учун асос (ложиҳалаштириш учун топшириклар, давлат мақсадли дастурлари, ривожланишнинг тармоқ схемалари, курилишнинг инвестицияларини асослаш ва бошқалар).

2. Асосий маълумотлар ва қарор қабул қилиши.

2.1. Курилиш участкаси таърифи:

• объектни жойлаштириш варианtlари, танланган участканинг (майдонча, трасса) афзалиги ва қиёсий таҳлили натижалари;

• районнинг ва қурилишга тавсия қилинган майдоннинг қисқача таърифи;

• табиий-иклим, инженерлик-геологик, экологик ва бошқа шароитлар түғрисида маълумотлар:

2.2. Маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг қуввати ва номенклатуроси (рӯйхати);

2.3. Курилаётган объектнинг умумий таърифи ва технологик қисмининг экологик баҳоси;

2.4. Инженерлик таъминоти;

• ишлаб чиқариш ва хўжалик-маишӣ эҳтиёжлар учун ёқилғи, энергетик ва иссиқлик энергияси таъминоти манбалари;

• иккиламчи энергетик ва хомашё ресурсларидан фойдаланиш;

2.5. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиши:

• ҳаво мұхитига таъсир күрсатувчи манбаларнинг экологик таҳлили;

• табиат муҳофазаси характеристидаги тавсия қилинаётган технологик тадбирлар ва қарорларнинг таҳлили;

• чанг-газ тозаловчи жиҳозлар билан таъминланганлик;

• автотранспортнинг ҳаво мұхитига таъсирининг ҳисоблари;

• зарарли моддаларнинг тарқалиши ҳисобларининг таҳлили;

2.6. Ер ости сувларини муҳофаза қилиши:

• қурилишнинг мақсади (кенгайтириш, реконструкция), сув истеъмоли, сув истеъмоли ва сув тақсимоти баланс схемаларининг таърифи;

• асосий салбий таъсир манбалари, тозалаш иншоотларининг таърифи;

• айланма сув таъминотининг мавжудлиги ва ёмғир-жала сувлари канализацияси;

2.7. Сугориладиган дехқончилик:

• сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, сув ресурсларини тежаш бўйича тадбирлар;

• сув омборларининг таърифи;

• сугориладиган ва бошқа ерларни олишнинг (олиб қўйишнинг) таъсирини баҳолаш;

- аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатхининг кўтарилиши;
- ер ости сувлари динамикасига таъсирини баҳолаш;
- канал (зовур) пораметрлари, участкалар бўйича сув сарфи, фильтрацияга қарши тадбирлар, зовур сувларининг минерализацияси;
- сув олиш иншооти (водозабор), зовур тизимлари самародорлигининг экологик таҳлили;
- мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган манбалар таъсирининг, шу жумладан ўғитлар ва заҳарли химикатларни сақлаш шароитларининг таҳлили;
- мелиоратив тадбирларнинг ижтимоий-иктисодий самародорлиги;

2.8. Шовқиндан муҳофаза қилиш.

- шовқиннинг салбий таъсирининг таҳлили, шовқинни пасайтириш тадбирлари, методлари ва воситаларининг рўйхати;
- ишлаб чиқаришнинг турли манбаларининг шовқин таъсирини баҳолаш;
- шовқиндан муҳофаза қилиш тадбирларининг самародорлиги;

2.9. Ердан рационал фойдаланиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш;

- ерларнинг таърифи ва уларни қурилишга ажратишнинг қиймати;
- ер рекультивацияси таърифи;
- мавжуд фойдали қазилмаларнинг ва муҳим аҳамиятга эга ер ости манбаларининг таърифи;

2.10. Ўсимлик ва ҳайвонат оламини муҳофаза қилиш:

- ҳайвонат оламини муҳофаза қилиш ва бунда қушларнинг мавсумий учиб ўтишга асосий эътибор бериш ва ялтироқ қопламаларни қўллаш;
- сунъий муҳофаза иншоотлари, экранлаштирилган қурилмалар, кўтармалар (тепалар), чуқурликлар (ўйилмалар) ва бошқаларнинг таъсири;
- доривор ва озиқ-овқат ўсимликларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш бўйича тадбирлар;
- чангдан муҳофазалаш, яйловларни муҳофазалаш полосалирини (минтақаларни), эрозияга қарши ва мелиоратив дараҳтзорларни барпо этиш, кўмларни мустаҳкамлаш ва бошқалар.

2.11. Технологик ечимларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини экологик баҳолашни таҳлил қилиш, чиқарувчи, оқава, чиқинди манбаларининг таърифи;

2.12. Қўрилаётган обьект таъсири зонасида атроф-муҳит ҳолатининг ҳозирги аҳволини баҳолашнинг таҳлили;

2.13. Экологик хаританинг тўлиқлиги ва ишончлилигининг таҳлили ва экологик баҳоланиши;

- 2.14. Авария вазиятларининг таҳдили ва экологик баҳоланиши;
- 2.15. Назарда тутилаётган фаолиятни амалга оширишнинг оқибатлари таҳдили;
3. Тақдим қилинган ҳужжатларнинг амалдаги норма ва қоидаларга мос келишининг таҳдили;
4. Тақдим қилинган қарорни эксперт баҳолаш:
 - экспертиза обьекти бўйича принципиал мулоҳазалар;
 - экспертиза обьекти экологик иловасининг атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш (АМТБ) процедурасига мос келиши тўғрисида хulosалар;
5. Экспертиза обьектини рўёбга чиқаришнинг мақсадига мувофиқлиги ва шарт-шароитлари тўғрисида умумий хulosалар, шунингдек унинг экологик иловаларининг бундан кейинги босқичга ўтказиш жараёнлари бўйича қарор: мувофиқлаштириш ёки тасдиқлашга (амалга ошириш) тавсия, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг навбатдаги босқичини бажаришнинг зарурлиги, рад этиш ёки тақдим қилинган материални камчилигини тўлдириб охирига етказилиши ва қайта экспертиза зарурлиги.

Комитет раиси.

(экспертнинг фамилияси, исми,
отасининг исми

телефони: _____)

Берилган ушбу намунадан кўриниб турибдики, давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича тузиладиган хulosаси экспертиза обьектлари бўйича кўплаб ҳужжатларни ҳар томонлама таҳдили қилишга, уларнинг табиат муҳофазаси қонунчилиги талабларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлашга асосланади. Давлат экологик экспертизаси хulosасида экспертиза обьектлари экологик ҳавфсизлик нуқтаи назаридан баҳоланади ва обьектни рўёбга чиқариш бўйича илмий асосланган хulosалар чиқарилади. Давлат экологик экспертизасининг хulosаси давлат экологик экспертизаси обьектини рўёбга чиқариш ва молиялашда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги қонун ҳужжатларида белгиланган.

Давлат экологик экспертизаси хulosаси бир томондан амалдаги экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва шу қонунлар асосидаги ҳужжатларга, бошқа томондан-экология ва табиатдан фойдаланишнинг кўплаб комплекс қонулари, қоидалари ва принципларига ва уларнинг эҳтимол тутилаётган ҳаракати ва таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади. Шу сабабдан давлат экологик экспертизаси хulosаси энг муҳим якуний ҳужжат сифатида экологик экспертиза фанининг назарияси ва амалиётига асосланиб амалга оширилади.

Қисқача хulosалар

Экологик экспертиза мамлакат табиатини мухофаза қилиш тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у аниқ равшан экологик тадбирлар тизимини амалга оширади.

Экологик экспертиза тизими Ўзбекистонда барпо этилган мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниб ўз фаолияти амалга оширади. Бу соҳадаги асосий қонун ҳужжати «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонундир.

Давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиши Узбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси зиммасига юкландган.

Давлат экологик экспертизаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни мухофаза қилиш қўмиталарининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади. Улар биргаликда Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг ягона давлат экологик экспертизаси тизимини ташкил этади.

Давлат экологик экспертизаси органлар ўртасидаги ўзаро алоқалар шартнома асосида амалга оширилади.

Давлат экологик экспертизаси хulosасининг тузилма ва мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади: 1) Давлат экологик экспертизаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг эксперт органлари мутахассислари томонидан ўтказилади; 2) экологик экспертиза жараёнида эксперталар тақдим этган ҳужжатлар расмийлаштирилади ва кўриб чиқилади; 3) кўриб чиқиш натижалари бўйича Давлат экологик экспертизаси хulosasi тузилади; 4) хulosaga ижрочи-эксперт, раҳбарнинг муовини томонидан қайд белгиси қўйилади ва эксперт бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланади; 5) хulosasi нусхаси экспертиза объекти жойлашган худуддаги табиатни мухофаза қўмитаси экспертиза бўлимига билдириш учун жўнатилади; 6) экспертиза ўтказиш муддати 45 кун белгиланади; 7) экспертиза ўтказиш муддатлари шартномада белгиланади.

Давлат экологик экспертизаси хulosаси мазмуни ва матни расмий тасдиқланган матнда (формада) ифодаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат экологик экспертиза хизмати қандай ташкил этилган? Унинг умумий хусусиятларини тушунтиринг.
2. Ягона давлат экологик экспертизаси тизими нима? Унинг таркиби ва тузилмасини таърифланг.
3. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг тузилма ва мазмунига қандай талаблар кўйилади? Унинг хусусиятлари ни тушунтиринг.
4. Экологик экспертиза жараёнида қандай хужжатлар кўриб чиқилади? Улар қандай таҳлил қилинади?
5. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг матни қандай тузилади ва унга қандай талаблар кўйилади?
6. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг намунаси хусусиятларини таҳлил қилинг ва уларни билиб олинг.
7. Давлат экологик экспертизаси хулосасини тузишда нималарга асосланиш керак? Қонун хужжатлари, экология ва табиатдан фойдаланиш қонунлари, қоидалари, принциплардан фойдаланишнинг заруратини асослаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
2. «Экологик экспертиза тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни (2000й). Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
3. Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом (2002й).
4. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
5. Дончева А.В. Экологическое проектирование и экспертиза. Практика. Учебное пособие. –М., 2002.
6. Справочник эколога-эксперта. –Т., 1997.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари: «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992), «Экологик экспертиза тўғрисида» (2000й). «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ҳайвонат оламидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўсимлик оламидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида» ва бошқалар. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т., 2002.
4. «2005 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича давлат дастури». –Т., 2000.
5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. Ўзбекистон Республикаси. –Т., 1998.
6. Биологик хилма-хилликни сақлаш. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси. Ўзбекистон Республикаси. –Т., 1998.
7. Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. –Т., 2002.
8. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Национальный доклад. –Т., 1998.
9. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
10. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. –Т., 2002.
11. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари атласи. –Т., 2002.
12. Абирқулов Қ.Н., Жумаев Т.Ж., Ражабов Н.Р. Экологик экспертиза. Намунавий ўқув дастури (бакалаврлар учун). ТДИУ Намунавий ўқув дастурлари тўплами. –Т., 2001.
13. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвития Учебное пособие. –М., 1994.
14. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. –М., 1998.

15. Бобилев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. Учебное пособие. –М., 1997.
16. Вторжение в природную среду. Оценка воздействия. –М., 1983.
17. Дончева А.В. Экологическое проектирование и экспертиза. Практика: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2002.
18. Ли Н. Экологическая экспертиза. Учебное руководство. –М., 1995.
19. Наше общее будущее. Доклад международной комиссии по окружающей среды и развития. Пер. с анг. –М.: Прогресс, 1980.
20. Придохранные нормы и правила проектирования. Справочник. –М., 1990.
21. Программа действий. Повестка дня на 21 век и другие документы Конференции в Риоде–Жанейро. –Женева: Центр за наше будущее, 1993.
22. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. –Т., 1997.
23. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. –М.: Мысль, 1990.
24. Реймерс Н.Ф. Экология: теория, законы, правила, принципы и гипотезы. –М., 1994.
25. Справочник эколога-эксперта. Госкомприрода Республики Узбекистан.
26. Глухов В.В., Лисочкина Т.В., Некрасова Т.П. Экономические основы экологии. Учебник. –СПб, 1995.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	7
1.1. Экологик экспертизанинг янги фан ва ўқув предмети сифатида шаклланиши ва ривожланиши.....	9
1.2. Экологик экспертиза фанининг предмети, объекти, тадқиқот методлари	
1.3. Экологик экспертиза фанининг бошқа фанлар билан борлиқлиги ва ўзаро алоқалари.....	11
1.4. Экологик экспертиза фанининг мақсади ва вазифалари.....	12
Қисқача хуносалар.....	14
Назорат ва мухоммади учун саволлар.....	15
Асосий адабиётлар.....	15
II боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	16
2.1. Экологик экспертиза тўғрисида тушунча.....	16
2.2. Экологик экспертизада табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсири йўналишларини назорат қилиш.....	18
2.3. Экологик экспертиза муносабатларида экологик қонуилар, қондалар, принципларга асосланиши.....	21
2.4. Экологик экспертизанинг асосий тушунчалари ва баҳолаш мезонлари...	24
2.5. Экологик экспертизада атроф-муҳитга таъсири баҳолаш.....	28
2.6. Экологик экспертизанинг таркибий қисмлари ва тармоқлари.....	31
Қисқача хуносалар.....	33
Назорат ва мухоммади учун саволлар.....	34
Асосий адабиётлар.....	35
III боб. УЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ.....	36
3.1. Экологик вазиятнинг умумий таърифи.....	36
3.2. Табиат компонентларининг экологик ҳолати.....	39
3.2.1. Атмосфера ҳавоси.....	39
3.2.2. Сув ресурслари.....	40
3.2.3. Ер ресурслари.....	42
3.2.4. Биологик ресурслар ва био хилма-хиллик.....	43
3.2.5. Ер ости бойликлари.....	45
3.2.6. Чиқиндилар.....	46
3.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазият ва уларнинг худудий фарқлари.....	48
3.3.1. Экологик вазиятнинг худудий фарқлари тўғрисидаги тушунча.....	48
3.3.2. Экологик вазиятни баҳолаш мезонлари ва экологик районлаштириши...	49
3.3.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазиятнинг худудий фарқлари ва уларни экологик экспертизада ҳисобга олиши.....	51
3.4. Орол дентизининг қуриши ва экологик экспертиза сабоқлари: салбий антропоген таъсирининг экологик ҳалокатга ва ижтимоий-иктисодий инцизозга олиб келиши намунаси.....	55
3.4.1. Орол ҳалокати миқёслари, сабаб ва оқибатлари.....	55
3.4.2. Орол шиқирозидан чиқиш йўллари.....	57

3.5. Тоғ ва текислик геотизимларидан фойдаланишнинг экологик экспертиза хусусиятлари.....	59
3.6. Ўзбекистонда халқаро экологик экспертиза тажрибалари ютуқларидан фойдаланиш.....	62
Қисқача хулосалар.....	66
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	68
Асосий адабиётлар.....	69
IV боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ...	70
4.1. Экологик экспертизанинг принциплари тўғрисидат тушунча.....	70
4.2. Экологик экспертизанинг умумий принциплари.....	71
4.3. Экологик экспертизанинг илмий принциплари.....	72
4.4. Экологик экспертизанинг юридик (хуқуқий) принциплари.....	75
Қисқача хулосалар.....	76
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	77
Асосий адабиётлар.....	77
V боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ...	78
5.1. Экологик экспертизанинг хуқуқий асослари тўғрисида тушунча.....	78
5.2. Экологик экспертиза хуқуқий асосларининг тизимлари.....	78
5.3. Экологик экспертиза муносабати қатнашчиларининг хуқуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.....	80
Қисқача хулосалар.....	82
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	83
Асосий адабиётлар.....	83
VI боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТУРЛАРИ...	84
6.1. Экологик экспертиза турлари тўғрисида тушунча.....	84
6.2. Давлат экологик экспертизаси.....	85
6.3. Жамоат экологик экспертизаси.....	87
6.4. Экологик аудит.....	87
Қисқача хулосалар.....	90
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	91
Асосий адабиётлар.....	91
VII боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТТГА ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ...	92
7.1. Экологик экспертизага қўйиладиган умумий талаблар.....	92
7.2. Экологик экспертиза объектларининг атроф табиий муҳитта таъсири нинг фарқлари ва уларни баҳолаш.....	94
7.3. Экологик экспертиза объектларининг атроф табиий муҳитта таъсири бўйича классификацияси.....	96
Қисқача хулосалар.....	100
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	101
Асосий адабиётлар.....	101
VIII боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ...	102
8.1. Экологик экспертизанинг асосий йўналишлари тўғрисида тушунча...	102
8.2. Технологик (техника) экологик экспертизаси.....	103
8.3. Корхоналар экологик экспертизаси.....	104
8.4. Шаҳарсозлик экологик экспертизаси.....	106
8.5. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни ўзgartiriш лойиҳаласи.....	106

рининг экологик экспертизаси.....	108
Қисқача хуросалар.....	110
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	111
Асосий адабиётлар.....	111
IX боб. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНинг ХУЛОСАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	112
9.1. Давлат экологик экспертизаси хизматини ташкил этиши.....	112
9.2. Давлат экологик экспертизаси хуросасининг тузилма ва мазмунига қўйиладиган талаблар.....	114
9.3. Давлат экологик экспертизаси хуросасининг мазмуни ва матни.....	115
Қисқача хуросалар.....	119
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	120
Асосий адабиётлар.....	120
АДАБИЁТЛАР.....	121

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. SUBJECT, METHODS AND TASKS OF "ECOLOGIC EXPERTISE" COURSE.....	7
1.1.Development of "ecologic expertise" as a new course.....	7
1.2.Subject, object and researching methods of "ecologic expertise" course.....	9
1.3.Relations and connections of "ecologic expertise" with other course.....	11
1.4.Goals and tasks of the course of "ecologic expertise"	12
Brief conclusions.....	14
Questions for discussion and control.....	15
Main literature.....	15
PART-II. SCIENTIFIC-METHODOLOGIC BASIS OF "ECOLOGIC EXPERTISE"	16
2.1.Conception of "ecologic expertise".....	16
2.2.Regulation of nature and society relations in "ecologic expertise".....	18
2.3.Ecologic rules and principles in "ecologic expertise".....	21
2.4.Main conception of "ecologic expertise" and evaluating methods.....	24
2.5.Evaluation of effects to nature in "ecologic expertise".....	28
2.6.Structure and branches of "ecologic expertise".....	31
Brief conclusions.....	33
Questions for discussion and control.....	34
Main literature.....	35
PART-III. ECOLOGIC CONDITION IN UZBEKISTAN AND ITS EVALUATION.....	36
3.1.Defition of ecologic condition.....	36
3.2.Ecologic conditions of nature components.....	39
3.2.1.Air of atmosphere.....	39
3.2.2.Water resources.....	40
3.2.3.Land resources.....	42
3.2.4.Biologic resources.....	43
3.2.5.Underground resources.....	45
3.2.6.Waste.....	46
3.3.Ecologic conditions in regions and their regional difference.....	48
3.3.1.About ecologic differences according to regions	48
3.3.2.Evaluation limits of ecologic condition and ecologic regions	49
3.3.3.Regional differences of ecologic conditions of regions and effects to ecologic expertise.....	51
3.4.Shrinking of Aral Sea and lessons of ecologic expertise: ecologic tragedy and sample of social-economical tragedy.....	55
3.4.1.Aral Sea tragedy, reasons and results.....	55
3.4.2.Ways of solving Aral Sea tragedy.....	57
3.5.Role of ecologic expertise in the utilization of mountain and valley geo-systems..	59
3.6.Utilization from international ecologic expertise achievement in Uzbekistan.....	62
Brief conclusions.....	66
Questions for discussion and control.....	68
Main literature.....	69
PART-IV. MAIN PRINCIPLES OF ECOLOGIC EXPERTISE	70
4.1. About principles of ecologic expertise.....	70
4.2. General principles of ecologic expertise.....	71
4.3.Scientific principles of ecologic expertise.....	72

4.4.Legal principles of ecologic expertise.....	75
Brief conclusions.....	76
Questions for discussion and control.....	77
Main literature.....	77
PART-V. LEGAL BASES OF ECOLOGIC EXPERTISE	78
5.1.About legal bases of ecologic expertise.....	78
5.2. System of legal bases of ecologic expertise.....	78
5.3.Rights and responsibilities of participants of ecologic expertise relations.....	80
Brief conclusions.....	82
Questions for discussion and control.....	83
Main literature.....	83
PART-VI. TYPES OF ECOLOGIC EXPERTISE.....	84
6.1.About types of ecologic expertise.....	84
6.2. Ecologic expertise of government.....	85
6.3.Ecologic expertise of society.....	87
6.4. Ecologic audit.....	87
Brief conclusions.....	90
Questions for discussion and control.....	91
Main literature.....	91
PART-VII. REQUESTED RULES OF ECOLOGIC EXPERTISE AND EVALUATION OF ITS EFFECTS TO ENVIRONMENT	92
7.1.General requeste rules for ecologic expertise.....	92
7.2.Evaluation of effects of ecologic expertise to environment.....	94
7.3.Classification of effects of ecologic expertise to environment.....	96
Brief conclusions.....	100
Questions for discussion and control.....	101
Main literature.....	101
PART-VIII. MAIN TRENDS OF ECOLOGIC EXPERTISE.....	102
8.1.About main trends of ecologic expertise.....	102
8.2. Technologic expertise.....	103
8.3.Organization's ecologic expertise.....	104
8.4. Ecologic expertise of cities.....	106
8.5.Utilization of natural resources and ecologic expertise of nature changing changing projects.....	108
Brief conclusions.....	110
Questions for discussion and control.....	111
Main literature.....	111
PART-IX. ORGANIZATION OF ECOLOGIC EXPERTISE SERVICE AND GOVERNMENTAL ECOLOGIC EXPERTISE CONCLUSIONS.....	112
9.1.Organization of governmental ecologic expertise.....	112
9.2. Structure and requested demands for governmental ecologic expertise conclusions.....	114
9.3. Essence and order of governmental ecologic conclusions.....	115
Brief conclusions.....	119
Questions for discussion and control.....	120
Main literature.....	120
List of Bibliography.....	121

ЖУМАЕВ ТУРОБ ЖУМАЕВИЧ

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА (Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Адабиёт жамғармаси директори

Курбонмурод Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.

Муҳаррир – З.Йўлдошев

Техник муҳаррир – Ш.Тожиев

Мусахис – Ж.Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – Ж.Жонузоқов

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қофоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоғи 8. Нусхаси 500.

Буюртма № 172

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.

700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«Taraqqiyot ИСН» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-6.